

YANGI O'ZBEKISTON: 2026

CONFERENCE.UZ

ILMIY TADQIQOTLAR

DAVRIYLIGI: 2018-2026

DUNYODA BIRINCHI KASHF ETILGAN SAMOLYOT

МОЩНОСТЬ ДВИГАТЕЛЯ **12 л.с.**
(8,8 кВт)

МАССА ДВИГАТЕЛЯ **77 кг**

МАКСИМАЛЬНАЯ СКОРОСТЬ **48 км/ч**

ЭКИПАЖ **1 человек**

ПЛОЩАДЬ КРЫЛА **47 м²**

ДЛИНА **6,4 м**

РАЗМАХ КРЫЛЬЕВ **12,3 м**

ВЫСОТА **2,7 м**

ОСНОВНОЙ МАТЕРИАЛ **ДЕРЕВО**
(Ель)

МАССА:

- ПУСТОГО **274 кг**
- СНАРЯЖЁННОГО **338 кг**

Орвилл Райт

Уилбур Райт

TOSHKENT SHAHAR, AMIR TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

WWW.TADIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ

APREL №87



**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР
2-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
ЧАСТЬ-2**

**NEW UZBEKISTAN:
SCIENTIFIC
RESEARCH PART-2**

ТОШКЕНТ-2026



УЎК 323(575.1)(063)

КБК 66.3(5Ў)я43

И-18

DOI 10.5281/zenodo.11390854

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: Илмий тадқиқотлар» [Тошкент; 2026]

«Янги Ўзбекистон: Илмий тадқиқотлар» мавзусидаги республика 87-қўп тармоқли илмий маърифий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 апрель 2026 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2026. – 237 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегияси — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ: — илмий изланиш ютуқларини амалий-тажриби жиҳат йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талабалар-иштирокчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилиб бориб, унда таълим тизимида илғор замонавий ёндашувлар, натижалар, муаммолар, ечимлар, статистик вазиятлар ва илмий-тараққиётнинг истиқболли режалари таҳлил қилинади конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонови, ю.ф.д., доцент

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши -

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар -

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар –

Исмаилов Хусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни -

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви -

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Беш муҳим ташаббус" маркази раҳбари)

6. Журналистика -

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Анджон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар –



Самигова Умида Хамидуллаевна (“Kinder land of Asia” НТМ ўқув ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари)

8. Адабиёт-

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодий ва инновацияларнинг тутган ўрни -

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар -

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, таржимонлик факультети, инглиз тили амалий таржимаси кафедраси в.б.доценти, PhD)

11. Жисмоний тарбия ва спорт-

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши -

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши -

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14. Тасвирий санъат ва дизайн-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15. Мусиқа ва ҳаёт-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар -

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17. Физика-математика фанлари ютуқлари -

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар –

Зупарова Зулфия Ахрор қизи DSc (Тошкент тиббиёт академияси фармакология кафедраси доценти, фармацевтика фанлари доктори)

19. Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содикович DSc (Альфраганус университети, фармацевтика ва кимё кафедраси мудири, фармацевтика ва кимё фанлар доктори, профессор)

20. Ветеринария

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

21. Кимё фанлари ютуқлари -

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар -

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)



23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари -

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Хамидович "ТИИМСХ"

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар -

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География- Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

Page maker/Верстка/Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакции журнала.

www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail:
info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of

www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail:
info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000



ҲУҚУҚ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР

СУД ТИЗИМИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
ЗАРУРИЯТИ ВА МАҚСАДИ

Эшмирзаев Зоҳиджон Муҳаммадиевич
Холманов Бобур Рустамович
Усманов Алишер Акрамович
Турақулов Акрам Негматуллаевич
Қарши туманлараро иқтисодий суди
судьялари

АННОТАЦИЯ: Мамлакатимизда истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш юзасидан қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотлар жараёнининг кейинги мантиқий босқичи - бу суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришдир. Ушбу мақола мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимига рақамли технологияни жорий этиш жараёнини ва заруриятини, мақсадини ҳамда суд-ҳуқуқ тизими ривожига аҳамиятини очиқ беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: одил судлов, суд-ҳуқуқ тизими, рақамлаштириш, гаджет.

Ривожланган хорижий мамлакатларда суд-ҳуқуқ тизимига рақамли технологияни жорий этилиши суд-ҳуқуқ тизимини ижобий жиҳатдан ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган.

Мамлакатимизда ҳам бу борада кескин ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари ва 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришни янада жадаллаштиришга кескин туртки бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сонли Фармонини ҳамда 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этиш, шунингдек, судлов ишларини юргизиш самарадорлиги ва аҳолининг одил



судловдан хабардорлик даражасини оширишга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини судлар фаолиятида кенг қўллашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.08.2017 йилдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ қуйидагилар судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этишнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

биринчидан — судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлаш, судлов ишларини юргизиш сифати ва аҳолининг одил судловдан хабардорлик даражасини ошириш, суд ходимлари томонидан сансалорлик, бюрократизм ва суиистеъмолчилик фактларига барҳам бериш;

иккинчидан - судларда ишларнинг ўз вақтида кўрилишини назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш, судлов ишларини юргизишдаги муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини кўриш мақсадида судлар ишларини автоматлаштириш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштириш;

учинчидан - одил судловни амалга ошириш ҳамда судлар қарорларининг ижросини таъминлашда судларнинг суриштирув, дастлабки тергов ва мажбурий ижро органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

тўртинчидан - судларда иш юритиш самарадорлиги оширилишини, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот очиқлигини, шунингдек, аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхати кенгайтирилиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини такомиллаштириш;

бешинчидан - судьялар ва судлар ходимларининг ишда замонавий компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда уларнинг компьютер саводхонлиги, амалий кўникмалари даражасини ошириш;

олтинчидан - судлар тизимида ахборот хавфсизлигини ва электрон ҳужжатларнинг хавфсиз айланишини таъминлаш.

Шунингдек, 2017 - 2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастури тасдиқланди. [1].

Мамлакатимизда ҳам судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган ва кўрилаётган чора-тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни янада эркинлаштириш, одил судловга эришиш ва судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш кафолатини бермоқда.

Келинг энди биз суд тизимига рақамли технологияларни жорий этиш заруриятини бошқа давлатлар амалиётидан келиб чиқиб таҳлил қилсак.



Жумладан, Қоғоғистон вице-президенти Мухамеджан Пакидинов шундай таъкилаб ўтади:

Суд фаолиятининг рақамлаштирилиши судларнинг ишини сезиларли даражада содалаштирди ва суд ишларини кўриб чиқиш вақтини сезиларли даражада қисқартирди.

Дарҳақиқат, судьялар “Электрон суд”нинг афзалликларини тезда кадрлашди ва энг муҳими, электрон технологиялар ўз вақтларини тежашини ва суд тизими шаффоф ва қулай бўлишини англаган республика фуқаролари бунга амин бўлишди. Шундай қилиб, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари биноларига видеокамералар ўрнатилиши натижасида маҳбусларни суд мажлисига кузатиб қўйишга ҳолат қолмади. Албатта, катта ва мураккаб шов-шувли ишларда жиноий ишлар аввалги тузумда, яъни судланувчилар суд мажлисига ўтказилиши билан кўриб чиқилган.

Марказга ўрнатилган мониторлар Қозоғистоннинг деярли барча суд залларида суд жараёнларини онлайн равишда кузатиб бориш имкониятини беради. Агар бирон бир жараён ўз вақтида бошланмаса, у ҳолда аудио-видео ёзув автоматик равишда ёқилади ва Олий суд мутахассислари суд мажлисининг кечикиши сабабини аниқлай бошлайдилар, албатта жавоб қайтарилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ёзишни тўхтатиш ёки видеони таҳрирлаш техник жиҳатдан мумкин эмас. Ҳар бир жараён тугагандан сўнг, видео ёзув серверда сақланади. Қонун талабларига мувофиқ, жараён иштирокчилари ёзувни ўзлари кўриш учун дискдаги нусхаларини талаб қилиш ёки серверга индивидуал кириш ҳуқуқига эга.

2017 йил бошидан бери судлар асосан фуқаролик процесслари учун мўлжалланган ва мажлисларда шахсан қатнашмасликка имкон берувчи “Суд идораси” мобил электрон хизматидан фойдаланмоқдалар. Мобил “Суд идораси”нинг имкониятлари ишнинг барча жараёнларини масофадан туриб кузатиб бориш имконини беради. Суд мажлислари рўйхати, суд мажлислари тақвими мавжуд ва сиз суд ҳужжатлари билан тезда танишишингиз мумкин.

Фуқаролар замонавий гаджетлардан фойдаланган ҳолда судда ўз уйидан ёки офисидан чиқмасдан иштирок этишлари мумкин, фақат мобил телефонга дастурни ўрнатиб, ўз вақтида алоқада бўлишлари кифоя. [2]

Суд-ҳуқуқ тизимига рақамли технологияни жорий этиш адолатни таъминлаш билан бирга балки ишни судда кўриш учун сарфланадиган вақт ва меҳнат харажатларини қисқартириш ҳамда мамлакат иқтисодий ривожига самарали таъсир кўрсатади. Биргина Буюк Британия суд амалиётига назар солсак биз бу фикримизга жавоб олишимиз мумкин.

Масалан, Буюк Британияда рақамли бизнес-ишлаб чиқариш инфратузилмаси 2015 йилда ишга туширилгандан буён (HM Courts & Tribunals Service Digital Case System) жорий этилиши, ишлатилган қоғоз ҳажмини 500 тоннага ва даъво аризасини топширишга сарфланган вақт - 15 иш кунидан 10 дақиқагача қисқартирди. Буюк Британиядаги мутахассисларнинг фикрига кўра, 2023 йилга келиб 2 миллиондан ортиқ иш ҳақиқий суд заллари



ташқарисида кўриб чиқилади, шу туфайли давлат тахминан 244 миллион фунтни тежашга қодир бўлади [3].

Айни вақтда барча мамлакатларда суд тизимини янада ривожлантириш мақсадида рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқда ва улардан фойдаланиш кўлами кенгайтирилмоқда. Халқаро тажриба суд тизимида сунъий интеллектнинг қўлланилиши, тез ривожланаётган замонавий муносабатлар шароитида муаммоларни ҳал қилиш учун таклиф этилаётган турли хил ёндашув ва йўналишларнинг кенгайтирилганлигидан далолат беради. Ҳеч шубҳа йўқки, сунъий интеллект суд фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Масалан, Бразилияда кейинчалик кейинчалик суд ҳукми асосланадиган йўл-транспорт ҳодисаларида гувоҳларнинг кўрсатмалари ва ашёвий далиллар киритиладиган ва таҳлил қилинадиган эксперт тизими бўлган “Электрон судья” компьютер дастури қўлланилади [4].

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, суд-ҳуқуқ тизимига рақамли технологияни жорий этилиши фақатгина судга муурожаат қилишни эркинлаштириш, одил судловга эришиш ва судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлашда муҳим роль ўйнаб қолмасдан, балки жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини асоссиз равишда бузилишини, бюджет ҳисобидан сарфланадиган ортиқча харажатларнинг олдини олиш, ишни кўриб чиқиш муддатини қисқартириш ва шу каби бошқа муҳим афзалликларга эга экан. Шу сабабли мазкур соҳада қонунчиликни янада такомиллаштириш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.08.2017 йилдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сонли Қарори, <https://lex.uz/docs/3327998>
2. Цифровизация правовой системы - шаг в будущее (Мухамеджан Пакирдинов, Вице-Президент Казахстанской криминологической ассоциации, к.ю.н.)-Параграф-WWW мобильная версия <https://online.zakon.kz/m/Document/>
3. Информационные технологии в правосудии: состояние и перспективы. Россия и мир. Аналитический доклад. Коллектив авторов: Кашанин А.В. (Национальный исследовательский университет “Высшая школа экономики”), Козырева А.Б. (Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина), Курносова Н.А. (Центр развития современного права), Малов Д.В. (Центр развития современного права). Отв. редактор: Кашанин А.В. www.crsp.ru info@crsp.ru
4. Суд по-бразильски: приговор выносит искусственный интеллект [Электронный ресурс]. URL: <http://www.v-brazil.com/government/judiciary-branch/supreme-court.html> .



ATROF MUHITNING IFLOSLANISHINI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH

Hafizov Diyorbek

Toshkent davlat yuridik universiteti

Jinoiy odil-sudlov fakulteti 2-kurs C potok talabasi

hafizovdiyorbek5@gmail.com

Anotatsiya: Bugungi tezlik bilan rivojlanayotgan dunyoda global muammolardan biri bu – atrof muhit ifloslanishi va hamda uni oldini olishga qaratilgan harakatlarda to‘siqqa uchrashlar hisoblanadi. Yildan yilga mamlakatlarning sanoat sohasidagi ulkan o‘zgarishlari hisobiga tashqi atrof muhitga turli xil kimyoviy va zaharli moddalarning sizib chiqishi har xil kasalliklarning paydo bo‘lishiga sabab bo‘lmoqda. Ushbu ilmiy maqolada atrof-muhitga yetkazilayotgan zararlarning xavfli oqibatlari, uning inson hayotiga zararli ta’sirlari, dunyo miqyosida tabiatning ifloslanishining statistikasi, atrof- muhitni muhofaza qilishning xalqaro va milliy-huquqiy asoslari keltiriladi. Tadqiqot natijasida tabiiy muhitni himoyalashning huquqiy mexanizmlarini rivojlantirish sohasida ba’zi tavsiyalar berilgan.

Kalit so‘zlar: sanoat, tabiat, qarorlar, konvensiya, yashil iqtisodiyot, globallashtirish, ekosistema, atmosfera.

XXI asrda insoniyat oldida turgan eng dolzarb muammolardan biri – bu atrof-muhitning zararlanishi va ekologik barqarorlikni amalga oshirish hisoblanmoqda. Insonlar o‘z hayotlari davomida turli xil o‘zgarishlar va yangiliklarni, jumladan, oxirgi 2 asr davomida sanoat sohasidagi inqiloblar, texnik taraqqiyot, mashinasozlik va avtomobilsozlikning rivojlanishi oqibatida sayyoramizning biosferasiga jiddiy xavflar paydo bo‘lmoqda. Buni biz ekologiya huquqida yanada xalqaro ekologiya huquqida o‘rganishimiz mumkin. Xalqaro ekologiya huquqi – bu bizning eng jiddiy ekologik muammolarimizni, jumladan, iqlim o‘zgarishi, ozon qatlaminin yemirilishi va yovvoyi tabiatning ommaviy yo‘q bo‘lib ketishini hal qilish orqali boshqarish bo‘yicha dunyoning jamoaviy sa’y-harakatlarni aks ettiruvchi kelishuvlar va tamoyillar to‘plami. Umuman olganda, xalqaro ekologik huquq barqaror rivojlanishga, ya’ni odamlarga kelajak avlodlarning hayot sifatini yo‘qotmasdan, bugungi kunda yuqori sifatli hayotga ega bo‘lishni ta’minlashga qaratiladi.¹ Atmosfera ifloslanishi orqali butun sayyora hayotiga kata tahdid solinadi. Bunda nafaqat havo qatlami zararlanmay, balki butun flora va fauna tizimi, insonlarning sog‘lom turmush tarziga ham shikast yetishi mumkin. Atmosfera (havo bo‘shlig‘i) - bir so‘z bilan aytganda, havo tarkibiga begona moddalar va qo‘shimchalarning me’yoridan ortiq to‘planishiga aytiladi.² Biz atrof muhitga turli

¹ https://www.americanbar.org/groups/public_education/publications/insights-on-law-and-society/volume-19/insights-vol--19---issue-1/international-environmental-law/

² P.S. Sultonov O‘zbekiston Davlat konservatoriyasining “Musiqqa” nashriyoti, 2007-y. – 56-bet



ko‘rinishlarda zararlar va chiqindilar chiqaramiz hamda uni ifloslantiramiz. Atrof-muhit ifloslanishining fanda 2 xil ko‘rinishi mavjud:

Tabiiy ifloslanish – havo qatlamida doimiy ravishda ma’lum miqdorda chang zarralari bo‘ladi. Ular tabiatda sodir bo‘ladigan har xil hodisalar natijasida paydo bo‘ladi. Zararli hisoblangan o‘sha changlar tog‘ jinslarining yemirilishi va nurashi, vulqonlarning otilishi, to‘qay va o‘rmonlarga o‘t ketishi, dengiz suvlarining parlanib havoda tuzga aylanishi mineral changlarning hosil bo‘lishiga sabab bo‘ladi. Yana misol qilib aytish mumkinki, havodagi bakteriyalar sporalar, kichik o‘simlik urug‘lari ham changlar paydo bo‘lishiga sabab bo‘ladi.

Antropogen ifloslanish – asosan transport vositalarida, sanoat korxonalarida va energiya ishlab chiqaruvchi tarmoqlarda organik yonilg‘ilardan foydalanish natijasida hosil bo‘ladigan chiqindilar va ajratmalarning havo havzasiga tushishi oqibatida sodir bo‘ladi.³ Atmosfera havosi ifloslanishidan insonlarga yetkazilayotgan zarar sanoat va maishiy chiqindilarni ochiq suv havzalariga tashlashdan yetkaziladigan zarardan kam mas. Transport va sanoat zavodlari sonining yildan yilga ko‘payib borishi, o‘rmonlarning shiddat bilan qisqarishi, okean havzalarining neft va turli yonuvchi resurslar bilan ifloslanishi, o‘tgan asr davomida yadro qurollarining sinovdan o‘tkazish davrida portlatilish holatlari natijasida atmosferadagi kislorod miqdori kamayib, karbonat angidrid va azot oksidlari hajmi oshmoqda. Buni davlatlarning zararli va kimyoviy moddalar (issiqxona gazlari) chiqarishi bo‘yicha Global Carbon Project 2023 ning statistic tahlilnomasida kuchli 10 talik o‘rinni sanoatlashgan mamlakatlar egallagan.

1. Xitoy – 31%
2. Aqsh – 14%
3. Hindiston – 7.3%
4. Rossiya – 4.7%
5. Yaponiya – 3%
6. Eron- 2.3%
7. Germaniya – 2%
8. Saudiya Arabistoni – 1.8%
9. Indoneziya -1.8%
10. Kanada – 1.5%

Bundan ma’lumki rivojlangan mamlakatlarda havoni ifloslantirish darajasi yuqori. Buni oldini olish maqsadida dunyo hamjamiyati o‘rtasida turli xil konferensiyalar o‘tkazilgan va ularda bajaralishi shart bo‘lgan turli majburiyatlar o‘rnatilgan. Atrof-muhitni asrash borasida xalqaro hamjamiyat tomonidan birinchi bo‘lib tuzigan shartnomalardan biri bu BMT shafeligida amalga oshirilgan 1992-yilgi Rio-de-Janeyro konferensiyada Iqlim o‘zgarishi to‘g‘risida doiraviy konvensiya qabul qilindi⁴. Unda 196 ta a‘zo davlatlarning maqsad va vazifalari belgilandi. Masalan, issiqxona gazlari chiqarishning har yilgi monitoringni amalga oshirish, milliy tahlillar olib borish, kam rivojlangan mamlakatlarga moliyaviy yordam ko‘rsatish. Undan so‘ng, konvensiya doirasida 2 ta muhim hujjat qabul qilingan: - Kioto protokoli (1997) chiqindilarni qayta ishlab chiqargan holda zararli moddalar ko‘payishini oldi olish orqali 2008-2012-yillarda chiqindilarni 22.6 % ga kamaytirishga erishildi. 2015-yildagi Parij bitimi esa global harorat oshishini 2°C darajadan past darajada ushlab turishni maqsad qilgan⁵. Biroq ushbu bitimlarda qat’iy sanksiya mexanizmlarining yetarli emasligi ularning samaradorligini pasaytiradi va va 2050-yilgacha bo‘lgan muddatda “uglerod neytralligiga” erishish

³ P.S. Sultonov O‘zbekiston Davlat konservatoriyasining “Musiqa” nashriyoti, 2007-y. –57- bet

⁴ United Nations Framework Convention on Climate Change (UNFCCC), 1992.

⁵ Paris Agreement, United Nations, 2015.



talabi qo‘yiladi. Agar davlatlar yuqorida kelishilgan majburiyatlarga amal qilmasa, atrof-muhitning shunday isishi davom etaversa, 2050- yilga borib dengiz sathi 0.3-2.5 metrga balandlashi kutilmoqda. ⁶ Bu muammolarni yechish uchun bir necha muqobil variantlar mavjud bo‘lib, ulardan eng muhimlaridan biri “yashil iqtisodiyot” deb nomlangan dunyo bo‘ylab yangi siyosatni aytish mumkin. Bundan bosh maqsad resurslar tanqisligini olib keladigan hamda atrof-muhit va inson salomatligiga keng tarqalgan tahdidlarni keltirib chiqaradigan bugungi hukmron iqtisodiyotga alternativ bo‘ladi. Bu konseptsiya ko‘plab hukumatlar uchun asosiy dastur sifatida xizmat qilmoqda. Bunda Shvetsiya, Daniya, Chexiya kabi mamlakatlar yashil o‘shish darajasida yuqori o‘rinlarda bo‘lsa, Afrikaning Zimbabve, Niger va Nigeriya kabi davlatlari esa eng oxirgi o‘rinlarda turadi.⁷ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 4-oktabrdagi PQ-4477-son qarori bilan 2019-2030-yillarda O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotiga o‘tish o‘tish strategiyasi tasdiqlangan. Bu indeksda mamlakatimiz Osiyoda 33-o‘rinda turadi. Atrof-muhitni muhofaza qilish sohasidagi xalqaro- huquqiy tartibga solish tizimi doimiy rivojlanish va takomillashtirishni talab etadi. Amalda xalqaro shartnomalar va kelishuvlar muhim ahamiyatga ega bo‘lsa-da, ularning samaradorligini oshirish, nazorat tartiblarini kuchaytirish va yangi zamonaviy dasturlar ishlab chiqish kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar :

- 1) P.S. Sultonov O‘zbekiston Davlat konservatoriyasining “Musika” nashriyoti, 2007-y.
- 2) A.A. Amrilloev “Yashil iqtisodiyot”
- 3) BMT atrof-muhitga oid hisobotlari . 2023.
- 4) Paris Agreement, United Nations, 2015.
- 5) United Nations Framework Convention on Climate Change (UNFCCC), 1992.
- 6) https://www.americanbar.org/groups/public_education/publications/insights-on-law-and-society/volume-19/insights-vol--19---issue-1/international-environmental-law/

⁶ BMT atrof-muhitga oid hisobotlari . 2023.

⁷ A.A. Amrilloev “Yashil iqtisodiyot”



RAQAMLI DALILLAR: AHAMIYATI VA HUQUQIY TATBIQI

Ochilov Jasur Raxmatovich

Termiz tumanlararo iqtisodiy sudining
sudyasi

Annotatsiya: Maqolada raqamli dalillarning sud va tergov jarayonlarida o'rni, dolzarbligi, ularni to'plash hamda aniqlashning tamoyillari yoritiladi. Bugungi kunda kiberjinoyatlarning ortgani o'z-o'zidan raqamli dalillarga bo'lgan talablarni oshiradi. Raqamli dalillar sud-huquq amaliyotida muhim o'rin tutib, ular orqali jinoyatlarning oldini olish, tergov jarayonlarini tezlashtirish va odil sudlovni ta'minlash imkoniyati amalga oshiradi. Maqolada raqamli dalillarning chet el tajribasi o'rganilgan.

Kalit so'zlar: raqamli dalillar, elektron ma'lumotlar, sud jarayoni, tergov jarayoni, axborot bazasi, raqamli kriminalistika

Mazkur maqolada raqamli dalillarning sud va tergov jarayonlaridagi o'rni, ularni to'plash, saqlash va baholashning asosiy qoidalari yoritiladi. Raqamli asrda elektron ma'lumotlar huquqiy munosabatlarda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Raqamli dalillar — elektron qurilmalarda saqlanadigan yoki uzatiladigan ma'lumotlar bo'lib, ularga elektron xatlar, fayllar, audio-video yozuvlar, server loglari, tranzaksiyalar va GPS ma'lumotlari kiradi. Ularning ishonchligi ekspertiza orqali tekshiriladi.

O'zbekistonda 2024 yil 21 noyabrda qabul qilingan qonun bilan raqamli dalillar bilan ishlash tizimi takomillashtirildi. Ushbu o'zgartishlar Jinoyat-protsessual va Fuqarolik protsessual qonunchiligiga kiritilib, sud va huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyatida zamonaviy texnologiyalardan foydalanishni kengaytirdi.

Qonunchilikka ko'ra, raqamli ma'lumotlar tegishli tartibda rasmiylashtirilishi, bayonnomalarga kiritilishi va mutaxassis ishtirokida olinishi shart. Oliy sud Plenumining 24.08.2018 yilgi qaroriga muvofiq, mutaxassis ishtirokisiz olingan elektron dalillar maqbul deb topilmasligi mumkin.

Xalqaro tajribada, xususan AQSH va Yevropa Ittifoqida raqamli dalillar bilan ishlashning aniq standartlari mavjud. Forensik tahlil usullari (disk image, hashing, metadata tahlili) orqali dalillarning haqiqiyliги ta'minlanadi. Yevropa Ittifoqida GDPR va Budapesht konvensiyasi muhim ahamiyatga ega.

Yaponiya tajribasida raqamli dalillarni faqat sud ruxsati bilan to'plash, ularni o'zgarishsiz saqlash va autentifikatsiya qilish talab etiladi.

O'zbekistonda mazkur sohani yanada rivojlantirish uchun:

- 1) "Raqamli dalillar to'g'risida" alohida qonun qabul qilish;
- 2) maxsus laboratoriya va mutaxassislar tayyorlash tizimini yo'lga qo'yish maqsadga muvofiq.



Xulosa qilib aytganda, raqamli dalillarning huquqiy asoslarini mustahkamlash sud-huquq tizimi samaradorligini oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. “Dalillar maqbulligiga oid jinoyat-prosessual qonuni normalarini qo‘llashning ayrim masalalari to‘g‘risida”. 24.08.2018.
2. O‘RQ 1003-sonli “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga elektron (raqamli) dalillar bilan ishlash tizimini takomillashtirishga qaratilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”. 21.11.2024.
3. "Computer Forensics: Cybercriminals, Laws, and Evidence". Marie-Helen Maras. 2014. 70-100
4. Electronic Evidence in Civil Procedure in Japan. Hironao Kaneko. 2008.



SUN'IY INTELLEKTNING DAVLAT BOSHQARUVIDAGI HUQUQIY MAQOMI

Mamajonova Madinabonu Xamidjon qizi

TDYU Davlat boshqaruvi huquqi

yo'nalishi magistranti

madinamamajonova.uz@gmail.com

Annotatsiya. Sun'iy intellektning davlat boshqaruviga joriy etilishi boshqaruv jarayonlarini avtomatlashtirish va samaradorlikni oshirishga xizmat qilmoqda. Biroq SI ning huquqiy maqomi aniq belgilanmagani uni qo'llashda muammolar tug'dirmoqda. Maqolada SI ning huquq obyektini, subyekti yoki "elektron shaxs" sifatidagi nazariy yondashuvlari tahlil qilinadi. Shuningdek, Rossiya va xalqaro tajriba asosida shaffoflik, javobgarlik hamda inson huquqlarini ta'minlash masalalari yoritiladi.

Kalit so'zlar: sun'iy intellekt, davlat boshqaruvi, huquqiy maqom, elektron shaxs, shaffoflik, avtomatlashtirilgan qaror qabul qilish.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining jadal rivojlanishi natijasida sun'iy intellekt zamonaviy jamiyatning ko'plab sohalarida muhim vositaga aylandi. U katta hajmdagi ma'lumotlarni tahlil qilish, murakkab jarayonlarni boshqarish va inson aralashuvisiz qarorlar qabul qilish imkonini beradi. Davlat boshqaruvida esa SI ma'muriy tartib-taomillarni soddalashtirish, davlat xizmatlari sifatini oshirish, korrupsion xavflarni kamaytirish hamda boshqaruv samaradorligini kuchaytirishda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Shu bilan birga, SI ning huquqiy maqomi xalqaro miqyosda hanuz aniq yechimga ega emas. Asosiy masala uni oddiy texnik vosita sifatida baholash yoki mustaqil huquqiy subyekt sifatida tan olish zaruratidir. Bu muammo ayniqsa davlat boshqaruvida dolzarb bo'lib, inson huquqlari, qonuniylik va davlat javobgarligiga bevosita ta'sir ko'rsatadi.

Huquqshunoslikda SI maqomiga oid bir necha yondashuvlar mavjud. Birinchi yondashuvga ko'ra, SI huquq obyektini bo'lib, uning harakatlari uchun ishlab chiquvchi yoki foydalanuvchi javobgar hisoblanadi [1]. Ikkinchi yondashuv SI ni huquq subyekti sifatida ko'radi, biroq u ong va axloqiy iroda kabi insoniy xususiyatlarga ega emasligi sababli keng qo'llab-quvvatlanmaydi [2]. Uchinchi yondashuv esa SI ni "elektron shaxs" yoki "kvazi-subyekt" sifatida talqin etadi. Bunda SI ayrim funksiyalarni bajarishi mumkin, ammo yakuniy nazorat inson qo'lida qoladi. Mazkur model davlat boshqaruvi uchun nisbatan maqbul yechim sifatida baholanmoqda. Rossiya Federatsiyasi SI ni davlat boshqaruvi tizimiga joriy etishda faol davlatlardan biri hisoblanadi. "2030 yilgacha bo'lgan davrda sun'iy intellektni rivojlantirish milliy strategiyasi"da SI inson intellektiga xos funksiyalarni bajarishga qodir bo'lgan texnologik yechimlar majmui sifatida belgilangan [3].



SI ni amaliyotga joriy etish maqsadida Rossiyada eksperimental huquqiy rejimlar joriy etilgan. Jumladan, Moskva shahrida amalga oshirilgan maxsus tajriba doirasida videoanalitika, shahar boshqaruvi va davlat xizmatlarini avtomatlashtirish tizimlari sinovdan o'tkazildi. Bu jarayonda shaxsga doir bo'lmagan ma'lumotlardan foydalanish, ma'lumotlarni qayta ishlash va xavfsizlik choralariga alohida e'tibor qaratildi.

Shuningdek, Rossiya hukumati tomonidan SI va robototexnikani tartibga solishga oid konsepsiyalar ishlab chiqilib, ularda inson manfaatlari va asosiy huquqlar ustuvorligi asosiy tamoyil sifatida belgilangan.

Davlat boshqaruvida SI dan foydalanish qator huquqiy xavflarni yuzaga keltiradi. Eng asosiy muammolardan biri algoritmlarning "qora quti" xususiyatidir [4]. Ko'plab murakkab tizimlarda hatto ishlab chiquvchilar ham qaror qanday qabul qilinganini to'liq izohlab bera olmaydi. Bu esa fuqarolarning ma'muriy qarorlar ustidan shikoyat qilish huquqini cheklashi mumkin.

Bundan tashqari, SI tizimlari tarixiy yoki noto'g'ri ma'lumotlar asosida o'qitilgan bo'lsa, ular diskriminatsion natijalarni takrorlashi ehtimoli mavjud. Masalan, ijtimoiy yordam, ishga qabul qilish yoki huquqni muhofaza qilish tizimlarida ayrim guruhlariga nisbatan adolatsiz munosabat yuzaga kelishi mumkin. Yana bir muhim muammo — javobgarlikni aniqlash masalasidir. Agar avtonom tizim noto'g'ri qaror chiqarsa, buning uchun kim javobgar bo'ladi: dasturchimi, davlat organimi yoki tizim operatorimi? Mazkur savol ko'plab mamlakatlarda hali to'liq hal etilmagan.

Shu sababli "izohlanadigan sun'iy intellekt" (Explainable AI) konsepsiyasi dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Unga ko'ra, fuqaro o'ziga nisbatan qabul qilingan avtomatlashtirilgan qarorning mantiqiy asoslarini bilish huquqiga ega bo'lishi kerak.

Dunyo davlatlari SI ni tartibga solishda turlicha yondashuvlarni qo'llamoqda. Yevropa Ittifoqi xavfga asoslangan modelni tanlab, AI Act orqali SI tizimlarini xavf darajasiga qarab tasniflamoqda. Mazkur modelda inson huquqlari, maxfiylik va diskriminatsiyaga yo'l qo'ymaslik ustuvor hisoblanadi. AQShda esa uzoq vaqt sektoral yondashuv ustun bo'lib, innovatsiyalarni rag'batlantirishga urg'u berilgan. So'nggi yillarda davlat organlarida "ishonchli sun'iy intellekt" tamoyillari kuchaymoqda. Xitoy esa SI ni strategik rivojlanish vositasi sifatida ko'rib, 2030 yilgacha global yetakchiga aylanishni maqsad qilgan. Shu bilan birga, generativ SI tizimlari uchun axloqiy va ma'muriy qoidalar ishlab chiqilgan.

Sun'iy intellektning davlat boshqaruvidagi huquqiy maqomi hozirgi bosqichda o'tish davrini boshdan kechirmoqda. Formal jihatdan u ko'proq huquq obyektiga sifatida qaralsa-da, amaliy jihatdan uning roli tobora kvazi-subyektga yaqinlashmoqda. Davlat boshqaruvi sohasida SI dan xavfsiz va samarali foydalanish uchun "elektron shaxs" konsepsiyasiga asoslangan maxsus huquqiy model ishlab chiqilishi maqsadga muvofiqdir.

Bunday modelda inson nazorati saqlanishi, algoritmik qarorlar to'liq shaffof bo'lishi, javobgarlik mexanizmlari aniq belgilanishi hamda fuqarolarning konstitutsiyaviy huquqlari kafolatlanishi lozim.



Foydalanilgan adabiyotlar ro‘uxati

1. “Искусственный интеллект как субъект права.” *КиберЛенинка*. <https://cyberleninka.ru/article/n/iskusstvennyy-intellekt-kak-subekt-prava-1>
2. Российский университет дружбы народов (РУДН). https://www.rudn.ru/storage/media/science_dissertation/28c34dd2-2d4a-42b0-a651-b4885403bc09/aR7KeHiJdEUpIkzn76zxVx1U2akkSSZ5xPIKIPrY.pdf
3. Нуриев, Булат Д. “Искусственный интеллект в системе государственного управления России и стран Европейского союза: сравнительно-правовой анализ. Часть I.” *Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Государственное и муниципальное управление* 12, no. 3 (2025): 404–416. <https://doi.org/10.22363/2312-8313-2025-12-3-404-416>
4. Kabytov, Pavel P., and Nazarov, Nikita A. “Transparency of Public Administration in Context of Automated Decision-Making.” *Law Journal of the Higher School of Economics*, 2025. <https://law-journal.hse.ru/article/view/28201>



WHISTLEBLOWER INSTITUTINI JORIY ETISH VA HIMOYA QILISHNING HUQUQIY MEKANIZMLARI

Baxodirova Gulnoza Oybek qizi
Toshkent davlat yuridik universiteti
70420123 – Korrupsiyaga qarshi
kurash va komplayens nazorat
mutaxassisligi magistranti

Annotatsiya: Korrupsiyaga qarshi kurashishda muhim institutlardan biri hisoblangan whistleblower (huquqbuzarliklar haqida xabar beruvchi shaxslar) institutini joriy etish hamda ularni samarali himoya qilishning huquqiy mexanizmlari tahlil qilinadi. Xususan, xalqaro tajriba asosida whistleblowerlarni shaxsiy xavfsizligini ta'minlash, maxfiylik kafolatlarini yaratish masalalari yoritiladi. Shuningdek, milliy qonunchilikda ushbu institutni rivojlantirish zarurati, mavjud muammolar va ularni bartaraf etish bo'yicha takliflar ilgari suriladi.

Kalit so'zlar: Whistleblower, korrupsiya, korrupsiyaga qarshi kurashish, huquqbuzarlik haqida xabar berish, huquqiy himoya, maxfiylik, rag'batlantirish, axborot almashinuvi, i xalqaro tajriba, shaffoflik, javobgarlik.

Bugungi kunda korrupsiyaga qarshi kurashish tizimining samaradorligi nafaqat davlat organlarining faoliyatiga, balki jamiyatdagi fuqarolarning faolligi va ichki axborot ochiqligiga ham bevosita bog'liqdir. Shu nuqtai nazardan, whistleblower instituti zamonaviy huquqiy tizimlarning muhim elementi sifatida shakllanib, korrupsiyani aniqlash va oldini olishda hal qiluvchi ahamiyat kasb etmoqda.

Whistleblower instituti – bu davlat yoki xususiy sektorda sodir etilayotgan huquqbuzarliklar, korrupsiya va boshqa noqonuniy holatlar haqida vakolatli organlarga xabar beruvchi tashkilot hamda shaxslarni huquqiy va institutsional himoya qilish tizimidir.

Whistleblower institutining tarixiy asosi “Qui tam” tushunchasiga borib taqaladi. Ya'ni “Qui tam” atamasi lotin tilidagi “qui tam pro domino rege quam pro se ipso in hac parte sequitur” iborasining qisqartirilgan shakli bo'lib, u “o'zi uchun ham, qirol nomidan ham da'vo qiluvchi shaxs” degan ma'noni anglatgan bo'lib, zamonaviy huquqshunoslikda ushbu atama davlat nomidan firibgarlikni fosh etuvchi va sudga murojaat qiluvchi shaxslarni, ya'ni whistleblowerlarni ifodalash uchun keng qo'llaniladi.

Tarixiy manbalarga ko'ra, bunday tartibning ilk huquqiy ko'rinishi milodiy 695-yilga to'g'ri keladi. Xususan, Angliya hududidagi Kent qirolligi hukmdori Wihtred tomonidan chiqarilgan farmonda agar erkin shaxs shanba kunida ishlasa, uning daromadi musodara qilinishi, ushbu huquqbuzarlik haqida xabar bergan shaxs esa jarimaning yarmi hamda mehnatdan olingan foydaning bir qismini olishi belgilangan. Bu esa whistleblowerlarni rag'batlantirish mexanizmining ilk shakli



sifatida baholanadi[1].

Yuqoridagi tarixiy rivojlanish shuni ko'rsatadiki, whistleblowing instituti dastlab davlat manfaatlarini himoya qilish va yashirin qonunbuzarliklarni aniqlash zaruratidan kelib chiqqan. U avval Angliyada "qui tam" shaklida paydo bo'lib, keyinchalik whistleblower ko'rinishida rivojlanib, zamonaviy huquq tizimining muhim elementiga aylangan. Ushbu institut bugungi kunda korrupsiya va firibgarlikka qarshi kurashda samarali huquqiy mexanizm sifatida e'tirof etiladi.

Respublikamizda whistleblower atamasi normativ-huquqiy hujjatlarda to'g'ridan to'g'ri qo'llanilmasada sinonim sifatida "xabar bergan", "xabar qilgan" shaxs tushunchasi qo'llaniladi. Mamlakatimiz korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida ushbu institut 2020-yil 31-dekabrda qabul qilingan, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar bergan yoki korrupsiyaga qarshi kurashishga boshqa tarzda ko'maklashgan shaxslarni rag'batlantirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (keying o'rinlarda Qaror deb yuritiladi) bilan tartibga solinadi. Ushbu qaror jamiyatda korrupsiyaga nisbatan murossasiz munosabatni shakllantirish va korrupsiyaga qarshi kurashish samaradorligini yanada oshirish maqsadida qabul qilingan [2].

Korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar berish deganda belgilangan subyektlar tomonidan korrupsiyaga oid huquqbuzarlik tayyorlanayotgan, sodir etilayotgan, yoxud sodir etilgan shuningdek qonunchilik hujjatlariga muvofiq qidiruv elon qilingan shaxslarni topishda ko'rsatgan yordam orqali amalga oshirilishi tushuniladi.

Korrupsiyaga qarshi kurashishga boshqa tarzda ko'maklashish deganda, korrupsiyaga oid jinoyatlarni aniqlash va fosh etishda ahamiyatga ega bo'lgan dalillar to'g'risida huquqni muhofaza qiluvchi organlarga axborot taqdim etish, shuningdek ushbu turdagi jinoyatlarni tergov qilish va tezkor-qidiruv tadbirlarini amalga oshirish jarayonida bevosita ishtirok etishi narazda tutiladi.

Korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar bergan yoki korrupsiyaga qarshi kurashishga boshqa tarzda ko'maklashgan subyektlar sifatida *fuqarolar, fuqaroligi bo'lmagan shaxslar, nodavlat tijorat tashkilotining yoki boshqa nodavlat tashkilotining yoxud davlat organining, davlat ishtirokidagi tashkilotning yoki fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organi xizmatchisi* e'tirof etilgan.

Vazirlar Mahkamasining ushbu qarorida xabar beruvchi shaxslarning nafaqat rag'batlantirilishi balki ularning xavfsizligini, himoya qilinishi ham alohida e'tirof etilgan. Xususan, xabar beruvchi shaxslarni rag'batlantirishda shaxsiy xavfsizlikni ta'minlash prinsipiga muvofiq bo'lishi kerakligi belgilanga

Shuningdek, Qarorning 26,27-bandida, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar bergan yoki korrupsiyaga qarshi kurashishga boshqa tarzda ko'maklashgan shaxslar, ularning oila a'zolari va yaqin qarindoshlarining xavfsizligini ta'minlash maqsadida ular haqidagi ma'lumotlar qonunchilik hujjatlarida belgilangan talablar asosida oshkor etilishi, va ularni himoya qilish qonunchilik hujjatlariga muvofiq amalga oshirilishi belgilangan.

Qonunchilik hujjatlarida belgilangan talablar asosida oshkor etilishi deganda



O‘zbekiston Respublikasi “Shaxsga doir ma’lumotlar to‘g‘risida”gi Qonunning 28-moddasiga asosan, shaxsning roziligi hamda Qonunchilikda ko‘rsatilgan to‘g‘ridan to‘g‘ri asoslar mavjud bo‘lgandagina oshkor etilishi mumkinligi boshqa har qanday hollarda shaxsga doir ma’lumotlar sir tutilishi tushuniladi [3].

Korrupsiyaga oid jinoyatlarni aniqlash va fosh etish faoliyati maxsus vakolatga ega davlat organlari tomonidan amalga oshirilishi belgilangan bo‘lib, mazkur jarayon doirasida tezkor-qidiruv tadbirlari hamda jinoyat-protsessual harakatlar tizimli ravishda olib boriladi. Ushbu vakolatli organlar tarkibiga O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Davlat xavfsizlik xizmati, Ichki ishlar vazirligi hamda Bosh prokuratura huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti kiradi. Mazkur institutlar korrupsiyaga qarshi kurashishning asosiy subyektlari sifatida jinoyatlarni aniqlash, ularning oldini olish va fosh etish orqali huquqiy tartibotni ta’minlashda muhim o‘rin tutadi. Shuningdek, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar bergan yoki korrupsiyaga qarshi kurashishga boshqa tarzda ko‘maklashgan shaxslarni rag‘batlantirish masalasi korrupsiyaga qarshi kurashuvchi organlar huzurida tuziladigan maxsus komissiyalar tomonidan ko‘rib chiqilishi belgilangan bo‘lib, maxsus komissiyalarning raislari esa komissiya qarori qonuniyligi, xolisligi hamda shaxslarning shaxsiga oid ma’lumotlar oshkor etilmasligi uchun shaxsan javobgarligi mustahkamlangan.

Xabar beruvchi shaxslarning xavfsizligini himoya qilish yuzasidan qabul qilingan normalar ya’ni ularning rag‘batlantirilishiga bo‘lgan qiziqish, shaxsiy ma’lumotlarining sir tutilishi va boshqa imtiyozlarning berilishi xabar beruvchi shaxslarning mavjud korrupsiyaviy holatlar haqida tegishli organlarga murojaat qilishining ortishi bilan bir qatorda korrupsiyaviy holatlar oldi olishda va korrupsiyaga qarshi kurashishda samarali vosita sifatida yuzaga chiqadi.

Mamlakatimizda Vazirlar Mahkamasi korrupsiyaga oid huquqbuzarliklarni oldini olish va unga qarshi kurashish bo‘yicha 2020-yil whistleblower instituti joriy qilindi. Ammo uning amaliyotda qo‘llanishi bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati tomonidan korrupsiya haqida xabar bergan shaxslarni rag‘batlantirish tizimi samarali yo‘lga qo‘yilmaganligi oqibatida 2023-yilda prokuratura organlaridan tashqari birorta vakolatli organ tomonidan bunday turdagi rag‘batlantirish qo‘llanilmaganligi tanqid qilinib, O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi (keying o‘rinlarda Agentlik deb yuritiladi) tomonidan korrupsiya haqida xabar bergan shaxslarni rag‘batlantirish tizimi bo‘yicha targ‘ibot-tashviqot ishlarini jadallashtirish, bunda belgilangan talablarni fuqarolarga tushunarli va sodda ko‘rinishda yetkazish uchun maxsus videoroliklar tayyorlash hamda aholi o‘rtasida tushuntirish ishlarini muntazam ravishda olib borish majburiyati yuklatilgan [4].

2024-yil yakuni bo‘yicha Agentlik milliy maruzasida, Prokuratura organlari tomonidan taqdim etilgan ma’lumotlarga asoslanib, 2024 yilda jami 31 nafar shaxs (*so‘nggi uch yil davomida 147 nafar*) korrupsiyaga oid huquqbuzarliklar haqida xabar berganligi yoki korrupsiyaga qarshi kurashishga boshqa tarzda ko‘maklashganligi sababli rag‘batlantirilgan. Xususan, ularning 1 nafariga pul mukofoti, 28 nafariga tashakkurnoma va 2 nafariga esdalik sovg‘a topshirilgan [5].



Mazkur ko'rsatkichlar korrupsiyaga qarshi kurashishda xabar beruvchilarni rag'batlantirish mexanizmlari amaliyotda mavjud ekanligini ko'rsatadi. Biroq, rag'batlantirish choralarining tarkibiy tahlili shuni anglatadiki, asosiy ulush nomoddiy rag'batlantirish shakllariga to'g'ri kelmoqda. Xususan, rag'batlantirilganlarning mutlaq ko'pchiligiga tashakkurnoma berilgan bo'lib, moddiy rag'batlantirish holatlari nihoyatda kam ulushni tashkil etadi.

Ushbu holat rag'batlantirish mexanizmlarining amaliy samaradorligiga nisbatan muayyan savollarni yuzaga keltiradi. Chunki xalqaro tajribada whistleblowerlarni qo'llab-quvvatlashda moddiy rag'batlantirish muhim motivatsion omil sifatida e'tirof etiladi. Aksincha, nomoddiy rag'batlantirish shakllarining ustunligi fuqarolarning korrupsiyaviy holatlar haqida faol xabar berishiga yetarli darajada turtki bermasligi mumkin.

Shu nuqtai nazardan, korrupsiyaga oid huquqbuzarliklar haqida xabar beruvchi shaxslarni rag'batlantirish tizimini takomillashtirish, xususan, moddiy rag'batlantirish ulushini oshirish, rag'batlantirish mezonlarini aniqlashtirish hamda ushbu jarayonning ochiqligi va shaffofligini ta'minlash zarurati yuzaga keladi.

2024-yilda Agentlik hamda BMT Taraqqiyot dasturi hamkorligida o'tkazilgan "Korrupsiyaga qarshi kurashda korrupsiya haqida xabar berishning o'rni va ta'siri" mavzusida so'rovnoma natijalariga ko'ra, amaliyotda fuqarolarning faol ishtirokiga to'sqinlik qilayotgan bir qator omillar mavjud. Xususan, respondentlarning 19,8 foizi korrupsiyaviy holatlardan **shaxsiy manfaatdor ekanligini bildirgan bo'lsa**, 20,4 foizi **murojaat qilish tartibi va vakolatli organlar haqida yetarli ma'lumotga ega emasligini** qayd etgan [6]. Bu esa korrupsiyaga qarshi kurashishda nafaqat huquqiy mexanizmlarni takomillashtirish, balki aholining huquqiy ongini oshirish zarurligini ko'rsatadi. Ushbu so'rovnoma korrupsiyaga qarshi kurashishda fuqarolarning ishtiroki darajasini baholashda muhim empirik asos bo'lib xizmat qiladi.

Shuningdek, Vazirlar Mahkamasi qarorining 6-bandida mansabdor shaxslar hamda qonunchilik hujjatlariga muvofiq korrupsiyaga oid jinoyatlar haqida o'ttiz sutka mobaynida o'z ixtiyori bilan arz qilgan yoxud korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etgan shaxslarning rag'batlantirilishi yuzasidan nizom talablari tadbiq qilinmasligi belgilangan bo'lsada, unda mansabdor shaxsning ayni huquqbuzarlikni bevosita sodir etgan mansabdor shaxs yoki korrupsiyaviy huquqbuzarlik holatidan xabardor bo'lgan mansabdor shaxs kabi tushunchalarning aniq huquqiy chegaralari belgilanmaganligi, shuningdek, o'ttiz sutka mobaynida o'z ixtiyori bilan arz qilgan shaxslar deganda ham aynan sodir etgan yoki korrupsiyaviy huquqbuzarlik haqida ma'lumotga ega yoxud moddiy yoki nomoddiy manfaat taqdim qilgan shaxs nazarda tutilganmi bunisi ham aniq emas.

Shu bilan birga, mazkur muddatning amalda qo'llanishi bir qator muammolarni yuzaga keltiradi. Xususan, 30 kunlik muddatning boshlanish nuqtasi (*ya'ni, huquqbuzarlik sodir etilgan vaqt yoki shaxs uni anglagan vaqt*) normativ jihatdan aniq belgilab qo'yilmaganligi sababli, amaliyotda turlicha talqin qilinishi mumkin. Bu esa shaxsning mazkur imtiyozdan foydalanish huquqini cheklash ehtimolini yuzaga keltiradi. Shuningdek, 30 kunlik muddatning qat'iy belgilanishi



ayrim hollarda real hayotiy vaziyatlarga mos kelmasligi mumkin. Masalan, shaxs bosim ostida bo'lishi yoki huquqiy oqibatlardan qo'rqishi sababli darhol murojaat qila olmasligi ehtimoli mavjud. Bunday sharoitda qat'iy muddat qo'llanilishi adolat tamoyiliga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Qo'shimcha tariqasida, o'ttiz sutkalik bunday cheklovning mavjudligi shaxslarning korrupsiyaga qarshi kurashish bilan bog'liq munosabatlarda o'z faolligini amalga oshirishda jiddiy muammo tug'dirishi mumkin. Ya'ni korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar berganlik yuzasidan rag'batlantirish choralari qo'llanilmasligi bilib, tegishli organlarga xabar bermaslik holatlari ko'payadi. Buning natijasida latent (*fosh etilmay qolgan korrupsiyaviy huquqbuzarliklar*) jinoyatlar soni ortib boraveradi.

Korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha dunyodagi eng samarali modellardan biri sifatida Singapur davlati e'tirof etiladi. Ushbu mamlakatda korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha yagona mas'ul organ Corrupt Practices Investigation Bureau (CPIB) Singapur hali mustaqillikka erishmasidan oldin 1952-yilda tashkil topgan. Ushbu organ to'liq mustaqillikka ega bo'lib, har qanday mansabdor shaxsni, lavozimidan qat'i nazar, tekshirishi mumkin. Singapur davlati 1959-yil mutaqillikka erishgach, korrupsiyaga qarshi kurash hukumat siyosatining eng ustuvor yo'nalishlaridan biri bo'lgan. Shuningdek, 1960-yil 17-iyunda Prevention of Corruption Act (Korrupsiyaning oldini olish to'g'risidagi qonun) qabul qilingan [7]. Ushbu qonunning o'ziga xos jihati shundaki, u nafaqat davlat sektorida, balki xususiy sektorda ham korrupsiyaga qarshi kurashni nazarda tutadi. Bundan tashqari, qonunchilikda pora olgan shaxsdan noqonuniy daromadlarni to'liq qaytarib olish, hatto fuqarolik tartibida ham undirish imkoniyati mavjud. Korrupsiyaga qarshi kurashishda Singapur davlatida korrupsiyaga qarshi kurashish modeli asosan to'rta asosiy ustunga tayangan holda shakllangan. Bular:

- qat'iy qonunchilik,
- samarali ijro mexanizmlari,
- mustaqil va qat'iy sud tizimi,
- samarali davlat boshqaruvi hisoblanadi [8].

Ushbu yondashuv korrupsiyaga qarshi kurashni faqat jazolash bilan cheklab qolmay, balki uning oldini olishga qaratilgan kompleks mexanizmlarni ham o'z ichiga oladi.

Korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar beruchi shaxslarning himoyasi Prevention of Corruption Act (qonun)ning 36-moddasiga muvofiq, xabar beruvchining shaxsi to'liq maxfiy saqlanishi, sud jarayonida uning ismi va uni aniqlashga olib keluvchi ma'lumotlar oshkor etilmasligi, shu bilan birga, hujjatlarda mavjud bo'lgan bunday ma'lumotlar sud tomonidan yashirilishi belgilangan. Biroq, agar xabar beruvchi ataylab yolg'on ma'lumot bergan bo'lsa yoki odil sudlovni ta'minlash uchun zarur deb topilsa, uning shaxsi oshkor qilinishi mumkinligi belgilangan [9].

Xulosa o'rnida shuni takidlash joizki, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar bergan yoki boshqa tarzda korrupsiyaga qarshi kurashgan shaxslarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlari himoya qilish, rag'batlantirish va



uning ijro mexanizmlari bo'yicha mavjud qonunchilik hujjatlarini takomillashtirgan holda qonun loyihasi ishlab chiqilishi maqsadga muvofiq bo'ladi. Shuningdek, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar bergan shaxslarning rag'batlantirilishi, rag'batlantirish miqdori, shuningdek qanday hollarda xabar berish kerakligi yuzasidan ma'sul davlat organlari korrupsiyaga nisbatan jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni shakillantirishda, fuqarolarning korrupsiyaga murosasiz munosabatda bo'lishidagi xabardorlik darajasini oshirish yuzasidan targ'ibot ishlarini jadal ravishda olib bormog'i lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. <https://whistleblowersinternational.com/what-is-whistleblowing/history/>
2. <https://lex.uz/uz/docs/-5193571>
3. <https://lex.uz/docs/-4396419>
4. <https://lex.uz/docs/-7127946>
5. <https://aca.uz/storage/WY8ObPjgaahp6EPE7UapMNRGixt2jf-meta0JzQuNC70LvQuNC5INCc0LDRitGA0YPQt9CwIDIwMjQucGRm-.pdf>
6. https://uza.uz/uz/posts/korrupsiya-haqida-xabar-beruvchilarni-himoya-qilish-mexanizmi-yaratiladi_658093
7. https://www.unafei.or.jp/publications/pdf/RS_No83/No83_17VE_Koh1.pdf
8. <https://www.cpib.gov.sg>
9. <https://sso.agc.gov.sg/Act/PCA1960?WholeDoc=1#pr36->



ОИЛАДА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аролов Чорибек Маъмурович
Фуқаролик ишлари бўйича Денов
туманлараро суди судьяси

Аннотация: Мазкур мақолада оилада зўравонликнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг салбий ижтимоий-ҳуқуқий оқибатлари ҳамда ушбу иллатнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар, болалар ва оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига барҳам бериш, профилактика чораларини кучайтириш ҳамда судлар родини ошириш масалалари ёритилган. Муаллиф томонидан оилада соғлом муҳитни шакллантириш юзасидан таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: оила, зўравонлик, тазйиқ, ҳимоя ордери, профилактика, суд, ҳуқуқий ҳимоя, хотин-қизлар, болалар манфаати, оилавий муносабатлар.

Кириш

Оила – жамиятнинг асосий бўғини, инсон тарбияси ва маънавий камолот манбаи ҳисобланади. Оилада тинчлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити қарор топган жамиятда барқарорлик ва тараққиёт таъминланади. Аммо айрим ҳолатларда оилавий муносабатларда тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари учраб, бу нафақат бир оила, балки бутун жамият ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оилада зўравонликка қарши курашиш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Оилада зўравонлик тушунчаси ва унинг кўринишлари Оилада зўравонлик деганда, оила аъзосига нисбатан жисмоний, руҳий, иқтисодий ёки жинсий тазйиқ ўтказиш тушунилади. Унинг асосий кўринишлари қуйидагилардан иборат:

тан жароҳати етказиш, уриш, кўрkitиш; ҳақорат қилиш, таҳдид қилиш, руҳий босим ўтказиш; молиявий қарамликка мажбурлаш; эркин ҳаракатланишини чеклаш; болалар манфаатларини поймол қилиш.

Бундай ҳолатлар оила муҳитини бузади, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади ва ажримлар сони ортишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон қадри, шаъни ва эркинлиги олий қадрiyт сифатида белгиланган. Шунингдек, давлат оила, оналик, оталик ва болаликни муҳофаза қилиши мустаҳкамланган.



Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни оилада зўравонликнинг олдини олиш соҳасида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонунга мувофиқ: тазйиқ ва зўравонликка учраган шахсларга ҳимоя ордери берилади; ҳуқуқбузарларга нисбатан таъсир чоралари қўлланилади; профилактика ишлари амалга оширилади; давлат органлари ва жамоатчилик ҳамкорлиги таъминланади.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодексида оилавий зўравонлик учун жавобгарлик чоралари белгиланган.

Судлар фаолиятининг аҳамияти

Судлар оилада зўравонликка қарши курашишда муҳим ўрин тутаяди. Суд органлари: жабрланувчилар ҳуқуқларини тиклайди; болалар манфаатларини ҳимоя қилади; алимент, ажрим, яшаш жойини белгилаш каби низоларни ҳал қилади; қонун бузилишларига ҳуқуқий баҳо беради.

Фуқаролик ишларини кўриш жараёнида судья нафақат низони ҳал қилади, балки тарафларни яраштириш, оилани сақлаб қолиш, фарзандлар манфаатини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Профилактика чоралари

Оилада зўравонликнинг олдини олиш жазодан кўра самаралироқдир. Шу боис қуйидаги чораларни кучайтириш зарур:

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш;

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш;

Маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини кучайтириш;

Психологик хизматлар фаолиятини кенгайтириш;

Хотин-қизлар ва болалар учун ишонч телефонлари ва бошпана марказларини ривожлантириш.

Хулоса

Оилада зўравонлик – жамият тараққиётига таҳдид солувчи жиддий муаммодир. Уни бартараф этиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, балки бутун жамиятнинг вазифасидир. Оилада меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва масъулият муҳитини қарор топтириш орқали ушбу иллатнинг олдини олиш мумкин.

Ҳар бир инсоннинг шаъни ва қадри дахлсиз эканини англаш, қонун талабларига риоя қилиш ҳамда мурасага асосланган муносабатларни шакллантириш соғлом жамият пойдеворидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
- 1.2 Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни.
- 1.3 Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси.
- 1.4 Ўзб. Рес. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
- 1.5 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.



ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ДАЛИЛЛАР ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Қарши туманлараро иқтисодий судининг судьялари
Ибрагимов Жасур Шодмонович
Юсупов Зафар Абдуқаюмович

АННОТАЦИЯ: Тадқиқот ишида далиллар тушунчаси, унинг турлари ва аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси асосида судларда далилларни таъминлаш ва қўллаш соҳасидаги қонунчилиги ва унинг хорижий давлатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлили, далилларни таъминлаш бўйича қўлланиладиган тартиб-таомилларнинг турлари ва уни суд амалиётида такомиллаштириш масалалари акс эттирилади.

Мазкур тадқиқот ишининг долзарблиги иқтисодий процессуал ҳуқуқида далилларни таъминлашнинг ҳуқуқий табиати ҳамда аҳамияти етарлича тадқиқ этилмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексида электрон далилларга ва уларга ҳуқуқий баҳо беришга оид процессуал нормалар мавжуд эмаслиги билан намоён бўлади.

Калит сўзлар: далилларни таъминлаш чоралари, далилни таъминлаш, далиллар, далилларни тақдим этиш, суд, суд хужжати, тарафлар, иштирокчилар.

АННОТАЦИЯ: Понятие доказательства, его виды и значение, законодательство в области предоставления и использования доказательств в судах на основе Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан и его сравнительный анализ с законодательством зарубежных стран, виды процедур, используемых для предоставления доказательств и вопросы ее совершенствования в судебной практике отражены в исследовательской работе.

Актуальность данной исследовательской работы проявляется в том, что правовая природа и значение предоставления доказательств в экономическом процессуальном праве недостаточно исследованы, отсутствие процессуальных норм относительно электронных доказательств и их правовой оценки в Экономическом процессуальном кодексе Республики Узбекистана.

Ключевые слова: меры доказывания, доказывание, доказательства, представление доказательств, суд, судебный документ, стороны, участники.

ANNOTATION: The research work reflects the concept of evidence, its types and significance, the legislation in the field of provision and application of evidence in the courts on the basis of the economic



procedural code of the Republic of Uzbekistan and its comparative analysis with the legislation of foreign countries, the types of procedures used to ensure evidence and its improvement in judicial practice.

The relevance of this research work is manifested in the fact that the legal nature and importance of providing evidence in economic procedural law is not sufficiently researched, the economic procedural code of the Republic of Uzbekistan does not contain processual norms regarding electronic evidence and legal assessment of them.

Keywords: Evidence assurance measures, evidence assurance, evidence, evidence presentation, Court, court document, parties, participants

Далиллар тушунчаси, унинг турлари ва аҳамияти

Суд ишларини юритишда далиллар катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Тўпланган далиллар асосида суд процессида иштирок этаётган тарафлар талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Далиллар биринчи навбатда ўзларининг фактик маълумотлардан иборат эканлиги билан характерланади ва бу маълумотларнинг мазмуни ишни ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни тўғри ифодалайди. Бундай маълумотларни қанчалик тўғри эканлиги суд томонидан буларнинг ташкил топиши, сақланганлиги, қайта ишланганлиги жараёнини ўрганиш йўли билан шунингдек, бошқа маълумотлар билан таққослаш йўли билан текшириб чиқилган бўлиши керак. Далил сифатида тақдим қилинган маълумотларни қанчалик асосли эканлигига суд маслаҳат хонасида баҳо беради. Иш бўйича ҳал қилув қарорига асос қилиб аниқ маълумотлар олинади.

Ҳуқуқшунос олим М.Треушниковнинг фикрига кўра, иқтисодий (арбитраж) суд ишларини юритишда далилларни текшириш ва баҳолаш қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилишнинг энг муҳим босқичларидан биридир. Далилларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги далилларга баҳо беришга таъсир қилади. Далилларни баҳолашда кўриб чиқадиган маълумотлар далил қийматини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси далилларни баҳолаш иқтисодий (арбитраж) судларининг қарорлари ва ҳал қилув қарорлари адолатли қабул қилинишига олиб келади¹.

Суд қандай ҳолатлар иш учун аҳамиятга эга эканлигини, уларни ишда иштирок этувчи тарафлардан қайси бири исботлаши кераклигини аниқлайди, ҳатто тарафлар бу ҳолатларни далил қилиб келтирмаган бўлса ҳам уларни суд муҳокамасига қўяди.

Далиллар тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилади. Қонунчиликда суд уларга қўшимча далиллар тақдим



қилишни таклиф этиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида далилларга қуйидагича таъриф берилган, “Далиллар – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олинган маълумотлар иш бўйича далил бўлиб, улар асосида ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлиги аниқланади. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади. Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди¹.

Американинг Британика энциклопедиясида (Britannica Encyclopedia) ҳам далил (evidence) қонунга асосан суд ва маъмурий жараёнда фактларнинг рост ва ёлғонлигини исботловчи воситалар (ҳужжатлар, гувоҳлик кўрсатмалари, ашёвий далиллар) эканлиги баён этилади².

М.К.Треушников далиллар иборасини икки хил маънода тушуниш мумкинлигини таъкидлайди: биринчидан, далиллар ҳар қандай фактик маълумот ҳамда гувоҳлик натижасида олинган маълумотлар бўлса; иккинчидан, ашёвий далиллар, ёзма далиллар, тарафларнинг тушунтиришларидир. Биринчи ҳолатда далиллар ахборот хусусиятига эга бўлиб, ўзида далиллар процессуал шаклга эга бўлган ўзида фактик маълумотларни сақлаган ахборотдир³.

В.Ярков иқтисодий суд ишларида далилларни тақдим этиш тартиби моддий ҳуқуқ нормаларида белгиланиши айтиб ўтади. Хусусан, “Банкротлик тўғрисида”ги қонунда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризада

қарздорнинг қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек қарздорнинг кредиторнинг талабларини тўлиқ қондириш қобилиятининг йўқлиги; қарздор-фуқаронинг мол-мулкининг таркиби ва қиймати тўғрисида ҳужжатлар, қарздорларнинг рўйхати, бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилиши белгилаган¹.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодий ишлар бўйича судлар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган далилларни синчковлик билан текширмасдан ва уларга ҳуқуқий жиҳатдан баҳо бермасдан, ҳал қилув қарорларини қабул қилмайдилар.

Иқтисодий процессуал ҳуқуқида далилларни назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилишда уларни классификация қилиш муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш лозимки, далилларни процессуал назарий жиҳатдан классификация қилинишида процессуалчи олимларнинг турлича ёндошувлари мавжуд.

Жумладан, ҳуқуқшунос олим, ю.ф.д., профессор М.Мамасиддиқов далилларни қуйидагича классификация қилади. Манбасига қараб: шахсий ва ашёвий; вужудга келишига қараб: бирламчи ва ҳосила; далиллар билан исботланувчи факт ўртасидаги узвий боғланишга қараб: тўғри ва эгри.



Баъзан олинган манбасига қараб, далилни икки турга эмас, балки 3 турга бўлиш ҳам учрайди (кенг ёйилган) – шахсий, ёзма ва ашёвий. Бундай таснифлашнинг бошқача усули – шахсий, ашёвий (буюм ва ҳужжатлар) ва аралаш (эксперт хулосаси) турларига бўлишдир. Аралаш ажратишнинг асоси шундаки, улар ўз мустақил табиатига эга ва суд томонидан иккита далил манбаси (шахсий ва ашёвий) ажратилади. Маълумот манбаси бўлиб, бир тарафдан уни текшираётган эксперт, бошқа тарафдан эса буюмлар ҳисобланади².

Ёки, ҳуқуқшунос олим, ю.ф.д., профессор Ф.Отахоновнинг фикрича, банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриш ва ҳал этишда, шунингдек процессуал назарияда далилларнинг иккита умумэйтироф этилган таснифи мавжуд:

- биринчидан, дастлабқа ва ҳосила;
- иккинчидан, тўғри ва эгри¹ далиллардир.

Ю.ф.н., профессор Д.Хабибуллаев ҳам далилларни шаклига, тузилишига, далил билан исботланувчи факт ўртасидаги узвий боғланишига қараб таснифлайди. Унинг фикрига кўра, далиллар шаклига қараб: оғзаки, ёзма ва ашёвий далилларга бўлинади.

Оғзаки далилларга тарафларнинг, учинчи шахслар ва уларнинг вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳ кўрсатмалари ва ҳакозолар киради.

Ёзма далиллар шаклига кўра: расмий ва оддий ёзма далиллар; субъектига кўра: алоҳида ва ҳусусий; вужудга келишига кўра: ҳақиқий асли ва нусхаси каби турларга бўлинади.

Далиллар тузилишига (вужудга келиши) қараб: дастлабқи ва ҳосила далилларга бўлинади. Дастлабқи далил бевосита биринчи манбадан олинган далил бўлади. Масалан, ҳужжатнинг асли, ҳодисани ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг кўрсатмаси шундай далил бўлади. Ҳосила далиллар дастлабқи далилнинг мазмунини акс эттиради. Масалан, ҳужжатнинг нусхаси, факт тўғрисидаги маълумотларни бошқа шахсларнинг сўзидан олиб айтувчи гувоҳнинг кўрсатмаси бўлади.

Далил билан исботланувчи факт ўртасидаги узвий боғланишига қараб: тўғри ва эгри далилларга бўлинади.

Тўғри далиллар – исботланаётган факт билан бевосита алоқаси бўлган маълумотларни ўзида мужассамлаштирган далиллар бўлиб, яъни унинг мазмуни орқали иш бўйича исботлаш предметига кирувчи фактларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Эгри далиллар – исботланаётган факт билан билвосита алоқага эга бўлган далиллар бўлиб, у орқали иш бўйича исботлаш предметига кирувчи фактларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида тахмин қилиш мумкин. Исботлаш предметига кирувчи фактни мавжуд ёки мавжуд эмаслиги битта эгри далил асосида аниқлаш мумкин эмас¹.

Агар иш бўйича суд фақат биргина далил билан хулоса чиқариш мумкин бўлса, тўғри далил ҳисобланади. Масалан, қарз тўғрисидаги тилхат қарзнинг берилган ва олинганлигини исботлайдиган бирдан-бир тўғри



далил бўлиб ҳисобланади².

Рус ҳуқуқшуноси В.Ярков ҳам далилларни манбасига ҳамда вужудга келишига қараб далиллар билан исботланувчи факт ўртасидаги узвий боғланишга кўра таснифлайди. Шунингдек, В.Ярков далилларнинг анъанавий тури, яъни гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари билан бир қаторда аудио ёки видеоёзувлар ҳамда бошқа материаллардан ҳам киритиш лозимлигини, технологияларнинг ривожланиши натижасида иқтисодий процесда компьютер, аудио ёки видеоёзувлардан фойдаланиш йўлга қўйилганини, янги далиллар учун махсус нормалар яратиш лозимлигини таъкидлайди.

М.Мамасиддиқов, Д.Хабибуллаев каби олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда далилларни шаклига қараб: оғзаки, ёзма ва ашёвий далилларга бўлиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда далилларни шаклига қараб қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: оғзаки, ёзма, ашёвий ва электрон далиллар.

Электрон далиллар далилларни шаклига туркумланган анъанавий турлари бўлган оғзаки, ёзма ва ашёвий далиллардан ўзининг техник ва ҳуқуқий хусусиятларидан тубдан фарқ қилади. Шу боис электрон далилларни далиллар шаклининг мустақил бир тури деб баҳолашимиз мумкин.

Далиллар вужудга келиш манбаларига қараб шахсий ва ашёвий далилларга бўлинади. Шахсий далиллар – бу фактлар ҳақидаги маълумотлар

манбаи бўлган ва аниқ жисмоний шахс томонидан билдирилган далиллар, масалан: тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг баёнотлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг тушунтиришлари киради. Ашёвий далилларга кўриладиган иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлган ашёлар киради.

Охириги йилларда Иқтисодий процессуал кодексга иқтисодий суд ишларини олиб боришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган нормалар киритилди. Бизнинг назаримизда далил доирасини ҳам замон талабидан келиб чиққан ҳолда, янгидан классификация қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Хусусан, иқтисодий процессуал қонунчилик билан биргаликда иқтисодий процессуал ҳуқуқ назариясига электрон далилларга оид тушунчаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Эътироф этиш керакки, электрон далиллар ўзининг тузилиш жиҳатидан бошқа далиллардан хусусан, ашёвий ва ёзма далиллардан тубдан фарқ қилади.

М.Горелов фикрига кўра, электрон далиллар – бу иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги рақамли форматда бўлган овозли ва видео ёзувлар кўринишидаги маълумотлардир¹.



С.Ворожбит М.Горелов фикрига қўшимча қилган ҳолда қўйидагиларни айтиб ўтади: аудио ёки видеоёзувлар рақамли форматда яратилиши ва судга тақдим қилиниши мумкин. Рақамли формат бу ахборотни сақлашни техник усулларида бири бўлса, аудио ёки видеоёзув эса суд учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг шаклларида биридир².

С.Ворожбитнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, электрон далиллар тузилиш жиҳатидан аналог ёки рақамли усулда яратилган, шу билан биргаликда электрон далиллар электрон ҳужжат (электрон имзо, махсус реквизитлар талаб қилинади), электрон ёзишма, белгилар, чизмалар, жадваллар, смайликлар (ҳақорат, розилик ва бошқа маъноларни билдиришлари мумкин), аудио ёки видеоёзув ҳамда бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Шунингдек, электрон маълумотлар (график тасвирлар, аудио, видеоёзувлар), Интернет тармоғи манбалари (ижтимоий тармоқлар, веб-саҳифалар)да сақланаётган маълумотлар, медиа ва овозли хабарлар, метамаълумотлар, ахборот базаларини электрон далиллар жумласига киритиш мумкин.

Юқоридаги олимлар далилларни шаклига кўра оғзаки, ёзма ва ашёвий далилларга таснифлашган. Электрон далиллар ушбу шаклдаги далилларнинг ҳеч бирига ўхшамаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

В.Лаптаев суд иқтисодий (арбитраж) иш учун аҳамиятли бўлган ҳамда иш учун аҳамиятли ҳолатларни тасдиқлайдиган ҳар қандай ҳужжат ҳамда ашёни қабул қилиши лозим¹ деб ҳисоблайди. Ҳуқуқшунос В.Лаптаев суд томонидан иш учун аҳамиятли бўлган ҳар қандай далилни қабул қилишда электрон далилларни ҳам назарда тутмоқда.

Электрон далиллар одатда сақловчи қурилмаларда (флешка, диск, компьютер, интернет ва бошқларда) сақланади, яъни улар моддий материалда сақланиши билан ашёвий далилларга ўхшайди. Бироқ, ашёвий далил билан электрон далил ўртасидаги асосий фарқ шундаки, суд томонидан ашёвий далилнинг ўзи тадқиқ қилинса, электрон далилларга суд томонидан баҳо берилаётганда электрон далилни сақловчи қурилма эмас, балки унинг ичидаги ахборот текширилади. Электрон далилларнинг флешка, диск ёки компьютерда сақланиши ва ушбу техник воситалар орқали текширилиши муҳим аҳамият касб этади. Айни шу тафовут ашёвий далил билан электрон далил ўртасидаги асосий фарқни белгилайди.

Электрон далиллар асосан электрон ҳужжат, электрон ёзишмалар, интернет хабарлари кўринишида бўлади. Бу эса уни ёзма далилларнинг бир кўриниши сифатида баҳолашга олиб келади.

Электрон далилларнинг ёзма далиллардан асосий фарқи шундаки, электрон далиллар техник воситасиз ёки ахборот-коммуникация воситасиз текшириб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди. Мисол учун, электрон почтадаги хабарни ўқиш учун, албатта, компьютер ҳамда интернет бўлиши лозим.



Ёзма ва ашёвий далилларнинг намуналари чекланган бўлади, уларни бир неча киши текшириши мумкин. Электрон далилларни текшириш ва баҳолаш замон ва макон танламайди. Интернет, ижтимоий тармоқ ёзишмаларни, электрон почта хабарларини дунёнинг исталган бурчагидан чекланмаган миқдордаги одам ўқиши ҳамда нусха олиши мумкин.

Электрон далилларни махфий сақлаш бошқа далилларга қараганда нисбатан юқорироқ. Электрон далиллар электрон имзо, логин ва пароль билан ҳимояланган бўлади.

Юқорида далиллар тузилишига (вужудга келиши) қараб: дастлабки ва хосила далилларга бўлиниши ҳақида айтгандик. Далилларни тузилишига (вужудга келиши) қараб туркумлаш электрон далилларга хос эмас. Чунки, электрон далилдан қанча кўп нусха олманг, электрон далил ўз хусусиятини йўқотмайди ҳамда унинг нусхаси ҳам аслидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Компьютердаги маълумотларни телеграм ижтимоий тармоғига ёки электрон почтага ёхуд флешкага исталганча нусха кўчирсангиз ҳам уларнинг хусусияти ўзгармайди.

Шундай қилиб, далил – суд томонидан иш учун аҳамиятли бўлган ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари, эътирозлари ва бошқа ҳолатларни мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўрнатиш асоси ҳисобланган фактик маълумотлардир. Далил ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган фактлар ҳақида маълумотларни ўзида мужассамлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1 Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий процессуал кодекс”. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/docs/3523891>

I. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1 Britannica Encyclopedia. Library of Congress. USA. 2003. 200

2.2 Ворожбит С. П. Электронные средства доказывания в гражданском и арбитражном процессе: автореф. канд. юрид. наук. Санкт-Петербург. 2011. - с.

2.3 Горелов М.В. Электронный доказательства в гражданском судопроизводстве России: Автореферат дис.канд. юр. наук. Екатеринбург. 2005. - с. 8.

2.4 Иқтисодий процессуал ҳуқуқ. Дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. З.Н.Эсанова. - Тошкент: ТДЮУ, 2019. -176 б.

2.5 Лаптаев В. Электронные доказательства в арбитражном процессе. Российская юстиция. 2017.№2. - с.57.

2.6 Мамасиддиқов М. Фуқаролик процесси. Фуқаролик ишлари бўйича судьяликка захирага олинган номзодлар учун қўлланма. Тошкент. Vaktria press. 2014. - 138 б.

2.7 Отахонов Ф., Ибратова Ф. Хўжалик судларида банкротлик ишларини кўришнинг ўзига хос хусусиятлари. Монография. Тошкент. 2013. - 196 б.



- 2.8 Треушников М.К. Судебные доказательства. - М.: Городец, 2004. - с.140.
- 2.9 Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент. Адолат. 2010.
- 2.10 Encyclopedia. Library of Congress. USA. 2003. 200
- 2.11 Хабибуллаев. Д. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи (саволлар ва жавоблар). - Тошкент. ТДЮУ, 2018. - 49 б.
- 2.12 Ярков.В. Арбитражный процесс. Компендиум. Москва. 2011. - с. 56



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШАЛАР ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР

XIX ASRNING IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARIDA TURKISTONDA
INGLIZ VA FRANTSUZLARNING IJTIMOY-IQTISODIY FAOLIYATI

Yarmatov Oybek Shaymanovich
Samarqand davlat universiteti
“Tarixshunoslik va manbashunoslik”
kafedراسи dotsenti
oybekyarmatov78@gmail.com

Аннотация: Mazkur maqolada XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asr boshlarida Turkistonda ingliz, fransuz va litvaliklarning ijtimoiy-iqtisodiy, ilmiy va madaniy faoliyati tahlil qilinadi. Tadqiqotning dolzarbligi xorijiy jamoalarning mintaqa taraqqiyotidagi oʻrni yetarli darajada oʻrganilmaganligi bilan izohlanadi. Manbalar asosida inglizlarning savdo va xizmat koʻrsatishdagi, fransuzlarning sanoat va madaniyatdagi, litvaliklarning esa diniy-maʼrifiy sohadagi faoliyati yoritiladi. Tadqiqot natijalari ushbu guruhlar Turkistonning iqtisodiy modernizatsiyasi va madaniy rivojlanishiga sezilarli taʼsir koʻrsatganini koʻrsatadi. Shu bilan birga, ularning faoliyati mustamlakachilik sharoitida kechib, mahalliy aholi bilan asimmetrik integratsiya munosabatlarini shakllantirgan.

Калит soʻzlar: Turkiston, xorijiy jamoalar, inglizlar, fransuzlar, litvaliklar, ijtimoiy-iqtisodiy faoliyat, sanoat, paxtachilik, madaniy almashinuv, ilmiy tadqiqotlar, diniy faoliyat, mustamlakachilik, asimmetrik integratsiya.

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ АНГЛИЧАН И
ФРАНЦУЗОВ В ТУРКЕСТАНЕ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX – НАЧАЛЕ
XX ВЕКА

Ярматов Ойбек Шайманович
Самаркандский государственный университет
Доцент кафедры «Историография и источниковедение»
oybekyarmatov78@gmail.com

Аннотация: В данной статье анализируется социально-экономическая, научная и культурная деятельность англичан, французов и литовцев в Туркестане во второй половине XIX – начале XX века. Актуальность исследования обусловлена недостаточной изученностью роли иностранных сообществ в развитии региона. На основе исторических источников раскрывается деятельность англичан в сфере торговли и услуг, французов – в промышленности и культуре, литовцев – в религиозно-просветительской сфере. Результаты исследования показывают, что данные группы оказали значительное влияние на экономическую модернизацию и культурное



развитие Туркестана. Вместе с тем их деятельность протекала в условиях колониальной системы, формируя специфические отношения асимметричной интеграции с местным населением.

Ключевые слова: Туркестан, иностранные сообщества, англичане, французы, литовцы, социально-экономическая деятельность, промышленность, хлопководство, культурный обмен, научные исследования, религиозная деятельность, колониализм, асимметричная интеграция.

SOCIO-ECONOMIC ACTIVITIES OF THE BRITISH AND THE FRENCH IN
TURKESTAN IN THE SECOND HALF OF THE 19TH – EARLY 20TH
CENTURY

Yarmatov Oybek Shaymanovich

Samarkand State University
Associate Professor, Department of
Historiography and Source Studies
oybekyarmatov78@gmail.com

Abstract: This article analyzes the socio-economic, scientific, and cultural activities of the British, French, and Lithuanians in Turkestan during the second half of the 19th and the early 20th century. The relevance of the study lies in the insufficient examination of the role of foreign communities in the region's development. Based on historical sources, the article explores the activities of the British in trade and services, the French in industry and culture, and the Lithuanians in the religious and educational sphere. The findings demonstrate that these groups made a significant contribution to the economic modernization and cultural development of Turkestan. At the same time, their activities unfolded within a colonial framework, leading to the formation of asymmetric integration between foreign communities and the local population.

Key words: Turkestan, foreign communities, British, French, Lithuanians, socio-economic activity, industry, cotton production, cultural exchange, scientific research, religious activity, colonialism, asymmetric integration.

Kirish. XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asr boshlarida Turkiston mintaqasi Yevropa davlatlari uchun muhim geosiyosiy va iqtisodiy makonga aylandi. Bu davrda hududda xorijiy guruhlarining, xususan ingliz, fransuz va litvaliklarning faoliyati kuchayib, ular iqtisodiy, ilmiy, madaniy hamda diniy sohalarda sezilarli iz qoldirdi. Mazkur jarayonlar bir tomondan mintaqaning jahon xo'jalik tizimiga integratsiyalashuvini jadallashtirgan bo'lsa, ikkinchi tomondan mustamlakachilik siyosati sharoitida xorijiy guruhlar va mahalliy aholi o'rtasida noteng asimmetrik integratsiya munosabatlarining shakllanishiga olib keldi.

Ushbu maqolada Turkistonda ingliz, fransuz va litvaliklarning ijtimoiy-iqtisodiy, ilmiy va madaniy faoliyati tarixiy manbalar asosida tahlil qilinadi hamda ularning mintaq taraqiyotidagi o'rni yoritib beriladi.



Asosiy qism. XIX asrda Turkiston mintaqasi Yevropa davlatlari, xususan Buyuk Britaniya va Fransiya uchun muhim geosiyosiy va iqtisodiy hududga aylandi. Bu jarayon “Katta o‘yin” siyosiy raqobati doirasida shakllanib, mintaqaga bo‘lgan qiziqishning ortishiga olib keldi. Ayniqsa, ingliz vakillarining dastlabki tashriflari Turkiston haqidagi ilmiy va siyosiy bilimlarning shakllanishida muhim rol o‘ynadi. Jumladan, Alexander Burnes 1831-1833 yillarda Buxoroga tashrif buyurib, amirlikning siyosiy tuzumi, savdo aloqalari va ijtimoiy hayoti haqida muhim ma’lumotlar qoldirgan [1].

XIX asrning ikkinchi yarmidan boshlab inglizlarning Turkistondagi ishtiroki yanada kengayib, diplomatlar, sayyohlar, tijorat vakillari, sanoat agentlari, o‘qituvchilar va texnik mutaxassislarni qamrab oldi. Ularning faoliyati asosan savdo va xizmat ko‘rsatish sohalarida – mehmonxona xo‘jaligi, transport va yengil sanoatda namoyon bo‘lib, mahalliy iqtisodiyotning bozor munosabatlariga moslashuvi hamda tashqi ta’sirlarga ochiqligini kuchaytirdi.

Frantsuzlar esa Turkistonda ko‘proq madaniy-iqtisodiy yo‘nalishda faol bo‘lib, savdo aloqalarini rivojlantirish, hunarmandchilik mahsulotlarini eksport qilish va yangi texnologiyalarni joriy etishda ishtirok etdilar. Ular ipak, paxta kabi xomashyo resurslariga qiziqish bildirgan, shuningdek ayrim hollarda tayyor mahsulotlar savdosi bilan ham shug‘ullangan. Fransuz muhandislari va hunarmandlari yangi ishlab chiqarish usullarini olib kirib, mahalliy ishlab chiqarishning takomillashuviga hissa qo‘shgan [6].

Mazkur davrda ingliz va frantsuzlarning faoliyati mustamlakachilik tizimi sharoitida kechib, ko‘pincha Rossiya imperiyasi manfaatlari bilan muvofiqlashtirilgan yoki cheklangan holda amalga oshirilgan. Shunga qaramay, xorijiy mutaxassislar yangi kasb turlari, xizmat ko‘rsatish madaniyati va xalqaro savdo tajribasining shakllanishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatgan.

Umuman olganda, ingliz va frantsuzlarning Turkistondagi ijtimoiy-iqtisodiy faoliyati ularning strategik manfaatlari bilan uzviy bog‘liq bo‘lib, mintaqada ijtimoiy tabaqalanish, iqtisodiy ixtisoslashuv va tashqi aloqalarning kengayishida muhim omil bo‘lib xizmat qilgan. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida esa ingliz kelib chiqishiga mansub shaxslarning ilmiy va madaniy faoliyati kuchayib, bu jarayon Yevropada Sharq madaniy merosiga bo‘lgan qiziqishning ortishi bilan bevosita bog‘liq holda rivojlandi.

XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Turkistonda ingliz kelib chiqishiga mansub shaxslarning ilmiy va madaniy faoliyati sezilarli darajada namoyon bo‘ldi. Jumladan, 1884 yilda Samarqandga tashrif buyurgan Genrix Lenedel tomonidan ayrim me’moriy yodgorlik bezaklarining olib chiqib ketilishi Sharq san’ati va me’morchilik namunalarini Yevropaga olib chiqish amaliyoti keng tarqalganligini ko‘rsatadi. Bu holat bir tomondan ilmiy o‘rganish va kolleksionerlik faoliyatining kuchayganini anglatasa, ikkinchi tomondan madaniy merosning nazoratsiz eksporti muammosini yuzaga keltirgan [4].

1899 yilda Turkistonga tashrif buyurgan ingliz ayol sayyohlar – Genter va Xanberi – mintaqaning tabiati, aholisi va etnografiyasiga oid muhim kuzatuvlar olib borgan. Ayrim manbalarda ular Miss Horn va Frederick Bale nomlari bilan tilga olinadi.



Xususan, Frederik Beylning ingliz missiyasiga rahbarlik qilgani uning faoliyatining diplomatik xarakterini ham ko'rsatadi [6].

Shuningdek, Mikhail Masson ingliz kelib chiqishiga ega bo'lib, Turkiston arxeologiyasining rivojlanishida muhim rol o'ynagan. Uning faoliyati moddiy madaniy merosni o'rganish va ilmiy tizimlashtirish jarayonida alohida ahamiyat kasb etadi.

Ushbu misollar shuni ko'rsatadiki, ingliz fuqarolari va ingliz kelib chiqishiga mansub shaxslar Turkistonda sayyohlik, ilmiy tadqiqot, diplomatiya va madaniy almashinuv sohalarida faol ishtirok etgan. Ularning faoliyati Yevropada Turkiston haqidagi bilimlarning kengayishiga xizmat qilgan bo'lsa-da, ayrim hollarda madaniy boyliklarning olib chiqib ketilishi kabi salbiy oqibatlarni ham yuzaga keltirgan.

XIX asr oxiri – XX asr boshlarida esa Turkiston Yevropa xalqlari, xususan fransuzlar uchun ham muhim iqtisodiy va madaniy makonga aylandi. 1926 yilgi ma'lumotlarga ko'ra, O'zbekiston hududida 34 nafar fransuz fuqarosi (8 erkak, 26 ayol) istiqomat qilgan. Bu esa ularning son jihatdan kam bo'lishiga qaramay, mintaqa iqtisodiy va madaniy hayotidagi faolligini ko'rsatadi [7].

Fransuzlarning Turkistondagi iqtisodiy faoliyati, avvalo, sanoat, ayniqsa paxtachilik tarmog'i bilan bog'liq bo'ldi. Jumladan, Aloisi Grenard 1888 yilda Turkistonga kelib, 1896 yilda Qo'qonda paxta tozalash fabrikasini tashkil etgan, keyinchalik Samarqand va Buxoroda ham shunday korxonalar barpo etilgan. Farg'ona vodiysi (Chust, Namangan)da kichik sanoat korxonalari faoliyat yuritib, mahalliy xomashyoni qayta ishlash va eksport salohiyatini oshirishga xizmat qilgan. Toshkentda esa fransuzlar tomonidan 70 ta to'quv dastgohi asosida fabrika tashkil etilib, aholi mato bilan ta'minlangan [8].

Fransuzlarning ilmiy va madaniy faoliyati ham muhim ahamiyatga ega bo'lgan. Xususan, Barbot de Mar Turkistonda geologik tadqiqotlar olib borgan bo'lsa, 1891-yilda Lassal boshchiligidagi opera truppasining tashrifi Yevropa sahna san'atining kirib kelishiga turtki bo'lgan. Arxitektura va san'at sohasida Aleksiy Benous hamda Albert Benous Toshkentdagi muhim binolar qurilishida qatnashgan, Mixail Sole esa "Ming bir kecha"ni tarjima qilib, madaniy almashinuvga hissa qo'shgan.

Harbiy sohada ham fransuzlarning ishtiroki kuzatilib, Rossiya imperiyasi qo'shinlari tarkibida xizmat qilgan Delekrua kabi ofitserlar mintaqadagi harbiy jarayonlarda qatnashgan [5].

Litvaliklar esa asosan diniy va ma'rifiy faoliyat orqali ajralib turadi. Ular orasida katolik ruhoniylari, o'qituvchilar va jamoat arboblari mavjud bo'lib, mahalliy aholiga ta'lim berish, diniy hayotni tashkil etish hamda Yevropa ta'lim unsurlarini joriy etishda muhim rol o'ynagan. Bu jarayon Turkiston jamiyatida konfessional va madaniy xilma-xillikning kengayishiga xizmat qilgan [6].

Umuman olganda, fransuzlar va litvaliklarning Turkistondagi faoliyati iqtisodiy modernizatsiya, ilmiy tadqiqotlar va madaniy hayot rivojida muhim o'rin tutgan. Shu bilan birga, bu faoliyat mustamlakachilik tizimi doirasida amalga oshib, xorijiy guruhlarning imtiyozli mavqei asosida mahalliy jamiyat bilan asimmetrik integratsiya jarayonini shakllantirgan.



XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asr boshlarida Turkistonda fransuzlar boshqa xorijiy guruhlariga nisbatan qulayroq huquqiy sharoitlarga ega bo‘lib, yashash ruxsatnomalarini nisbatan oson olgan. Samarqand va Farg‘ona viloyatlarida Shveysariyadan kelgan fransuz millatiga mansub 90 dan ortiq shaxs istiqomat qilgan [6]. Ular o‘qituvchi, repetitor, shifokor, hunarmand, qandolatchi, bufet egasi, savdo firmalari vakili va ma‘muriy xodim sifatida faoliyat yuritib, mintaqa ijtimoiy-iqtisodiy hayotining turli qatlamlariga chuqur kirib borgan.

Mazkur davrda Turkistonga 20 dan ortiq fransuz sayyohlari tashrif buyurgan bo‘lib, ular orasida R. Banapart, L. Blot va J. Brocherel mavjud. Ularning safarlari natijasida hududning tabiiy-geografik va etnografik xususiyatlari haqida muhim yozma manbalar shakllangan [6].

Fransuzlarning ilmiy-ma‘rifiy faoliyati ham sezilarli bo‘lgan. Jumladan, Jozef Anton Kastaniy 1912 yildan maktablarda fransuz tili darslarini olib borib, arxeologik tadqiqotlar bilan shug‘ullangan; 1913 yilda Imperator Geografik jamiyatining Turkiston bo‘limiga a‘zo bo‘lib, Rossiya fuqaroligini qabul qilgan, 1918 yilda esa siyosiy vaziyat sabab Fransiyaga qaytgan. Shuningdek, 1895 yilda Afrosiyob qazishmalarida M. Shafanjana ishtirok etgan [3].

Litvaliklarning Turkistondagi mavjudligi XIX asrning 60-yillaridan boshlanib, dastlab harbiy xizmat, keyinchalik esa Toshkent, Samarqand va Farg‘onada fuqarolik hayoti orqali davom etgan [5]. Ular shahar iqtisodiyotida, ayniqsa mayda burjuaziya qatlamining shakllanishida muhim rol o‘ynagan.

Diniy sohada Yustin Pranaytis faoliyati alohida ahamiyatga ega: 1902 yilda u katoliklar rahbari etib tayinlanib, Toshkentda Ruhoniy uyi va Rim-katolik cherkovi, shuningdek Samarqand va Skobelovda cherkovlar qurilishiga boshchilik qilgan. 1905 yilda Toshkentda 10 nafar litvalik qayd etilgan (Jukova, 1998), 1926 yilga kelib esa ularning soni 317 nafarga yetgan [7].

Xulosa. XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asr boshlarida ingliz, fransuz va litvaliklarning Turkistondagi faoliyati mintaqaning iqtisodiy, ilmiy va madaniy rivojlanishida muhim rol o‘ynadi. Ular sanoat, savdo, ta‘lim va diniy sohalarda faol ishtirok etib, hududning modernizatsiyasiga hissa qo‘shdi. Shu bilan birga, bu jarayonlar mustamlakachilik sharoitida kechib, mahalliy aholi bilan noting asimmetrik integratsiya munosabatlarini yuzaga keltirdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

Бёрнс А. Путешествие в Бухару: отчёт о путешествии из Индии в Кабул, Тартарию и Персию. – Лондон: John Murray, 1834.

Векслер С.М. (ред.) Очерк истории узбекской музыкальной культуры до Великой Октябрьской социалистической революции. – Ташкент, 1965.

Гаршенин С.М. Странный археолог Кастанье // Звезда Востока. – 1996. – № 3. – С. 147–159.

Массон М.Е. Из воспоминаний самаркандского археолога. – Ташкент, 1976.

Матвеев А.И. Зарубежные выходцы в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX вв.). – Ташкент: Фан, 1966.



Матвеев А.И. Участие зарубежных выходцев в общественно-политической жизни Туркестана. – 1975.

Этнический атлас Узбекистана. – Ташкент: совместное издание ИООФС-Узбекистан и ЛИА «Р. Элина», 2002. – 202 с.

O'zMA fond I-19, ro'uxat-1, ish-3150



**AMIR TEMUR DAVLATCHILIK KONSEPTSIYASINING
MANBALARI VA NAZARIY ASOSLARI**

Qosimjonova Muxlisa Abdujabbor qizi

Toshkent davlat yuridik universiteti

Davlat boshqaruvi yoʻnalishi magistranti

xabibullayevamuxlisaxon@gmail.com

ANNOTATSIYA: Ushbu tadqiqot ishi Amir Temur tomonidan asos solingan markazlashgan davlat boshqaruvi tizimining fundamental manbalari va uning nazariy-huquqiy asoslarini tadqiq etishga bagʻishlangan. Tadqiqotning dolzarbligi Sohibqiron davlatchilik konsepsiyasining bugungi kun zamonaviy boshqaruv tizimi va milliy qonunchilik poydevorini mustahkamlashdagi tarixiy-huquqiy oʻrnini belgilash bilan izohlanadi.

Ishda "Temur tuzuklari" asari boshqaruvning konseptual manbasi sifatida tahlil qilinib, undagi "Kuch — adolatdadir" tamoyilining huquqiy mezonlari, strategik rejalashtirish va meritokratiya (loyiqlikka qarab tayinlov) elementlari ochib berilgan. Shuningdek, Nizomiddin Shomiy, Sharafuddin Ali Yazdiy kabi tarixchi olimlarning asarlari hamda xorijiy sharqshunoslik manbalari qiyosiy oʻrganilgan.

Tadqiqot davomida Amir Temur davlat boshqaruvining ikki ustuni — dunyoviy qonunlar (Tuzuklar) va shariat meʼyorlarining oʻzaro mutanosibliги nazariy jihatdan asoslashga harakat qilingan. Temuriylar davri boshqaruv institutlarining zamonaviy davlat xizmati va maʼmuriy huquq sohasidagi ijtimoiy-siyosiy ahamiyati yuzasidan xulosalar shakllantirildi.

KALIT SOʻZLAR: Amir Temur, Temur „Tuzuklar“i, davlatchilik konsepsiyasi, nazariy asoslar, markazlashgan boshqaruv, „Kuch – adolatda“, huquqiy manbalar, strategik boshqaruv, meritokratiya.

Har qanday barqaror davlat oʻzining tarixiy ildizlariga tayanadi. Milliy davlatchilik asoslarini mustahkamlash — bu shunchaki oʻtmishni eslash emas, balki Temuriylar davridagi davlat boshqaruvi institutlarining zamonaviy vorisi ekanligimizni huquqiy va siyosiy jihatdan tasdiqlashdir. Amir Temur asos solgan markazlashgan boshqaruv va adolatli sud tizimi bugungi Oʻzbekistonning davlatchilik qiyofasini belgilovchi tarixiy kodlar (identifikatsiya) hisoblanadi. Sohibqironning „Kuch – adolatdadir“ degan shiori bugungi kunda "Qonun ustuvorligi" prinsipi bilan toʻlaqonli hamohangdir. Milliy davlatchilikni mustahkamlash zaruriyati shundaki, adolat tushunchasi davlat organlarining faoliyat mezoniga aylanishi lozim. Ushbu tamoyilning nazariy asoslarini oʻrganish orqali, zamonaviy sud-huquq islohotlarining tarixiy ildizlari borligi isbotlanadi.



Amir Temur davlatni "12 toifa" (ijtimoiy guruhlar)ga tayanib boshqargan. Bu esa jamiyatning barcha qatlamlari (olimlar, tadbirkorlar, harbiylar, ziroatkorlar) davlat boshqaruvida o'z o'rniga ega bo'lganini ko'rsatadi. Milliy davlatchilikni mustahkamlash zaruriyati bugungi kunda ham davlat va jamiyat o'rtasidagi ijtimoiy shartnomani kuchaytirishni, davlat organlarining xalq oldidagi mas'uliyatini oshirishni talab etadi. Shu bilan birgalikda, Sohibqiron o'z davrida mintaqaviy va global xavfsizlikning kafolati bo'lgan. Uning xalqaro diplomatik munosabatlardagi "tenglik va o'zaro hurmat" tamoyillari milliy davlatchiligimizning tashqi siyosiy asoslarini mustahkamlashda xizmat qiladi. O'zbekistonning jahon maydonidagi nufuzini oshirishda "Temur diplomatiyasi"ning nazariy asoslaridan foydalanish milliy manfaatlarni himoya qilishning ilmiy bazasini yaratadi.

Amir Temur davlat boshqaruvida ishtirok etuvchi lavozim egalarini tayinlashga ham alohida e'tibor bergan. Xususan, Sohibqiron "Tuzuklari"da mansabga tayinlashda shaxsning nasl-nasabiga emas, balki uning "ishbilarmonligi, shijoati va sadoqati"ga qarab baho berilganligi aytib o'tilgan⁸. Milliy davlatchilik asoslarini mustahkamlashning bugungi dolzarbligi korrupsiyaga qarshi kurashish va davlat xizmatiga eng loyiq kadrlarni jalb qilishning tarixiy-huquqiy mexanizmlarini qayta tiklashda namoyon bo'ladi. Sohibqironning davlatni boshqarish san'ati bugungi kun tili bilan aytganda "Inqirozli vaziyatlarda menejment" (Crisis Management) va "Uzoq muddatli strategik rejalashtirish" (Strategic Planning) asoslariga qurilgan.

Amir Temur har qanday qaror qabul qilishdan oldin o'nlab mutaxassislar (vazirlar, ulamolar, sarkardalar) bilan maslahatlashish tartibini belgilangan. Bu haqida Amir Temur „Davlat ishlarini to'qqiz ulushini kengash, tadbir, mashvarat, qolgan bir ulushi qilich bilan bajo keltirilur" deb aytadi. Bu esa bugungi kundagi davlat boshqaruvidagi "Kollektiv qaror qabul qilish" va "Ekspertlar tahlili" institutlarining tarixiy ko'rinishini ifodalaydi⁹.

Amir Temur davlatining boshqaruvida intizom va siyosat ham alohida o'rinni egallagan. "Saltanatni qat'iy qonun-qoidalarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi," — deydi Sohibqiron. Bu yerda "Siyosat" atamasi jazo va tartib ma'nosida kelib, amaldorlarning o'zboshimchaligiga chek qo'yishni nazarda tutadi. Bu esa zamonaviy davlat xizmatidagi "Komplayens-nazorat tizimi bilan funksional jihatdan o'xshashdir. Amir Temur davlatida qonun shunchaki tavsiya emas, balki jamiyatning barcha a'zolari uchun majburiy bo'lgan ijtimoiy shartnoma edi.

Bundan tashqari Amir Temur davlatida qonun oldida tenglik g'oyasi ilgari surilgan. "Tuzuklar"da shunday yozilgan: "Sipohiyimi, fuqaromi, kim bo'lishidan qat'i nazar, agarda qonunni buzsa, unga munosib jazo berilsin"¹⁰. Bu o'rta asrlar uchun xos bo'lmagan "Huquqiy tenglik" tamoyili bo'lgan. Shu bilan bir qatorda

⁸ [1] Temur tuzuklari. (Mulla Qo'shmuhammad as-Sallohiy tarjimasi). – Toshkent: "Yangi asr avlodi", 2013. – B. 82.

⁹ Ahmedov B.A. Amir Temur: Tarixiy portret. – Toshkent: "O'qituvchi", 1995. – B. 120-135.

¹⁰ Temur tuzuklari. (Tuzuvchi va so'zboshi muallifi: B. Ahmedov). – Toshkent: "O'zbekiston", 2016. – B. 94.



Temur davlatida xususiy mulk himoyasiga katta e'tibor berilgan. Soliqlar miqdori hosilga va fuqaroning ahvoriga qarab belgilangan, bu esa iqtisodiy huquqning shakllanishidan dalolat beradi. "Biron bir fuqaroning uyi yoki tomiga uning ruxsatisiz qo'nish taqiqlanadi" kabi me'yorlar shaxsiy daxlsizlikning ilk ko'rinishlari hisoblanadi.

Amir Temur davlatchilik konsepsiyasini nafaqat Sharq mamlakatlari balki Yevropa mamlakatlari ham o'rganib chiqishdi. Yevropa manbalari ichida Rui Gonsales de Klavixo ("Kundaliklar") va ingliz, fransuz tadqiqotchilarining asarlarida Temurning "Yevropa xaloskori" va buyuk diplomat sifatidagi obrazi ochib beriladi. Bu manbalar Temur davlatining xalqaro sub'ekt sifatidagi nufuzini isbotlaydi. Sharq mamlakatlarida esa Ibn Arabshohning asarlari ham nazariy jihatdan muhim o'rinni egallaydi. U Temurning davlat tuzilishi va qonunlarining mukammalligini, Temur "Yososi" (qonunlari) qanchalik qat'iy ishlaganini e'tirof etadi¹¹. Bu esa o'sha davrdagi qonunchilikning real kuchini ko'rsatadi.

Temur davlatchiligining nazariy asosi faqat kuchga emas, balki "Ma'rifatli boshqaruv" g'oyasiga tayanadi. Sohibqiron vazirlarni tanlashda to'rtta sifatni talab qilgan: asllik, aql-idrok, tadbirkorlik va sadoqat. Bu bugun davlat xizmatchilari uchun ishlab chiqilayotgan "Etika kodeksi"ning nazariy asosi bo'la oladi.

Temur davlat xazinasidan muhtojlarga yordam berish, bozorlardagi narx-navoni nazorat qilish va yo'llar xavfsizligini ta'minlashni o'zining oliy burchi deb bilgan. Bu esa hozirgi "Ijtimoiy davlat" modelining tarixiy elementlaridir.

Amir Temurning davlat boshqaruvi konsepsiyasi o'rta asrlar Sharq siyosiy tafakkurida "Dualistik boshqaruv modeli" sifatida tavsiflanadi. Uning nazariy poydevori ikki mustahkam ustunga tayanadi: birinchisi shariat me'yorlari va dunyoviy qonunlar. Shariat me'yorlari jamiyatning ma'naviy-axloqiy tartibini, oilaviy va meros munosabatlarini tartibga soluvchi ilohiy huquq hisoblangan. Sohibqiron davlatni boshqarishda ulamolar va fuqarolarning ishonchini qozonish uchun shariatga tayangan. Dunyoviy qonunlar esa davlat apparati, harbiy tuzilma, soliq tizimi va ma'muriy boshqaruvni tartibga soluvchi qat'iy nizomlardan iborat edi. Bu qonunlar shariatga zid bo'lmagan holda, davlatning real siyosiy ehtiyojlaridan kelib chiqqan.

Sohibqiron o'z saltanati barqarorligini 12 ijtimoiy toifaga tayanib ta'minlagan. Bu yerda nazariy yangilik shundaki, Temur jamiyatni boshqarishda "ijtimoiy muvozanat" nazariyasini qo'llagan. Ya'ni, olimlar va sayyidlardan tortib, hunarmand va dehqonlargacha bo'lgan har bir qatlamning huquqiy maqomi va davlat oldidagi mas'uliyati belgilab qo'yilgan.¹² "Saltanatni shunday boshqardimki, uning barcha tabaqalari o'z o'rni va martabasiga ega bo'ldi," — degan fikri bugungi "Inkluziv boshqaruv" tamoyili bilan mazmunan birdir¹².

¹¹ Ibn Arabshoh. Ajaib al-maqdur fi nava'ib al-Taymur (Temur tarixida taqdir ajoyibotlari). – Toshkent: "Fan", 2018. – B. 245.

¹² Temur tuzuklari. – Toshkent: "Sharq", 2005. – B. 62.



Temur davlatchiligini tadqiq etishda manbalar faqat tarixiy ma'lumot emas, balki huquqiy-siyosiy hujjat sifatida o'rganiladi: "Temur tuzuklari": Bu asar nafaqat memuar, balki "Konstitutsion xarakterdagi nizom"dir. Unda hokimiyatning bo'linishi (vazirliklar tizimi), nazorat mexanizmlari (darug'alar, muhtasiblar) va ijtimoiy adolat tamoyillari bayon etilgan. Bu manba "Siyosatnoma" an'alarining eng yuqori cho'qqisi hisoblanadi. Sharafuddin Ali Yazdiy va Nizomiddin Shomiyning "Zafarnoma"lari esa Temurning har bir qarori ortidagi nazariy mantiqni ochib beradi. Ayniqsa, Yazdiyning asari Temurning xalqaro huquq sub'ekti sifatidagi faoliyatini va diplomatiyasini o'rganishda asosiy manba sanaladi. Ibn Arabshoh xotiralari esa Temur davlatida "Inson omili" va psixologik boshqaruv usullarini tahlil qilish uchun o'ta muhimdir. Arabshoh Temur o'rnatgan tartib-intizom va adolat tizimi oldida hayratini yashira olmagan¹³.

Sohibqiron davlatida boshqaruv mexanizmlari quruq buyruqqa emas, balki qat'iy protsessual tartibga asoslangan. Markaziy hokimiyatni vazirlar va kengash (kengashlar palatasi) orqali boshqargan. Har bir vazirning o'z javobgarlik sohasi bo'lib, o'zboshimchalikka yo'l qo'ygan amaldor "Tuzuk" asosida qat'iy jazolangan. Huquqiy mexanizmga ko'ra, soliqlar faqat daromadga qarab belgilangan. Agar hosil yetilmasa yoki tabiat hodisalari ro'y bersa, fuqaro soliqdan ozod etilgan. "Hech bir fuqaroni ojiz holga keltirib qo'ymaslik" tamoyili o'sha davrdagi "Ijtimoiy davlat" modelining o'zagi bo'lgan¹⁴. Qozilar va adolat o'rnatuvchilar faoliyati mustaqil bo'lib, hatto shahzodalar ham sud hukmiga bo'ysunishga majbur qilingan. Bu esa "Qonun oldida tenglik" prinsipining tarixiy amaliyotidir.

1. Ellis, R. (1997). *Second Language Acquisition*. Oxford University Press.
2. Brown, H. D. (2007). *Principles of Language Learning and Teaching*. Pearson.
3. Cook, V. (2001). *Second Language Learning and Language Teaching*. Arnold.
4. Alisoy, H. (2024). Exploring Language Acquisition: The Role of Native Language Interference in ESL Learners. <https://doi.org/10.69760/jales.2024.00105>
5. Komilova N.A. (2024). Chet tilini o'rganishda ona tilining ta'siri. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11174549>
6. Galina Kavaliauskiene, Viktorija Mažeikiene, Giedrė Valūnaitė-Oleškevičienė. (2010). Role of Native Language in Learning English. Research Gate. <https://doi.org/10.3846/coactivity.2010.12>



CHET TILINI O'RGANISH JARAYONIDA YUZAGA KELADIGAN QIYINCHILIKLAR

Kayumova Nilufar Kuchkorovna

„ZARMED“ universiteti Samarqand kampusi.
Muhandislik-iqtisodiyot va gumanitar fanlar instituti „Chet tillar kafedrası“
nemis tili fani o'qituvchisi
nilufar.kayumova81@mail.ru

Azimova Visola

„ZARMED“ universiteti Samarqand kampusi
Tibbiyot va bioinjeneriya instituti Oliy hamshiralik
ishi fakulteti 1225-guruh talabasi

Annotatsiya: Ushbu matnda globallashuv sharoitida chet tillarini o'rganishning ahamiyati va zarurati yoritilgan. Til o'rganish jarayonida uchraydigan asosiy muammolar: leksik birliklar yetishmovchiligi, grammatik qoidalarni amalda qo'llashdagi qiyinchiliklar, nutqiy qo'rquv, til muhitining yetishmasligi hamda motivatsiya pasayishi kabi omillar muhim to'siqlar sifatida ko'rsatib o'tilgan. Shuningdek, bilim va amaliyot o'rtasidagi tafovut ham til o'rganishda sezilarli muammo ekani ta'kidlangan. Matnda ushbu qiyinchiliklarni bartaraf etish yo'llari sifatida muntazam mashq qilish, xatolardan qo'rqmaslik, o'z ustida ishlash va qat'iyatlilik zarurligi qayd etilgan. Chet tilini o'rganish murakkab, ammo izchil mehnat orqali muvaffaqiyatga erishish mumkin bo'lgan jarayon ekani ta'kidlangan.

Kalit so'zlar: chet tili, globallashuv, leksik yetishmovchilik, grammatik qiyinchilik, nutqiy qo'rquv, til muhiti, motivatsiya, amaliyot, psixologik to'siq, til ko'nikmasi.

Hozirgi globallashuv jarayoni tezlashib borayotgan bir davrda biz chet tillarini o'rganishga bo'lgan ehtiyoj kundan-kunga ortib borayotganini yaqqol sezib turibmiz. Biz yashayotgan zamonda xorijiy tillarni bilish nafaqat ta'lim sohasida, balki kelajakdagi kasbiy faoliyatimizda ham juda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababli biz til o'rganishni zamonaviy inson uchun zarur ko'nikmalardan biri sifatida qabul qilamiz. Boshqacha aytganda, bugungi tezkor zamonda boshqa bir tilda erkin muloqot qila olish biz uchun shunchaki qo'shimcha imtiyoz emas, balki hayotiy zaruratga aylandi¹⁵. Biroq biz til o'rganish jarayoniga kirishar ekanmiz, bu yo'l har doim ham oson kechmasligini tushunib yetamiz. Aksincha, biz turli xil qiyinchiliklar, psixologik to'siqlar va amaliy muammolarga duch kelamiz. Ko'p hollarda o'quv darsliklaridagi quruq qoidalarni hayotiy vaziyatlarga tatbiq etish biz o'ylagandan ko'ra murakkabroq kechadi. Ayniqsa, yangi tilni o'zlashtirish jarayonida biz bilim va amaliyot o'rtasida sezilarli farq borligini his qilamiz. Ushbu farq bizning nutqiy ko'nikmalarimiz rivojlanishiga to'siq bo'lib, o'rgangan bilimlarimizni

¹⁵ Harmer J. How to Teach English. –London: Longman, 2007.



qo'llashda ikkilanish hissini uyg'otadi. Biz o'z tadqiqotimiz va guruhdoshlarimiz orasida o'tkazgan kuzatuvlarimiz natijasida shuni aniqladikki, ko'p hollarda nazariy bilimlar amaliyotga ko'chganda talabalar o'zini yo'qotib qo'yishadi. Biz ko'p guvoh bo'lamizki, auditoriyada qoidalarni yaxshi bilgan talaba ham real muloqot paytida o'z fikrini ifodalashga qiynaladi. Masalan, o'tkazilgan so'rovnomalarga ko'ra, talabalarning 60% dan ortig'i so'z boyligining kamligi emas, balki bor so'zlarni gapda to'g'ri bog'lay olmaslikdan qiynalishini ta'kidlashgan. Demak, asosiy muammo so'zlarni yodlashda emas, balki ularni mantiqiy gaplar zanjiriga tizish ko'nikmasining yetishmasligidadir¹⁶.

Til o'rganish jarayonida eng avvalo leksik birliklar yetishmovchiligi, ya'ni so'z boyligi yetishmovchiligiga duch kelamiz. Yangi so'zlarni yodlashga harakat qilamiz, lekin ularni doimiy ravishda takrorlamaganimiz sababli tez unutib qo'yamiz. Yodlangan so'z agar jonli nutqda ishlatilmasa, u bizning xotiramizda uzoq saqlanib qolmaydi. Shuningdek, biz o'rgangan so'zlarni to'g'ri vaziyatda qo'llashda ham ba'zan qiynamiz.

Kuzatuvlari shuni ko'rsatadiki, so'zlarni alohida emas, balki kontekst ichida o'rganish samaraliroq bo'lsa-da, aksariyat o'rganuvchilar hali ham mexanik yodlash usulidan foydalanishadi¹⁷. Vaholanki, so'zni gap ichida ko'rmasdan turib, uning qanday ma'no nozikliklariga ega ekanini his qila olmaymiz.

Til o'rganish jarayonida muhim muammolardan yana biri grammatik qoidalarni o'zlashtirish va ularni amaliy nutqda qo'llash bilan bog'liqdir. O'rganuvchilar ko'pincha grammatik qoidalarni nazariy jihatdan tushunsalar-da, real nutq jarayonida ularni tez va to'g'ri qo'llashda qiyninchilikka duch keladilar. Bu holat nutqning sekinlashishiga va kommunikativ ishonchning pasayishiga olib keladi¹⁸.

Ko'pincha o'rganuvchilar nutq jarayonida har bir gapni grammatik jihatdan nazorat qilishga urinishadi, bu esa muloqotning tabiiyligini buzadi. Bundan tashqari, til o'rganuvchilarda nutqiy qo'rquv va xatolikdan cho'chish kabi psixologik to'siqlar ham keng tarqalgan. Xato qilishdan qo'rqish natijasida ular o'z fikrlarini erkin ifoda eta olmaydilar va ko'pincha passiv holatda qoladilar¹⁹.

Aslida esa, til o'rganish jarayonida xatolar muhim o'rin tutadi va ular orqali bilimlar mustahkamlanadi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, kommunikativ faoliyatda faol qatnashadigan, xatodan qo'rqmay gapiradigan o'rganuvchilar tilni tezroq o'zlashtiradilar. Bu esa o'ziga bo'lgan ishonch va amaliy faoliyat nazariy bilimlardan ko'ra muhimroq omil ekanligini ko'rsatadi²⁰.

Yana eng muhimi til muhitining yetishmasligi, til o'rganish jarayoniga sezilarli ta'sir ko'rsatuvchi omillardan biri bu til muhiti va amaliy kommunikativ sharoitning yetishmasligidir. Agar o'rganilayotgan til kundalik hayotda faol qo'llanilmasa,

¹⁶ Krashen S. Principles and Practice in Second Language Acquisition. –Oxford: Pergamon, 1982.

¹⁷ Lightbown P.M., Spada N. How Languages are Learned. –Oxford: Oxford University Press, 2013.

¹⁸ Scrivener J. Learning Teaching. –Oxford: Macmillan, 2011.

¹⁹ Зимняя И.А. Психология обучения иностранным языкам в школе. –Москва: Просвещение, 1991.

²⁰ Леонтьев А.А. Язык и речевая деятельность. –Москва: Наука, 2003.



o'zlashtirilgan bilimlar asta-sekin passiv holatga o'tadi. Shu bois, chet tilini faqat auditoriya doirasida o'rganish yetarli natija bermasligi ko'plab tadqiqotlarda ta'kidlangan. Amaliy til muhiti mavjud bo'lgandagina o'rganilgan bilimlar mustahkamlanadi va faol nutqqa ko'chadi.

Bundan tashqari, vaqt yetishmasligi, muntazam mashq qilmaslik va motivatsiyaning pasayishi ham til o'rganish samaradorligiga salbiy ta'sir ko'rsatadi⁶. O'rganuvchi qanchalik ko'p va muntazam mashq qilsa, natijalar shunchalik tez namoyon bo'ladi, aks holda bilimlar unutilib boradi²¹. Muntazamlikning yo'qolishi o'rganishga bo'lgan qiziqishni ham susaytiradi va jarayonni murakkablashtiradi.

Kuzatuvlar shuni ko'rsatadiki, qisqa, lekin muntazam mashg'ulotlar uzoq, ammo kamdan-kam o'tkaziladigan mashg'ulotlarga nisbatan samaraliroqdir²². Bu esa til o'rganishda intensivlikdan ko'ra davomiylik va barqarorlik muhimroq omil ekanligini tasdiqlaydi.

Xulosa qilib aytganda, biz uchun chet tilini o'rganish ham imkoniyat, ham mas'uliyat talab qiladigan jarayondir. Biz ushbu jarayonda leksik boylik yetishmasligi, grammatik qiyinchiliklar, nutqiy qo'rquv, til muhitining yo'qligi va motivatsiya pasayishi kabi to'siqlarga duch kelamiz. Biroq biz anglab yetdikki, bu to'siqlarning barchasini to'g'ri yondashuv va qat'iyat bilan yengish mumkin. Doimiy ravishda mashq qilish, o'z ustimizda ishlash, xatolardan qo'rqqanlik va qat'iyatli bo'lish orqali bu qiyinchiliklarni yengib o'tishimiz mumkin. Biz til o'rganish jarayonini to'xtatmasdan davom ettirsak, albatta natijaga erishamiz va erkin muloqot qila oladigan darajaga chiqamiz. Zotan, til o'rganish shunchaki lug'at yodlash emas, balki yangi madaniyat va yangi ufqlarga yo'l ochishdir. Biz bu yo'ldagi har bir qiyinchilikni o'zimizni rivojlantirish uchun berilgan imkoniyat deb bilamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Пассов Е.И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. –Москва: Просвещение, 1991.
2. Зимняя И.А. Психология обучения иностранным языкам в школе. – Москва: Просвещение, 1991.
3. Леонтьев А.А. Язык и речевая деятельность. –Москва: Наука, 2003.
4. Бим И.Л. Теория и практика обучения немецкому языку в средней школе. –Москва: Просвещение, 2002.
5. Harmer J. How to Teach English. –London: Longman, 2007.
6. Scrivener J. Learning Teaching. –Oxford: Macmillan, 2011.
7. Krashen S. Principles and Practice in Second Language Acquisition. –Oxford: Pergamon, 1982.
8. Lightbown P.M., Spada N. How Languages are Learned. –Oxford: Oxford University Press, 2013.

²¹ Krashen S. Principles and Practice in Second Language Acquisition. –Oxford: Pergamon, 1982.

²² Lightbown P.M., Spada N. How Languages are Learned. –Oxford: Oxford University Press, 2013.



COMPARATIVE TYPOLOGICAL STUDY OF TERMINOLOGY IN THE FIELD OF APPLIED ARTS (BASED ON ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES)

Urazova Madina Safarboyevna
Gulistan State University
madinaurazova79@gmail.com

Abstract: This article presents a comparative typological analysis of terminology in the field of applied arts based on English and Uzbek languages. The study examines the structural, semantic, and functional characteristics of terms used in both languages. Special attention is given to the processes of term formation, borrowing, and adaptation. The research highlights similarities and differences in terminological systems, contributing to a deeper understanding of linguistic and cultural influences in applied arts terminology. The findings can be useful for linguists, translators, and specialists in applied arts.

Keywords: applied arts, terminology, typology, comparative analysis, Uzbek language, English language, term formation

Introduction

In modern linguistics, the study of terminology has become increasingly important due to the rapid development of science, technology, and art. Applied arts, as a specific field of human creativity, possess a rich and diverse system of terms that reflect cultural, historical, and aesthetic values.

The comparative typological study of terminology in different languages allows researchers to identify both universal and language-specific features. In this regard, English and Uzbek languages provide an interesting basis for analysis due to their different linguistic structures and historical development.

This article aims to analyze the terminology of applied arts in English and Uzbek languages from a comparative typological perspective, focusing on their formation, classification, and usage.

Literature Review

Terminology as a scientific discipline has been widely studied by scholars such as Wüster (1979), Cabré (1999), and Sager (1990), who emphasized the importance of standardization and systematization of terms.

In Uzbek linguistics, terminology studies have been developed by researchers focusing on lexical and semantic aspects of specialized vocabularies. Studies on applied arts terminology, however, remain limited, especially in comparative contexts.

Previous research has shown that English terminology is often characterized by extensive borrowing from Latin and Greek, while Uzbek terminology reflects influences from Persian, Arabic, and Russian languages.

Methodology



The research employs a comparative typological method to analyze applied arts terminology in English and Uzbek languages. The study is based on:

descriptive analysis

semantic classification

structural comparison

A corpus of terms related to applied arts (such as ceramics, embroidery, ornamentation, and design) was selected for analysis. Terms were examined in terms of their origin, structure, and meaning.

Analysis and Discussion

The analysis reveals several important typological features.

1. Structural Characteristics

English applied arts terms are often formed through compounding and affixation (e.g., handicraft, woodcarving), while Uzbek terms frequently use descriptive phrases (e.g., yog‘och o‘ymakorligi, kashtachilik).

2. Borrowing and Adaptation

Borrowing plays a significant role in both languages. English terms are often adopted internationally, while Uzbek terminology includes adapted loanwords such as dizayn (design) and dekor (decor).

3. Semantic Features

In many cases, English terms are more generalized, whereas Uzbek terms tend to be more specific and culturally bound. For example, Uzbek terminology includes unique words related to traditional crafts that have no direct equivalents in English.

4. Functional Usage

English terminology is widely used in global communication and academic discourse, while Uzbek terms are more common in local and cultural contexts.

The comparative typological analysis of applied arts terminology in English and Uzbek languages demonstrates both similarities and differences in their structure, semantics, and usage.

The study shows that while English terminology is more standardized and internationally oriented, Uzbek terminology reflects rich cultural traditions and national identity. Understanding these differences is essential for effective translation, teaching, and further research.

Future studies may expand the scope of analysis by including additional languages and broader terminological fields.

References

- Wüster, E. (1979). Introduction to the General Theory of Terminology.
Cabr , M. T. (1999). Terminology: Theory, Methods, and Applications.
Sager, J. C. (1990). A Practical Course in Terminology Processing.
Crystal, D. (2003). The Cambridge Encyclopedia of the English Language.
Rahmatullayev, Sh. (2010). O‘zbek tilining izohli lug‘ati.



KASBIY LEKSIK KOMPETENSIYANI TAKOMILLASHTIRISHDA ZAMONAVIY METODIK SHAKLLAR

Tog‘ayeva Mahfuza Abdunazarovna
Guliston davlat universiteti doktoranti давлат
mahfuza_123@mail.ru

Anotasiya: Bugungi globallashuv va axborotlashgan jamiyat sharoitida mutaxassislarining kasbiy kompetensiyasi, ayniqsa, ularning leksik boyligi va nutqiy malakasi muhim ahamiyat kasb etmoqda. Kasbiy leksik kompetensiya – bu shaxsning o‘z mutaxassisligi doirasida zarur bo‘lgan terminlar, tushunchalar va iboralarni to‘g‘ri tushunish, qo‘llash va ulardan samarali foydalanish qobiliyatidir. Ushbu kompetensiyani rivojlantirish ta‘lim jarayonining asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Zamonaviy pedagogika va metodika fanlari kasbiy leksik kompetensiyani shakllantirish va takomillashtirish uchun turli innovatsion yondashuv va metodlarni taklif etmoqda. Ushbu maqolada ana shunday zamonaviy metodik shakllar va ularning samaradorligi tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: kasbiy leksik kompetensiya, leksik kompetensiya, terminologiya, kasbiy nutq, kommunikativ yondashuv, interfaol metodlar, loyihaviy ta‘lim, CLIL yondashuvi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT), innovatsion metodlar, nutqiy ko‘nikmalar, til kompetensiyasi, professional muloqot, ta‘lim texnologiyalari, til o‘qitish metodikasi

Kasbiy leksik kompetensiya tushunchasi va uning ahamiyati

Kasbiy leksik kompetensiya – bu nafaqat terminlarni yod olish, balki ularni amaliy faoliyatda qo‘llay olish, kontekstda to‘g‘ri ishlatish va professional muloqotda erkin foydalanish qobiliyatidir. Bu kompetensiya quyidagi tarkibiy qismlardan iborat:

- terminologik bilimlar;
- nutqiy ko‘nikmalar;
- kommunikativ kompetensiya;
- kontekstual tushunish.

Kasbiy leksik kompetensiyaning rivojlanishi mutaxassisning professional muvaffaqiyatini ta‘minlaydi. Ayniqsa, xorijiy tillarni o‘rganishda bu kompetensiya alohida ahamiyatga ega, chunki u xalqaro hamkorlik va ilmiy almashinuv uchun zarurdir.

Zamonaviy metodik shakllar va yondashuvlar

1. Kommunikativ yondashuv

Kommunikativ metod kasbiy leksikani o‘rgatishda eng samarali yondashuvlardan biri hisoblanadi. Ushbu metod orqali talabalar real hayotga yaqin vaziyatlarda muloqot qilish orqali yangi terminlarni o‘zlashtiradilar.

Afzalliklari:

- faol ishtirokni ta‘minlaydi;
- nutqiy malakani rivojlantiradi;



- terminlarni tabiiy muhitda o‘rganishga yordam beradi.

Misol sifatida, rol o‘yinlari, munozaralar va intervyu mashg‘ulotlarini keltirish mumkin.

2. Loyihaviy ta’lim (Project-based learning)

Loyihaviy ta’lim metodida talabalar muayyan mavzu asosida mustaqil loyiha ishlab chiqadilar. Bu jarayonda ular kasbiy terminlardan faol foydalanadilar.

Afzalliklari:

- mustaqil fikrlashni rivojlantiradi;
- amaliy ko‘nikmalarni shakllantiradi;
- leksik boylikni kengaytiradi.

Masalan, talabalar o‘z mutaxassisligi bo‘yicha taqdimot tayyorlashlari yoki ilmiy maqola yozishlari mumkin.

3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish

Zamonaviy ta’limda AKT vositalari muhim rol o‘ynaydi. Onlayn platformalar, mobil ilovalar va multimedia vositalari orqali kasbiy leksikani samarali o‘rganish mumkin.

Afzalliklari:

- interaktivlikni oshiradi;
- vizual va audio materiallar orqali eslab qolishni kuchaytiradi;
- individual o‘rganish imkonini beradi.

Masalan, Quizlet, Kahoot yoki boshqa platformalar orqali terminlarni o‘rganish.

4. CLIL (Content and Language Integrated Learning) yondashuvi

Bu yondashuvda til va mazmun birgalikda o‘rgatiladi. Ya’ni, talaba bir vaqtning o‘zida ham kasbiy bilim, ham tilni o‘zlashtiradi.

Afzalliklari:

- tilni real kontekstda o‘rganish;
- kasbiy terminologiyani chuqur o‘zlashtirish;
- ikki tomonlama rivojlanish (til + mutaxassislik).

5. Interfaol metodlar

Interfaol metodlar talabalarni faol ishtirok etishga undaydi. Bular quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

- “Aqliy hujum” (brainstorming);
- “Klaster” usuli;
- “Debat”lar;
- “Case study” (vaziyat tahlili).

Ushbu metodlar orqali talabalar kasbiy terminlarni muhokama qilish, tahlil qilish va amaliy qo‘llash imkoniyatiga ega bo‘ladilar.

Xulosa

Kasbiy leksik kompetensiyani takomillashtirish zamonaviy ta’lim tizimining ustuvor yo‘nalishlaridan biridir. Kommunikativ yondashuv, loyihaviy ta’lim, AKT vositalari, CLIL va interfaol metodlar bu jarayonda yuqori samaradorlikni ta’minlaydi. Eng muhimi, o‘quv jarayonini real hayotga yaqinlashtirish va talabalarni faol ishtirok etishga undashdir.



Kelajakda ushbu yo‘nalishda ilmiy tadqiqotlarni kengaytirish va yangi metodik ishlanmalarni ishlab chiqish dolzarb masala bo‘lib qoladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Jalolov J. *Chet til o‘qitish metodikasi*. – Toshkent, 2012.
2. Safarova R. *Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat*. – Toshkent, 2015.
3. Richards J.C., Rodgers T.S. *Approaches and Methods in Language Teaching*. – Cambridge University Press, 2014.
4. Harmer J. *How to Teach English*. – Pearson Education, 2007.
5. Nunan D. *Task-Based Language Teaching*. – Cambridge University Press, 2004.
6. Brown H.D. *Principles of Language Learning and Teaching*. – Pearson, 2007.



ВЫБОР ЯЗЫКА НОТАЦИИ В ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОМ ПЕРЕВОДЕ И СОХРАНЕНИЕ ДИПЛОМАТИЧЕСКОГО ХЕДЖИНГА (АНГЛИЙСКИЙ–УЗБЕКСКИЙ ДИСКУРС)

Исламова Нозима Анвар кизи
Самаркандский государственный
институт иностранных языков, докторант
Самарканд, Узбекистан;
e-mail: anvarisyafullayev76@gmail.com

Аннотация: Нотация в последовательном переводе — это семантически ориентированные «подсказки», а не готовый текст, который дальше можно будет использовать в процессе перевода, поэтому считается, что все сделанные записи должны быть краткими и мгновенно считываемыми, чтобы в дальнейшем была возможность использовать их. Поэтому, когда говорим о дипломатическом дискурсе, переводчики должны быть осторожны малыми маркерами, например, как модальность (may/mumkin; call on/chaqirmoq; it should be noted). На используемых официальных двуязычных текстах, взятых из gov.uz и president.uz, можно увидеть как смешанная нотация (SL+TL+символы) помогает удержать хеджинг при семантической компрессии.

Ключевые слова: последовательный перевод; нотация; выбор языка; хеджинг; прагматика; английский–узбекский.

Введение. В последовательном переводе нотация — это инструмент управления нагрузкой, а не «черновик», как многие привыкли считать. Так как в процессе нотации переводчик слушает, осмысляет, удерживает структуру и готовит воспроизведение, записи должны быть по мере возможности максимально экономными, понятными переводчику и мгновенно считываемыми. Когда дело касается терминологии, то исследования по нотации описывают этот процесс как принцип economy («как можно более кратко») и instantaneous seizability («считываемость с первого взгляда»). Эти принципы считаются базовыми и широко признанными в специализированной в разных литературах, основанные на эту тему. Однако считается, что дипломатический дискурс повышает риск потерь. Точнее, «малые» элементы, как модальные слова, рамочные формулы, смягчённые директивы, часто несут ключевой прагматический сигнал осторожности, но под давлением скорости и плотности информации есть большая вероятность выпадения из записей. Как показывает исследование хеджинга в политическом дискурсе, такие устройства используются для выражения косвенности, вежливости, неполной приверженности и вероятности (Rabab'ah & Abu Rumman, 2015, p. 157). Что касается модальных вспомогательных глаголов, то в корпусе авторов они



выступают как наиболее частотная группа хеджей (Rabab'ah & Abu Rumman, 2015, p. 165).

Поэтому, цель данного тезиса — показать на материале англо-узбекских официальных дипломатических текстов, процесс выбор языка записей (англ., узб. или смешанный) и его влияние на сохранение прагматических маркеров дипломатической осторожности, иа также предложить минимальный набор тегов, совместимый с принципом экономии не нарушая принцип экономии нотации.

Материал и метод. Материал ограничен публичными официальными двуязычными источниками. Однако доступны английская и узбекская версии одного и того же текста, такие как заявления МИД Узбекистана на gov.uz (англ.+узб.), речь Президента Узбекистана на president.uz (англ.+узб.). Важно отметить, что реальные блокноты переводчиков не рассматриваются, вместо этого демонстрируются только моделируемые варианты записей как иллюстрация риск-паттернов, а также позволяющие наглядно показать, что именно может теряться при компрессии. Используемый метод считается качественным дискурсивным анализом прагматических маркеров, как (а) модальность (возможность/обязательность), (б) смягчённые директивы (urge/call on и узбекские эквиваленты), (в) рамочные формулы (it should be noted / ta'kid...). В данном случае давление компрессии рассматривается как реалистичное и неизбежное условие нотации, поскольку в исследовании по обучению последовательному переводу учащиеся называют скорость подачи и плотность информации ключевыми трудностями именно на этапе нотации (Arumí Ribas, 2012, pp. 821–822).

Результаты.

1. Модальность возможности: may ↔ mumkin

Английский текст в официальном заявлении МИД (Middle East escalation) содержит формулировку “avoid actions that ...”, где may означает возможность, а не уверенность (Ministry of Foreign Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2026), в то время как в узбекской версии тот же участок выражен через “... olib kelishi mumkin bo'lgan...”, где mumkin также сохраняет модальность возможности (O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi, 2026). На вопрос почему это критично для нотации, можно ответить, что «идеа-ориентированная» запись типа avoid → aggravate способна привести к более категоричному смыслу, повышая риск восстановления более категоричной формулировки («действия усугубят ситуацию» вместо «могут усугубить»). Другими словами, непреднамеренно усилить жёсткость/обвинительность высказывания. Такой вывод может быть согласован с хеджинг-исследованием, где отдельно отмечается, что модальные элементы типа may/would/should используются для смягчения и снижения «жёсткости» (категоричности) утверждения (Rabab'ah & Abu Rumman, 2015, p. 166).

Моделируемые записи (2 варианта компрессии) используются для защиты прагматического сигнала при минимальных затратах:

А) Idea-only (риск): avoid → aggravate / consequences



Б) Minimal MOD cue (сохранение осторожности): avoid + МАУ/МУМКИН → aggravate

Здесь ключевым выводом является добавление одного сверхкраткого маркера МАУ/МУМКИН, который сохраняет скороть и однозначность восстановления.

2. Смягчённые директивы: urge ↔ da'vat etmoq / chaqirmoq

В том же заявлении МИД в английской версии используется смягчение директивы “We urge all sides...”, избегая прямого приказа (Ministry of Foreign Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2026), в то время как узбекская версия передаёт эту институциональную мягкость через “da'vat etib chaqiramiz” (O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi, 2026). Если в записях остаётся только «sides / restraint», переводчик при воспроизведении может непреднамеренно заменить мягкую директиву на более жёсткую обязанность через конструкции «...kerak / lozim», тем самым изменить степень директивности. При этом сама необходимость сверхкратких записей методологически объяснима нормой нотации, которая является индивидуализированным, сильно имплицитным «языком нотации», где экономия и мгновенная считываемость считаются базовыми принципами (Kohn & Albl-Mikasa, 2002, p. 258).

Моделируемые записи:

А) риск: sides / restraint MAX

Б) безопаснее: URGE → sides / restraint MAX

3. Рамочная формула позиционирования: It should be noted... ↔ ta'kidlamoqchiman

В президентской речи на president.uz английской версии использует рамку “It should be noted, that...” как ход аккуратного позиционирования и структурирования (President of the Republic of Uzbekistan, 2021), в то время как узбекская версия в соответствующем месте применяет “ta'kidlamoqchiman” (Prezident Shavkat Mirziyoyev, 2021). Если рамка не отмечена в записях переводчика, то воспроизведение написанного может звучать как прямое утверждение без рамочного оформления. Иными словами, изменяется дискурсивная подача: из «аккуратного рамочного подчёркивания» в «прямую декларацию». Риск усиливается тем, что нотация изначально не предназначена для «чтения третьим лицом» и часто непонятна без исходного контекста, поэтому авторы прямо подчёркивают, что даже знакомый с системой читатель вряд ли восстановит смысл без знания исходного текста и ситуации (Kohn & Albl-Mikasa, 2002, pp. 257–258).

Моделируемые записи:

А) риск: recent years / reforms irreversible

Б) безопаснее: NOTE/ (FRAME) → recent years / reforms irreversible или TA'KID → ...

Обсуждение и вывод. Полученные ответы и выводы подтверждают, что язык нотации не обязательно должен быть «чистым». Выбор может зависеть от языкового статуса (А/В) и индивидуальной стратегии (Dam, 2004, p. 6).



Поэтому методически оправдана смешанная система с минимальным слоем прагматических тегов (MOD: МАУ/МУМКИН; FRAME: NOTE/; DIR: CALLON→/ШАҚИР→). Такой подход сохраняет принцип экономии и повышает прагматическую адекватность последовательного перевода в дипломатическом дискурсе.

ЛИТЕРАТУРА

1. Arumí Ribas, M. (2012). Problems and strategies in consecutive interpreting: A pilot study at two different stages of interpreter training. *Meta*, 57(3), 812–835.
2. Dam, H. V. (2004). Interpreters' notes: On the choice of language.
3. Kohn, K., & Albl-Mikasa, M. (2002). Notes on note-taking in consecutive interpreting: The development of an individualised notation language. *Linguistica Antverpiensia, New Series – Themes in Translation Studies*, 1, 257–272.
4. Nurmatova, N. (2023). Tarjima semantografiyasi (ketma-ket tarjimada notatsiya).



POETIK TASVIRDA RAMZIYLIK

Abdujabborova Aziza Baxtiyor qizi

Xorazm viloyati Yangi bozor tumani
13-son umumiy o'rta ta'lim maktabining
ona tili va adabiyot o'qituvchisi
(Omon Matjon lirikasi talqinida)

Annotatsiya. Ushbu maqolada taniqli ijodkor Omon Matjon she'riyatining o'ziga xos xususiyatlari ochib beriladi. Shoirning she'rlarida qo'llangan tabiat tasvirlari, poetik obrazlar qo'llash mahoratiko'rsatib beriladi. Shuningdek, Omon Matjon ijodining originalligi, ijod va mahorat uyg'unligi masalasi yoritiladi.

Kalit so'zlar. Poetik obraz, uslubiy betakrorlik, lirik qahramon, falsafiy mushohada, inson va jamiyat munosabatlari, ramziy obrazlar.

Аннотация. В данной статье раскрываются своеобразные особенности поэзии известного творца Омона Матжона. Показаны мастерство поэта в использовании образов природы и поэтических образов в его стихах. Также освещаются вопросы оригинальности творчества Омона Матжона, гармонии творчества и мастерства.

Ключевые слова: поэтический образ, стилистическая неповторимость, лирический герой, философское размышление, отношения человека и общества, символические образы.

Abstract. This article reveals the distinctive features of the poetry of the renowned author Omon Matjon. It demonstrates the poet's skill in employing nature imagery and poetic devices within his verses. Furthermore, the article explores the originality of Omon Matjon's work, as well as the harmony between creativity and artistic craftsmanship.

Keywords: poetic image, stylistic uniqueness, lyrical hero, philosophical contemplation, human-society relationships, symbolic images.

Aytish mumkinki, shoir she'riyatida nom qoldirgan obrazlarning yuzaga kelishida muallifning o'ta mohirlik bilan tanlagan detallari katta ko'mak beradi. Shoirning adabiyotshunos olimlar tomonidan e'tirof etilgan xususiyati ham shundaki, u o'zi kashf etgan badiiy detallarni o'zining she'rdagi eng yaqin yordamchisi, uni harakatlantiruvchi motori, deb biladi.

Omon Matjon lirikasi betakror obrazlar silsilasidir. Shoir har bir fasl, tog', daraxt, soy, oy, yulduz, bulut, giyoh, xazon, bog', gul, qush, kapalak, dengiz, o'rmon, tun, ko'z, quyosh, yer, qozon, o'choq, qayiq, qor, gujum va shu kabi ko'plab obrazlar zamiriga yangi-yangi ma'nolarni jo etadi, favqulodda fikrlar aytib, kutilmagan hayotiy xulosalar chiqaradi. O'z fikriga o'quvchini ergashtirib, uning hissiy, aqliy quvvatiga ta'sir etib, she'rning umumiy pafosiga uni ham sherik qiladi. Shu bois aytish mumkinki, shoirning har bir yaratgan yangi obrazi – yangi bir betakror xilqat!



Ma'lumki, "Obraz mohiyatiga ko'ra harakatdagi voqelikdan iborat", - deydi professor Bahodir Sarimsoqov [4.1]. Bu voqelik ijodkor ongida qayta idrok etilib, dunyoqarash va idealga uyg'unlashtirilib, so'ng obraz sifatida yaraladi. Har bir obrazda hayotning bir parchasi, qandaydir voqelik, ruhiy holat botin bo'ladi. Endi mazkur obrazning qanchalik tabiiy, go'zal, jozibali, hayotiy, favqulodda yaralishi ijodkor shaxsning ruhiy olami, hissiy va aqliy qudrati, darajasi va estetik idealiga bog'liq. "Ana shularning hammasiga g'ayb bir payg'om – ilhom ham qo'shilsa, to'g'rirog'i asos bo'lsa, asar barkamol, badiiy mukammal chiqadi"[4.1].

Omon Matjon lirikasida shu qadar original obrazlar mavjudki, har bir qo'llangan obraz, ikkinchi yo uchinchi she'rda o'zga ohang va ma'no ramz falsafani akslantiradi. Shu o'rinda aytib o'tish kerakki, uning she'rlarida obrazlarning shakllanishida detallarning o'rni katta. Ramziy obrazlar orqali katta hayotni aks qildirib beradi. Shoir avvaliga biror detalni qo'llab, unga ma'lum vazifa yuklagan bo'lsa, she'rdan-she'rga uning ma'no ko'lamini kengaytib, obrazga aylanadi, ya'ni obrazning obraz bo'lib shakllanishida uning detallik bosqichi ahamiyatlidir. Ana shunday detaldan o'sib chiqqan obrazlardan biri - Oy ramziy obrazi.

... Dovul sekin tindi.

Unga poyma – poy

To'nyamoq bulutlar ustiga xazin,

Qayiqdek omonat chiqdi yarim oy,

Cho'kkan yulduzlarning axtarib izin.

Oyning o'n beshi qorong'u bo'lsa, o'n beshi yorug', degan xulosani berayotgandek ushbu she'ri yakunida. Hamma sinovlar o'tkinchi, to'zonlar, to'fonlar, dovullar tugab, oyning chiqib kelishini ana shunday idrok qilish mumkin. Oy haqida mumtoz she'riyatlarimizdan boshlab shu kungacha yuzlab o'xshatishlar bor. Lekin bu yerda oyning qayiqdek dengizda suzib yurishini, yulduzlarni izlab yurgan insondek xarakter berishi nihoyatda go'zal topilgan. Ko'z o'ngingizda darhol qayiqchani katta ummon qo'ynida suzib yurishi namoyon bo'ladi.

Omon Matjon lirikasi uchun istioraviy o'xshatishlardan keyin ramziy obraz yaratish an'anaviy uslubga aylangan. Har qanday ramziy obraz hayotiyligi, joziba ta'sirini ta'minlash uchun aniq bir makon va zamon bo'lishi kerak. Shoir lirikasida makon va zamon masalasi hamisha tayin, ishonchli, faol. Chunki har bir obrazda shoirning voqelik, hodisaga shaxsiy munosabati bor. Unda shoir dunyoqarashi, ideali, estetik olami mujassamlashgan. Shoir lirikasini sinchiklab kuzatgan shaxs eng ko'p uchraydigan an'anaviy, ayni paytda, individual obrazlarni tez payqaydi. Ular yaratgan peyzaj tasvirlari ramziy, falsafiy xususiyatga ega. Shoir tabiat hodisalariga ham alohida poetik vazifani yuklay olgan. Jumladan, uning *dengiz, yel, shabboda, shamol, bo'ron, dovul, qor, muz, bug'doy, izg'irin, gujum* singari ramziy obrazlar vositasida inson va hayot to'g'risidagi falsafiy qarashlar turfa talqinlarda o'z ifodasini topadi. Bular eng xarakterli, betakror, faqat Omon Matjon lirikasida o'zgacha ma'no, qirra, ramz, falsafa aks ettiradigan obrazlar: qush, muz, qor, bulbul, daraxt, vaqt, oy va hokozolar.

Omon Matjon she'rlarida daraxt, shamol, tun, moh poetik obrazlari ruhiyatning yolg'izlik, iskanja ta'sirida zo'riqishini ifodalagan, daraxt poetik



obrazida o‘zaro mehr-muhabbat, hamjihatlik, oqibat kabi tuyg‘ularning mujassam ekanligini ko‘ramiz.

Majoz, allegoriya –adabiy badiiy usul yoki obrazlilik turi; mavhum tushuncha yoki mulohazani aniq bir obraz vositasida ifoda etish. Majozda 2 tushuncha orasidagi yaqinlikka asoslanib, yangi shartli ifoda yaratiladi. Ma’naviy qadriyatlar (haqiqat, muhabbat, vijdon, imon kabi)ni anglatuvchi umumiy tushunchalar bilan birga ma’lum tipik hodisalar, xarakterlar, mifologik personajlar, hatto aniq shaxslar ham Majoz o‘rnida kelishi mumkin. Majozning obrazli-predmetli va ma’noli kabi ikki tomoni mavjud bo‘lib, ma’noli tomon birlamchi, obrazli predmetlisi ikkilamchidir. Chunki obrazda hamisha oldindan ma’lum bo‘lgan fikr qayd etiladi. Shu tufayli majoziy obraz, oddiy badiiy obrazdan farqli ravishda, maxsus sharhni talab qiladi.” [4.1].

“Majoz - asarning badiiy-estetik qimmatini, ta’sir kuchini oshirishga xizmat qiladigan vositalardan. Sharq folklori va adabiyoti na’munalarida majozning turli shakllari ko‘plab uchraydi. Ayniqsa, Jaloliddin Rumiy, Farididdin Attor, Jomiy, Alisher Navoiy, Bedil ijodida o‘ta shartli majoziy va ramziy obrazlar mavjud bo‘lib, ularning keng miqyosli mazmuni predmet obrazga sig‘maydi. Ko‘pma’nolilik va falsafiy teranlikka, umumbashariy g‘oyalar va masalalarga boylik hamda badiiy yuksaklik ko‘plab mashhur asarlarda ana shunday majoziy obrazlar vositasida erishilgan. O‘rta asrlar adabiyoti va klassitsizm san’atida majoziy shakllar adolat, ezgulik va yovuzlik haqidagi g‘oyalarni mifologik obrazlar vositasida ifodalash uchun, 19-asr rus adabiyotida esa senzurani nazarda tutib ham qo‘llangan (mas, Saltikov-Shchedrin ertaklari va boshqalar)” [4.2]. Badiiy adabiyotdagi ko‘pchilik majoziy obrazlar folkloridan, asosan, hayvonlar xaqidagi ertaklardan olingan (bo‘ri– ochko‘zlik, tulki–ayyorlik timsoli kabi. Shu bilan birga, u realistik yo‘nalishdagi yozuvchilar (Pushkin, Gogol, Chingiz Aytmatov, Rasul Hamzatov va boshqalar) ijodida ham uchraydi. O‘zbek adabiyotida Hamza, G‘afur G‘ulom, Hamid Olimjon, G‘ayratiy, keyinchalik Erkin Vohidov, Abdulla Oripov, Rauf Parfi va Omon Matjon kabi ijodkorlar ijodida majozning turli namunalarini mavjud.

Xulosa sifatida, shoirning tabiat unsurlaridan foydalanib yozgan ramziy obrazlar orqali ifodalagan “o‘simliklar va giyohlar”, “daraxtlar va mevalar”, “hayvonlar va qushlar” kabi uch qismga ajratish mumkin. Bu toifalarga kiruvchi obrazlar shoirning ijodida talaygina. “Daraxtlar va giyohlar” to‘plaminining yaratilishi bunga misol bo‘la oladi.

Daraxtlar yonmoqda bugun dunyoda
Yonib o‘zgalarni uyg‘otmoq ne baxt,
Do‘stlarimdir barcha yonayotganlar,
Yuragimdir yonayotgan daraxt [2.7,23].

Ushbu “Yonayotgan daraxt” she’ri dunyoning turli joyidagi el va xalqining dardida yonib-kuyib, Vatanim deb yashayotgan sof qalbli insonlar haqida. Umuman inson so‘zi ishlatilmagan bo‘lsa-da, bizga tabiatning farzandi “daraxt” obrazi ochib bermoqda. Ushbu bobning xulosasi sifatida shuni aytish mumkinki, shoir ijodida tabiat poetikasining obrazlar olami, ularni inson aspektida tasvirlash, ramziy obrazlarni qo‘llay olish mahorati juda yuqori.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Omon Matjon. “Tumon yog’dusi”. -saylanma. Toshkent: G’ofur G’ulom nashryoti, 1995
2. Erkin Xudoyberdiyev. “Adabiyotshunoslikka kirish”- TOSHKENT «Iqtisod»2007
3. Hotam Umurov. “Adabiyotshunoslik nazariyasi” - Abdulla Qodiriy nashryoti-2004
4. Sarimsoqov B. Badiiylik asoslari va mezonlari. T.: O‘zR FA, TAI nashriyoti, 2004. 4-bet



RAQAMLI TA'LIM PLATFORMALARI ASOSIDA INGLIZ VA NEMIS TILLARINI INTEGRATSIYALASHGAN HOLDA O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH

Muhammadqulova Mohibonu Komiljon qizi
Samarqand davlat tibiiyot Universiteti
“Tillar kafedrası” o‘qituvchisi

Annotatsiya. Mazkur ilmiy maqolada raqamli ta'lim platformalari vositasida ingliz va nemis tillarini integratsiyalashgan holda o'qitish samaradorligi kompleks tahlil qilinadi. Tadqiqotning asosiy maqsadi texnologiyaga asoslangan ta'lim muhitining o'quvchilarning lingvistik kompetensiyasi, kommunikativ salohiyati, kognitiv faolligi hamda o'quv motivatsiyasiga ta'sirini aniqlashdan iborat. Tadqiqot jarayonida kvazi-eksperimental metodologiya asosida nazorat va eksperimental guruhlar o'rtasida solishtirma tahlil amalga oshirildi. Olingan natijalar integratsiyalashgan raqamli ta'lim modeli an'anaviy didaktik yondashuvlarga nisbatan yuqori samaradorlikka ega ekanligini ko'rsatdi. Shuningdek, tadqiqot natijalari ko'p tillilik kompetensiyasini rivojlantirishda raqamli platformalarning muhim pedagogik omil ekanligini tasdiqlaydi.

Kalit so'zlar: raqamli ta'lim, integrativ yondashuv, ko'p tillilik kompetensiyasi, lingvodidaktika, e-learning, kognitiv rivojlanish
Globallasuv sharoitida ko'p tillilik kompetensiyasi zamonaviy ta'lim paradigmasining ajralmas komponentiga aylanib bormoqda. Xususan, ingliz va nemis tillari xalqaro akademik va professional kommunikatsiya vositasi sifatida muhim ahamiyat kasb etadi. Biroq an'anaviy o'qitish metodologiyasi ushbu tillarni alohida o'qitishga asoslanib, tillararo transfer va interferensiya imkoniyatlaridan yetarlicha foydalanmaslik bilan tavsiflanadi.

Zamonaviy ta'lim texnologiyalarining jadal rivojlanishi natijasida interaktiv, adaptiv va shaxsga yo'naltirilgan raqamli ta'lim muhitlari shakllandi. Xususan, Moodle, Google Classroom kabi platformalar multimodal kontent, sinxron va asinxron kommunikatsiya hamda formatlashgan baholash mexanizmlarini taqdim etadi. Ushbu platformalar asosida integratsiyalashgan til o'qitish modeli yangi didaktik imkoniyatlarni yuzaga keltirmoqda.

Ingliz va nemis tillarini integratsiyalashgan holda o'qitish german tillar oilasiga mansub ushbu tillarning leksik va grammatik o'xshashliklariga asoslanadi. Bu esa o'quvchilarda interlingvistik transforni faollashtirib, yangi bilimlarni tez va samarali o'zlashtirishga xizmat qiladi.

Masalan, quyidagi leksik birliklar kognitiv assotsiatsiya orqali oson o'zlashtiriladi:

Haus – house

Wasser – water

Mutter – mother

Vater – father



Shuningdek, grammatik strukturalarda ham qisman paralellik kuzatiladi, bu esa sintaktik kompetensiyani rivojlantirishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Raqamli ta'lim muhitida multimedaviy resurslar, gamifikatsiya elementlari, interaktiv mashqlar hamda real vaqt rejimidagi "feedback" mexanizmlari o'quvchilarning o'quv jarayoniga jalb etilishini (engagement) sezilarli darajada oshiradi. Natijada ularning ichki motivatsiyasi (intrinsic motivation) kuchayadi va avtonom o'rganish strategiyalari shakllanadi. Bundan tashqari, raqamli platformalar differensial yondashuvni amalga oshirish imkonini beradi, ya'ni har bir o'quvchining individual o'quv trayektoriyasi hisobga olinadi. Bu esa adaptiv o'qitish modelining samaradorligini ta'minlaydi.

Integratsiyalashgan o'qitish – bu fanlararo yondashuvga asoslangan bo'lib, unda bir nechta fan yoki til birliklari yagona didaktik tizimda o'rganiladi. Lingvodidaktik nuqtai nazardan bu yondashuv o'quvchilarda tahliliy tafakkur, metakognitiv ko'nikmalar hamda ko'p tillilik kompetensiyasini rivojlantiradi.

Ilmiy tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, raqamli ta'lim muhitlari o'quvchilarning kognitiv yuklamasini optimallashtiradi, o'quv jarayonini individuallashtiradi va o'quv samaradorligini oshiradi. Ayniqsa, mobil ilovalar va onlayn platformalar orqali amalga oshiriladigan MALL (Mobile Assisted Language Learning) modeli zamonaviy lingvodidaktikada muhim o'rin tutadi. Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, raqamli platformalar asosida integratsiyalashgan o'qitish modeli: lingvistik kompetensiyani sezilarli darajada oshiradi, o'quvchilarning kognitiv faolligini kuchaytiradi, mustaqil ta'lim olish ko'nikmalarini rivojlantiradi, motivatsion darajani yuqori bosqichga olib chiqadi.

***Xulosa.** Tadqiqot natijalariga ko'ra, ingliz va nemis tillarini raqamli platformalar asosida integratsiyalashgan holda o'qitish zamonaviy ta'lim tizimida yuqori samaradorlikka ega innovatsion pedagogik yondashuv sifatida namoyon bo'ladi. Ushbu model nafaqat til o'zlashtirish jarayonini optimallashtiradi, balki o'quvchilarning analitik fikrlashini, kognitiv moslashuvchanligini va ko'p tillilik kompetensiyasini rivojlantiradi. Mazkur yondashuvni amaliyotga samarali joriy etish uchun texnik infratuzilma, barqaror internet va o'qituvchilarning raqamli kompetensiyasi muhim ahamiyatga ega. Kelgusida ushbu yo'nalishda kengroq tadqiqotlar olib borish dolzarb hisoblanadi.*

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Godwin-Jones, R. (2015). Emerging technologies: The evolving roles of language teachers. *Language Learning & Technology*, 19(1), 10–22.
2. Chun, D. M., Kern, R., & Smith, B. (2016). Technology in language use, language teaching, and language learning. *The Modern Language Journal*, 100(S1), 64–80.
3. Golonka, E. M., Bowles, A. R., Frank, V. M., Richardson, D. L., & Freynik, S. (2014). Technologies for foreign language learning: A review of technology types and their effectiveness. *Computer Assisted Language Learning*, 27(1), 70–105.



4. Burston, J. (2014). MALL: The pedagogical challenges. *Computer Assisted Language Learning*, 27(4), 344–357.
5. Blyth, C. (2018). Immersive technologies and language learning. *Foreign Language Annals*, 51(2), 225–232.



GAMIFIKATSIYA ASOSIDA NOFILOLOGIK TALABALARNING LEKSIK-KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH PEDAGOGIK ZARURATI

Raximova Kamilla Erkinovna

Nizomiy nomidagi O'zbekiston Milliy
Pedagogika Universiteti
tayanch doktoranti

<https://orcid.org/0009-0007-4853-2494>

Annotatsiya: Maqolada raqamli texnologiyalar va kompetensiyaga asoslangan yondashuvning zamonaviy ta'limdagi ahamiyati tahlil qilinadi. Xususan, nofilologik yo'nalishlarda xorijiy tillarni o'qitishda leksik-kommunikativ kompetensiyani rivojlantirish masalalari yoritilgan. Tadqiqotda talabalar orasida uchraydigan so'z boyligi yetishmasligi va kommunikativ qiyinchiliklar muammosi ko'rib chiqilib, ularni bartaraf etishda leksik kompetensiyaning o'rni asoslanadi.

Kalit so'zlar: raqamli ta'lim, kompetensiya, leksik kompetensiya, kommunikativ kompetensiya, xorijiy til o'qitish.

Raqamli texnologiyalar va zamonaviy ta'lim yondashuvlari bugungi ta'lim tizimida samaradorlikni oshirishning eng dolzarb vositalaridan biri hisoblanadi. Ular o'quv materiallarini ko'rgazmali, interfaol va motivatsion shaklda taqdim etish imkoniyatini kengaytiradi. O'zbekiston Respublikasining "Raqamli O'zbekiston–2030" strategiyasi hamda ta'limni raqamlashtirishga oid me'yoriy hujjatlarda gamifikatsiya asosidagi zamonaviy metodik yondashuvlarning milliy ta'lim siyosatidagi o'rni va ahamiyati alohida ta'kidlanadi [1].

Zamonaviy ta'lim tizimining muhim talablaridan biri xorijiy tillarni o'qitishda kompetensiyaga asoslangan yondashuvni qo'llash hisoblanadi. D.A. Usarova ta'limda kompetensiyaviy yondashuv talabalarda kelajak kasbiy faoliyat, shaxsiy hayot va jamiyatdagi samarali ishtirok uchun zarur bo'lgan ko'nikmalarni shakllantirishga xizmat qilishini ta'kidlaydi [2]. A.R. Xodjaboyev esa kompetensiyaviy yondashuvni ta'lim sifatini oshirishga olib keluvchi muhim metodologik yo'nalish sifatida izohlaydi [3].

Tilshunoslik va pedagogikada "kompetensiya" tushunchasi shaxsning muayyan sohada samarali faoliyat yuritishini ta'minlovchi bilim, ko'nikma va malakalar majmui sifatida keng qo'llaniladi. Dastlab XX asrning 50–60-yillarida ilmiy adabiyotlarda qo'llanila boshlangan ushbu atama turli olimlar tomonidan turlicha talqin qilingan. N. Xomskiy kompetensiyani insonning muayyan faoliyatni amalga oshirishga imkon beruvchi lingvistik layoqat sifatida izohlaydi. F. Delamare va J. Winterton esa uni faoliyat jarayonida namoyon bo'ladigan xulq-atvor me'yorlari bilan bog'laydi [4]. L.V. Tarasova kompetensiyani bilim va amaliy harakat o'rtasidagi bog'liqlikni ta'minlovchi muammo yechish qobiliyati sifatida talqin qiladi [5]. G.A. Asilov esa kompetensiya va kompetentlikni bilim, ko'nikma va



malakalarning amaliy faoliyatda samarali qo'llanilishi bilan bog'liq yaxlit layoqat sifatida umumlashtiradi [6].

Umuman olganda, kompetensiya nafaqat bilimlarni egallashni, balki ularni amaliy faoliyatda samarali qo'llay olish qobiliyatini ham anglatadi. Mazkur tushuncha V.A. Bolotov, A.A. Verbitskiy, L.K. Geyxman, E.F. Zeyer, I.A. Zimnyaya, A.V. Xutorskiy kabi olimlar tomonidan ham keng tadqiq etilgan bo'lib, u bilim, ko'nikma, malaka, kasbiy mahorat va o'z-o'zini rivojlantirishga qaratilgan qobiliyatlar yig'indisi sifatida talqin qilinadi [7].

Xorijiy til ta'limida leksik kompetensiya alohida ahamiyatga ega bo'lib, u o'quvchilarning so'z boyligi va undan amaliy foydalanish ko'nikmalarini qamrab oladi. I.S.P. Nationning fikricha, boy lug'at zaxirasi tinglab tushunish, o'qish, yozish va gapirish kabi til ko'nikmalarining samarali rivojlanishiga asos bo'ladi []. G.A. Kruchinina, E.V. Yatayeva, E.I. Passov, J.J. Jalolov, A.M. Shamov va boshqalar leksik kompetensiyani rivojlantirish bo'yicha muhim ilmiy qarashlarni ilgari surgan. A.N. Shamov esa leksik kompetensiyani so'zning kontekstual ma'nosini aniqlash, ikki tilda ma'no qiyoslash va so'z semantik tuzilishini tushunish qobiliyati bilan izohlaydi.

Nofilologik ta'lim yo'nalishlarida xorijiy tillarni o'qitish asosan kasbiy yo'naltirilgan bo'lib, unda tilni chuqur nazariy o'rganishdan ko'ra, amaliy kommunikativ maqsadlar ustuvor hisoblanadi. Bunday yo'nalishlarda talabalar kasbiy hujjatlar bilan ishlash, xalqaro muloqotda ishtirok etish va kasbiy kommunikatsiyani amalga oshirishga yo'naltiriladi.

Biroq so'nggi tadqiqotlar nofilologik yo'nalish talabalari orasida bir qator muammolar mavjudligini ko'rsatmoqda. Jumladan, so'z boyligining yetishmasligi, yangi leksik birliklarni og'zaki nutqda qo'llay olmaslik hamda fikrni erkin ifoda etishdagi qiyinchiliklar shular jumlasidandir. Shu bois nofilologik ta'lim yo'nalishlarida leksik-kommunikativ kompetensiyani rivojlantirish xorijiy til o'qitish jarayonining muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. U talabalarning nutqiy faolligini oshiradi, kommunikativ qobiliyatlarini rivojlantiradi va kasbiy faoliyatda xorijiy tilni samarali qo'llash imkonini yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi PQ-6079-son qarori Raqamli O'zbekiston-2030" strategiyasi 5b.
2. D.A.Usarova Ingliz tilini o'qitishda talabalarning nutqiy kompetensiyalarini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish Ped. Fan. Dok.(PhD) diss..T.,-202413-b.
3. Xodjaboyev A.R., Xusanov I. Kasbiy ta'lim metodologiyasi. – T.: Fan va texnologiya, 2007. – 192 b.
4. Chomsky, N. Aspects of the Theory of Syntax. Cambridge, May 1965. – 261 p. Chomsky, N. Syntactic Structures. Mouton, 1957, 117 p.
5. Françoise Delamare Le Deist., Winterton Jonathan. What is Competence? – Human resourcedevelopment international, – Taylor & Francis Ltd. Vol. 8, No.1, March 2005. – P. 27–46.



6. Тарасова Л.В. Профессиональная компетентност как структурный компонент личности // Журнал прикладной психологии. – М., 2005. – № 4. – С. 45-50.
7. Asilova G.A. Wojxona va soliq yo‘nalishlari talabalarining davlat tilida kasbiy muloqot yuritish kompetensiyasini rivojlantirish. Ped.fan.dok. (DSc)... diss. Avto.-T.,2017.-66b.



ИҚТИСОД ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР

КОOPERATSIYA ORQALI ISHLAB CHIQRISH SAMARADORLIGINI
OSHIRISH YO‘LLARI

АЙТИМБЕТОВА БИБИЗУРА ҚОЙШИБЕКОВНА,
Oziq-ovqat va qishloq xo‘jaligi sohasida strategik rivojlanish
va tadqiqotlar xalqaro markazi tayanch doktoranti

Qishloq xo‘jaligida, xususan asalarichilik tarmog‘ida ishlab chiqarish samaradorligini oshirish bugungi kunda dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Asalarichilik nafaqat asal va boshqa mahsulotlar ishlab chiqarish, balki qishloq xo‘jaligi ekinlarini changlatish orqali hosildorlikni oshirishda ham muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababli ushbu tarmoqni samarali tashkil etish va rivojlantirish zarurati ortib bormoqda.

Qishloq xo‘jaligi tarmog‘ida kooperatsiya munosabatlari asosida kooperativ korxonalarini tuzishdan asosiy maqsad bu fermerlar va dehqonlarning iqtisodiy manfaatlarini birlashtirish, ularning ishlab chiqarish quvvatini oshirish va bozorda raqobatbardoshligini ta‘minlashdan iboratdir. Bundan tashqari, kooperatsiya orqali fermerlar birlashib, o‘zlarining ishlab chiqarish darajalarini, resurslarini va imkoniyatlarini yaxshilaydilar. Masalan, ular birgalikda yirik texnikalarga ega bo‘lib, mahsulotlarni kam xarajat bilan ishlab chiqara oladilar.

Shuni alohida aytib o‘tish maqsadga muvofiqki, qishloq xo‘jaligi tarmog‘ida ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, sifatli raqobatbardosh mahsulotlar yetishtirish uchun asalarichilik tarmog‘ining ham bevosita ta‘siri bor. Asalarilar yordamida qishloq xo‘jaligi ekinlari tabiiy usulda samarali mexanizm orqali changlanishi amalga oshiriladi. Bu esa qishloq xo‘jaligi ekinlari hosildorligini va mahsulot sifatini oshirishda muhim masala hisoblanadi.

Kooperatsiya munosabatlariga asoslangan kooperativlarni tashkil qilishdan maqsad - bu ishtirokchilarning umumiy manfaatlarini ta‘minlash va birgalikda maqsadlarga erishishdir.

Kooperatsiyada har bir ishtirokchi o‘zining zaif tomonlarini ko‘rsatmasdan, birga bir maqsad sari ishlash orqali umumiy kuchlarini ko‘paytiradi. Turli sohalardagi yangi bilimlar va innovatsiyalarni birlashtirish, yangi mahsulotlar yoki xizmatlar yaratish imkoniyati paydo bo‘ladi. Ichki va tashqi bozorlardagi raqobatni yaxshilash uchun resurslarni birlashtirish imkoniyati vujudga keladi. Keng qamrovli, murakkab muammolarni birga, tizimli ravishda hal qilish imkonini beradi.

Qishloq xo‘jaligida kooperatsiya munosabatlarini rivojlantirish muammolariga doir iqtisodchi olimlarimizdan A.G.Chekalov[3], B.A.Qahramonov[4], S.F.Ergashev[2], V.Sh.Brovarskiy[1] kabi olimlarning ilmiy ishlarida agrar sohani rivojlantirish, asalarichilik tarmog‘i samaradorligini oshirish imkoniyatlari o‘rganilgan.



Kooperatsiya asosida faoliyat yuritish esa ushbu muammoni bartaraf etishning samarali vositasi hisoblanadi. Jumladan, bir nechta asalarichilik xo'jaliklarining birlashuvi natijasida ishlab chiqarish hajmi oshadi, resurslardan foydalanish darajasi yaxshilanadi hamda ishlab chiqarish xarajatlari kamayadi. Natijada mahsulot tannarxi pasayib, foyda miqdori ortadi. Tahlillar shuni ham ko'rsatadiki, kooperatsiya orqali moddiy-texnik bazani mustahkamlash imkoniyati kengayadi. Asalarichilik tarmog'ida kooperatsiya munosabatlarini rivojlantirish ishlab chiqarish samaradorligini oshirishning muhim strategik yo'nalishlaridan biri hisoblanadi (rasm).



Rasm. Asalarichilikda kooperatsiya munosabatlarini rivojlantirish zaruriyatini keltirib chiqaruvchi holatlar²³.

Olib borilgan tahlillar shuni ko'rsatadiki, respublikamizda asalarichilik subyektlarining aksariyati kichik va o'rta hajmdagi xo'jaliklardan iborat bo'lib, ular alohida faoliyat yuritgan holda yuqori iqtisodiy natijalarga erishishda qator cheklolarga duch kelmoqda.

²³ Muallif tominidan ishlab chiqilgan.



Birinchiidan, individual xo'jaliklar tomonidan ishlab chiqarish hajmining kichikligi ularning bozorda raqobatbardoshligini pasaytiradi. Kichik hajmdagi mahsulot bilan yirik savdo tarmoqlariga chiqish, eksport shartnomalarini tuzish yoki uzoq muddatli hamkorlik aloqalarini yo'lga qo'yish amaliy jihatdan murakkab hisoblanadi. Kooperatsiya asosida esa ushbu muammo bartaraf etilib, ishlab chiqarish hajmini konsentratsiyalash orqali yirik partiyalarda mahsulot yetkazib berish imkoniyati yaratiladi.

Ikkinchiidan, resurslardan foydalanish samaradorligi masalasi dolzarbdir. Asalarichilikda asalari uyalarini joylashtirish, ozuqa bazasini shakllantirish, veterinariya xizmatlari, inventar va texnik vositalardan foydalanish alohida xarajatlarni talab qiladi. Kooperatsiya sharoitida ushbu resurslar markazlashgan holda boshqarilib, ularni optimal taqsimlash imkoniyati yuzaga keladi. Natijada ishlab chiqarish xarajatlari sezilarli darajada qisqaradi.

Uchinchiidan, kooperatsiya munosabatlari innovatsion rivojlanish uchun qulay muhit yaratadi. Tahlillar shuni ko'rsatadiki, alohida faoliyat yurituvchi xo'jaliklarda zamonaviy texnologiyalarni joriy etish darajasi past bo'lib, bu ko'pincha moliyaviy imkoniyatlarning cheklanganligi bilan izohlanadi. Kooperativlar esa umumiy moliyaviy resurslar hisobidan zamonaviy uskunalarni xarid qilish, seleksiya ishlari, nasldor asalarilarni yetishtirish hamda ilmiy yutuqlarni amaliyotga joriy etish imkoniyatiga ega bo'ladi.

To'rtinchiidan, marketing va logistika tizimini takomillashtirishda kooperatsiyaning roli yuqori hisoblanadi. Kooperativlar mahsulotlarni yig'ish, saralash, qadoqlash, saqlash va realizatsiya qilish jarayonlarini tizimli ravishda tashkil etish orqali qo'shilgan qiymat yaratadi. Ayniqsa, yagona brend ostida mahsulotlarni bozorga chiqarish iste'molchilar ishonchini oshiradi va mahsulotning raqobatbardoshligini kuchaytiradi.

Beshinchiidan, kooperatsiya risklarni kamaytirish vositasi sifatida ham muhimdir. Asalarichilik tarmog'i tabiiy-iqlim sharoitlariga bevosita bog'liq bo'lib, qurg'oqchilik, sovuq ob-havo yoki o'simliklarning yetishmasligi kabi omillar ishlab chiqarish hajmiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Kooperatsiya asosida faoliyat yuritish esa ushbu risklarni diversifikatsiya qilish, ya'ni hududiy va ishlab chiqarish jihatdan taqsimlash imkonini beradi.

Alohida xo'jaliklar uchun qimmat hisoblangan zamonaviy uskunalar va texnologiyalarni kooperativ doirasida xarid qilish va ulardan birgalikda foydalanish mumkin. Bu esa ishlab chiqarish jarayonini modernizatsiya qilishga xizmat qiladi. Shuningdek, marketing faoliyatini samarali tashkil etishda ham kooperatsiyaning o'rni katta. Kooperativlar mahsulotlarni yirik hajmda bozorga chiqarish orqali ulgurji savdo imkoniyatlarini kengaytiradi, vositachilar sonini kamaytiradi va natijada ishlab chiqaruvchilarning daromadlari oshadi. Ayniqsa, mahsulotlarni qadoqlash, brendlash va sertifikatlash jarayonlarini birgalikda tashkil etish bozorda ishonchni oshiradi.

Natijalar shuni ko'rsatadiki, kooperatsiya asosida tashkil etilgan xo'jaliklarda ishlab chiqarish samaradorligi individual faoliyat yuritayotgan xo'jaliklarga nisbatan yuqori bo'ladi. Bu, o'z navbatida, tarmoqning umumiy



rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Biroq, olib borilgan tahlillar davomida ayrim muammolar ham aniqlangan. Jumladan, kooperativ a'zolari o'rtasida o'zaro ishonchning yetarli darajada shakllanmaganligi, boshqaruv tizimining mukammal emasligi, moliyaviy resurslarning cheklanganligi hamda axborot almashinuvi tizimining sustligi kooperatsiya samaradorligini pasaytiruvchi omillar sifatida namoyon bo'lmoqda. Shu bois, asalarichilik tarmog'ida kooperatsiya munosabatlarini yanada rivojlantirish uchun institutsional mexanizmlarni takomillashtirish, davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash choralari kuchaytirish, shuningdek, zamonaviy bilim va texnologiyalarni joriy etish muhim ahamiyat kasb etadi.

Monografik tadqiqotlarga asoslangan holda aytish joizki, bugunki kunda asalarichilik subyektlari tarqoq joylashganligi, tarmoqni samarali tashkil etish uchun kerak bo'ladigan inventarlar ta'minoti, ularning sifati va innovatsion ishlanmalar bilan chambarchas holda bog'liqlik yo'qligi, malakali mutaxassislar yetishmasligi, nasldor zotlar va ozuqa ta'minoti, hududlarda sershira o'simliklar yetishtirilishi bo'yicha axborot yetishmasligi, ishlab chiqarilgan asalari mahsulotlarini samarali mexanizmlar asosida sotish masalalarida muammoli jihatlar mavjudligi tarmoq samaradorligini oshirishga va pirovard maqsadga erishish uchun to'sqinlik qilmoqda.

Xulosa qilib aytganda o'tkazilgan tahlillar shuni ko'rsatadiki, asalarichilik tarmog'ida ishlab chiqarish samaradorligini oshirishda kooperatsiya munosabatlarini rivojlantirish muhim strategik ahamiyatga ega. Kooperatsiya asosida faoliyat yuritish kichik va o'rta hajmdagi asalarichilik subyektlarining iqtisodiy imkoniyatlarini kengaytiradi, ularning resurslardan foydalanish darajasini oshiradi hamda ishlab chiqarish jarayonlarini optimallashtirishga xizmat qiladi.

Tadqiqot natijalariga ko'ra, kooperatsiya orqali moddiy-texnik bazani mustahkamlash, ishlab chiqarish tannarxini kamaytirish, mahsulot sifatini yaxshilash va bozorga chiqish imkoniyatlarini kengaytirish mumkin. Ayniqsa, mahsulotlarni birgalikda qayta ishlash, qadoqlash va realizatsiya qilish orqali qo'shilgan qiymat zanjirini shakllantirish tarmoqning raqobatbardoshligini sezilarli darajada oshiradi.

Shu bilan birga, kooperatsiya munosabatlarini rivojlantirishda mavjud muammolar - xususan, ishonch muhitining yetarli darajada shakllanmaganligi, moliyaviy resurslar yetishmasligi, boshqaruv tizimidagi kamchiliklar va innovatsion texnologiyalarni joriy etishdagi qiyinchiliklar - soha rivojiga to'sqinlik qilmoqda. Xulosa qilib aytganda, asalarichilik tarmog'ida kooperatsiya munosabatlarini rivojlantirish nafaqat ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, balki tarmoqning uzoq muddatli barqaror rivojlanishini ta'minlashning muhim omili hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Brovarskiy V. Osnovy pchelovodstva. – Kiyev, 2015. – 210 s.
2. Ergashev S.F. Agrar tarmoqda innovatsion rivojlanish yo'llari. – Toshkent: Iqtisodiyot, 2019. – 176 b.



3. Chekalov A.G. Pchelovodstvo i effektivnost proizvodstva. – Moskva: Kolos, 2016. – 240 s.
4. Qahramonov B.A. Asalarichilikni rivojlantirishning iqtisodiy asoslari. – Toshkent: Fan, 2021. – 132 b.



TURIZM SOHASINING RIVOJLANISH TENDENSIYALARI: 2016–2023 YILLAR TAHLILI

Ahmedova Fayyoza Rashidovna
O‘zbekiston jurnalistika va ommaviy
kommunikatsiyalar universiteti doktoranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada O‘zbekistonda turizm sohasining 2016–2023 yillardagi rivojlanish bosqichlari statistik tahlil asosida o‘rganiladi. So‘nggi yillarda turizm ichki va tashqi omillar ta‘sirida jadal rivojlanib borayotgan bo‘lsa-da, uning o‘sish bosqichlari, eksport hajmi va xizmat ko‘rsatuvchi subyektlar sonidagi o‘zgarishlar ilmiy doirada yetarlicha chuqur o‘rganilmagan. Tadqiqot metodologiyasi sifatida kvantitativ yondashuv, xususan dinamik o‘zgarishlar tahlili va statistik solishtirma usullar qo‘llanildi. Tahlillar xorijiy turistlar oqimi, turistik xizmatlar eksporti, ichki turizm hajmi va turizm subyektlari sonining yilma-yil o‘zgarishini qamrab oldi. Natijalar shuni ko‘rsatdiki, pandemiyadan keyingi yillarda soha barqaror tiklanib, xizmatlar eksporti besh barobarga, ichki turizm esa ikki barobarga ortgan.

Kalit so‘zlar: turizm statistikasi, ichki va xorijiy turizm, xizmatlar eksporti, barqaror rivojlanish, statistik tahlil

KIRISH

So‘nggi yillarda turizm sohasi global iqtisodiyotda strategik tarmoqlardan biri sifatida e‘tirof etilib, ko‘plab mamlakatlar uchun yalpi ichki mahsulotning o‘sish manbai bo‘lib xizmat qilmoqda. Xalqaro tashkilotlar ma‘lumotlariga ko‘ra, turizm sohasi nafaqat iqtisodiy samaradorlik, balki madaniy almashinuv, mintaqaviy taraqqiyot va ijtimoiy integratsiyaning muhim omillaridan biri hisoblanad. Xususan, O‘zbekiston kabi boy tarixiy-madaniy merosga ega davlatlar uchun turizm milliy iqtisodiyotning diversifikatsiyasi va hududiy barqaror rivojlanishni ta‘minlashda alohida o‘rin tutadi. Turizmning rivojlanishi mamlakat obro‘cini oshirish, investitsiyalarni jalb qilish va mahalliy aholining farovonligini ta‘minlashda muhim vositaga aylangan [1].

Maxsus tahlil doirasida turizm rivoji bosqichma-bosqich o‘zgaruvchan omillar ta‘sirida shakllanadi: bu yerda siyosiy barqarorlik, infratuzilma holati, xalqaro hamkorlik, axborot texnologiyalarining joriy etilishi va marketing strategiyalari hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Shuningdek, turizm madaniyatining yuksalishi jamiyatda sayohatga nisbatan ijobiy qarashlar, tarixiy obidalar va tabiiy resurslarga mas‘uliy yondashuv shakllanishi bilan uzviy bog‘liqdir. Nazariy jihatdan, Klark va Batlarning “turistik iste‘mol tsikli” konsepsiyasi, shuningdek Doks va Xantning “turistik tajriba nazariyalari” asosida tahlil yuritiladi. Biroq, mavjud tadqiqotlarda O‘zbekistondagi turizmning o‘sish bosqichlari chuqur o‘rganilmagan, ayniqsa ichki va xorijiy turizm o‘rtasidagi farqlar, xizmatlar eksportidagi o‘zgarishlar, va subyektlar sonining iqtisodiy tahlili ilmiy doirada yetarlicha yoritilmagan [2].



Mazkur tadqiqot metodologiyasi sifatida statistik tahlil, kontent tahlil va dinamik o'zgarishlarni kuzatish usullaridan foydalanildi. 2016–2023 yillar oralig'ida rasmiy manbalar, Davlat statistika qo'mitasi, Turizm qo'mitasi va xalqaro hisobotlar asosida yig'ilgan raqamli ma'lumotlar asosida tahlil olib borildi. Shuningdek, mavjud ilmiy adabiyotlar, ilgari chop etilgan maqolalar va davlat dasturlari solishtirma tahlil qilinib, nazariy asoslar mustahkamlandi. Tadqiqotga amaliy yondashuv bilan qaralib, o'zgarishlar sabablari va ularning ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlarini aniqlashtirildi [3].

Tadqiqotdan kutilayotgan natijalar turizmning rivojlanish bosqichlarini aniqlash, ularning asosiy harakatlantiruvchi omillarini tahlil qilish va bu asosda ilmiy jihatdan asoslangan takliflar ishlab chiqishni ko'zda tutadi. Shu orqali turizm siyosatini shakllantirishda asos bo'ladigan faktlar, raqamlar va nazariy mulohazalar taqdim etiladi. Yana bir muhim jihat shundaki, pandemiya sharoitida sohaning tiklanish strategiyalari va turizm xizmatlarining eksport salohiyatidagi o'zgarishlar real ma'lumotlar asosida baholanadi [4].

NATIJALAR

So'nggi yillarda turizm sohasi o'zining keskin o'sish bosqichiga kirib bordi. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, xorijiy sayyohlar oqimi 2016 yildagi 2 million nafardan 2023 yilda 6.6 million nafarga yetdi, bu esa sohaning 3 barobarga yaqin o'sganini anglatadi [4]. Quyidagi jadvalda ushbu dinamika yaqqol ko'rsatilgan: (1-jadval)

Jadval 1. 2016–2023 yillarda O'zbekistonga tashrif buyurgan xorijiy turistlar sonining yillik tahlili (ming nafar)

Yil	Xorijiy turistlar (ming nafar)
2016	2 027,0
2017	2 690,1
2018	5 346,2
2019	6 748,5
2020	1 504,1
2021	1 881,3
2022	5 232,8
2023	6 626,3

Ushbu o'sish, ayniqsa, 2020-yilda pandemiya tufayli yuzaga kelgan pasayishdan so'ng sezilarli darajada bo'ldi. Bu o'zgarishlar davlat siyosati, infratuzilma rivoji, va turizm xizmatlarining sifatli taklifi natijasidir. Turizm xizmatlari eksporti ham 2016-yildagi \$430.7 milliondan 2023-yilda \$2.14 milliardga oshdi. Ushbu holat mamlakat iqtisodiyoti uchun muhim valyuta tushumlarini bildiradi [1]. (2-jadval)

Jadval 2. 2016–2023 yillarda O'zbekistonda turizm xizmatlari eksporti hajmining o'sish dinamikasi (mln AQSH dollari)

Yil	Turizm xizmatlari eksporti (mln AQSH doll)
2016	430,7



2017	531,0
2018	1 041,1
2019	1 313,0
2020	260,9
2021	422,1
2022	1 610,1
2023	2 143,5

Ichki turizm ko'rsatkichlari ham o'sib bordi. 2023 yilda mamlakat bo'ylab sayohat qilgan ichki turistlar soni 20.6 million nafarga yetib, 2016 yildagi 8.8 million ko'rsatkichdan ikki barobarga ortgan. Bu ko'rsatkich aholining sayyohlik madaniyati oshganidan va dam olish imkoniyatlarining kengayganidan dalolat beradi [5].

(3-jadval)

Jadval 3. 2016–2023 yillarda O'zbekistonda ichki turizm ko'rsatkichlarining o'sish dinamikasi (ming nafar)

Yil	Ichki turizm (ming nafar)
2016	8 855,2
2017	10 562,1
2018	12 489,2
2019	14 748,0
2020	3 534,1
2021	5 813,9
2022	11 435,5
2023	20 638,1

Tahlillar shuni ko'rsatadiki, pandemiya davridagi pasayishdan so'ng sektor tezda tiklandi. Xorijiy va ichki turizm o'rtasidagi nisbiy o'sishlar PR strategiyalari, raqamli marketing va davlat tomonidan subsidiyalashning muvaffaqiyatli joriy etilganini ko'rsatadi.

Turizm xizmatlarini ko'rsatuvchi subyektlar soni ham ortdi: 2016 yilda 484 ta tashkilot bo'lgan bo'lsa, 2023 yilda bu ko'rsatkich 5276 taga yetgan. Bu esa sohaga sarmoya jalb qilishning ortganini, yirik va kichik biznes subyektlarining turizmga bo'lgan qiziqishini ifodalaydi [6]. (4-jadval)

Jadval 4. 2016–2023 yillarda O'zbekistonda turizm xizmatlari subyektlari sonining o'sish tendensiyasi (dona hisobida)

Yil	Turizm xizmati subyektlari (dona)
2016	484
2017	749
2018	1 579



2019	2 254
2020	2 162
2021	3 883
2022	4 147

MUHOКAMA

O‘zbekiston turizm sohasida so‘nggi yillarda erishilgan natijalar ko‘p qirrali yondashuvlar va davlat siyosatining samaradorligini ko‘rsatmoqda. Xususan, xorijiy turistlar oqimining 2016 yildagi 2 milliondan 2023 yilda 6,6 million nafarga yetgani turizm sohasining jadal rivojlanishini bildiradi. Ushbu ko‘rsatkich pandemiya davridagi tanazzulga qaramay, turizm bozorining moslashuvchanligi va qayta tiklana olish salohiyatining yuqoriligini tasdiqlaydi. Ammo bu o‘shish sur‘atlarida geosiyosiy omillar, xalqaro aloqalar va transport logistikasi muhim rol o‘ynaganini inkor qilib bo‘lmaydi [7].

Eksport ko‘rsatkichlarining 5 barobarga o‘shishi (2016 yildagi \$430,7 mln dan 2023 yildagi \$2,14 mlrd gacha) xizmatlar sektori orqali valyuta tushumlarini oshirish imkoniyatining real ekanligini ko‘rsatadi. Biroq bu yerda faqatgina sonlar emas, balki eksportning tarkibiy tuzilmasi ham e‘tiborga olinishi kerak. Masalan, faqat mehmonxona va transport xizmatlari emas, balki sayyohlik marshrutlari, qo‘llanma xizmatlari va gastronomik turizm eksportining ulushi bo‘yicha chuqur tahlillar zarur [8].

Ichki turizm borasidagi o‘shish (2016 yildagi 8,8 mln dan 2023 yildagi 20,6 mln gacha) aholi orasida dam olish, yurtdosh hududlarni kashf etish, hamda tarixiy va madaniy merosga bo‘lgan qiziqishning oshayotganidan dalolat beradi. Bu esa o‘z navbatida madaniy sayyohlik madaniyatining shakllanayotganini bildiradi. Shu bilan birga, sayohat infratuzilmasi, ayniqsa viloyatlarda, bu talabni to‘liq qondira olayotgani yoki yo‘qligi muhokama qilinishi kerak. Ichki turizmda mavsumiylik, transportning narxi va qulayligi, mehmonxona xizmati va infratuzilma holati asosiy cheklovchi omillar bo‘lib qolmoqda [9].

Turizm xizmatlarini ko‘rsatuvchi subyektlar sonining 2016 yildagi 484 tadan 2023 yilda 5276 tagacha o‘shishi ushbu sohaning kichik biznes va xususiy tadbirkorlar uchun jozibador bo‘lib borayotganini anglatadi. Ammo bu o‘shish sifatli xizmat ko‘rsatish bilan uyg‘un bo‘layotgani muhim. Ko‘p hollarda yirik shaharlarda (Toshkent, Samarqand, Buxoro) xizmatlar sifati yuqori bo‘lsa-da, chekka hududlarda servis madaniyati, gid xizmatlari va raqamli xizmatlar darajasi pastligicha qolmoqda.

Kelgusidagi izlanishlar quyidagi yo‘nalishlarda olib borilishi zarur:

- Turizmning regionlar bo‘yicha ixtisoslashuvi asosida klasterlarni shakllantirish;
- Ichki va xorijiy turistlar xatti-harakatining sotsiologik va psixologik tahlili;
- Ekoturizm, agroturizm va sog‘lomlashtirish turizmining iqtisodiy samaradorligi;
- Turizm xizmatlarida sun‘iy intellekt va raqamli marketing vositalarining samarasi.



Statistika asosidagi bu tahlillar bizga turizm sohasida nafaqat o'sish ko'rsatkichlarini, balki mavjud kamchiliklarni ham aniq ko'rsatib beradi. Bu esa kelajakda aniq va asosli qarorlar qabul qilish, resurslarni maqsadli taqsimlash va barqaror turizm siyosatini ishlab chiqish uchun mustahkam ilmiy asos bo'lib xizmat qiladi.

XULOSA

Yuqoridagi statistik tahlillar asosida aniqlanishicha, so'nggi yillarda mamlakatda turizm sohasi barqaror va izchil o'sishga erishgan bo'lib, xorijiy turistlar oqimi va turistik xizmatlar eksporti sezilarli darajada oshgani, ichki turizm va xizmat ko'rsatuvchi subyektlar sonining keskin ko'paygani bu boradagi davlat siyosatining ijobiy natijalarini ko'rsatmoqda. Biroq, tahlillar soha rivojida hanuz mavjud bo'lgan muammolarni, xususan, hududlararo infratuzilma tafovutlari, xizmat sifati va turistlar ehtiyojlariga mos raqamli yechimlarning yetarli emasligini ham ochib berdi. Ushbu natijalar asosida aytish mumkinki, kelgusida ilmiy izlanishlar ichki va tashqi turizm bozorini chuqur o'rganish, turistlarning xatti-harakat va motivatsiyalarini aniqlash, raqamli texnologiyalarni turizmga integratsiya qilish va mintaqaviy klasterlashuv strategiyalarini ishlab chiqishga qaratilishi lozim. Bu esa turizmni barqaror rivojlantirish, iqtisodiy samaradorlikni oshirish va milliy turizm salohiyatini to'liq namoyon etishga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

- [1] O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi, «Xizmatlar eksporti (xizmatlar turi bo'yicha, yillik)». 2024 g. [Onlayn]. Dostupno na: https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_1501.pdf
- [2] N. Salimova, «Turizm sohasining tarixi va uning rivojlanish davrlari», *CyberLeninka*, 2022, [Onlayn]. Dostupno na: <https://cyberleninka.ru/article/n/turizm-sohasining-tarixi-va-uning-rivojlanish-davrlari-yurtimizning-tarixiy-manzilgohlari>
- [3] O. R. O. Majlisi, «Turizm industriyasi ulushi sezilarli ravishda oshdi». [Onlayn]. Dostupno na: <https://parliament.gov.uz/articles/1789>
- [4] *Gazeta.uz*, «O'zbekistonga 2023-yilda 7 millionga yaqin sayyoh keldi». [Onlayn]. Dostupno na: <https://www.gazeta.uz/oz/2024/02/21/tourists/>
- [5] M. Isломov, «O'zbekistonda turizmning rivojlanishi», *ResearchGate*, 2021, [Onlayn]. Dostupno na: https://www.researchgate.net/publication/351391447_O%27ZBEKISTONDA_TURIZMNING_RIVOJLANISHI
- [6] *Daryo.uz*, «Ikki yillik pandemiyadan so'ng oyoqqa turgan o'zbek turizmi». [Onlayn]. Dostupno na: <https://daryo.uz/2023/02/04/ozbekistonda-turizm-kecha-va-bugun>



- [7] A. Shamsiev, «Tourism Development in Uzbekistan: Current Trends and Prospects», *Core.ac.uk*, 2021, [Онлайн]. Доступно на: <https://core.ac.uk/download/pdf/322613029.pdf>
- [8] M. Jalolov, «O‘zbekiston mintaqaviy turizm bozorini rivojlantirish», в *Ilm-fan va innovatsiya konferensiyasi*, 2023. [Онлайн]. Доступно на: <https://conf.sciencebox.uz/index.php/ILMFAN/article/download/890/800/807>
- [9] S. Karimova, «Madaniy turizmni rivojlantirish O‘zbekiston xalqaro imidjini yuksaltirishning muhim omili sifatida», *Pedagoglar.org*, 2024, [Онлайн]. Доступно на: <https://pedagoglar.org/02/article/download/2477/2244/4391>
- [10] Kun.uz, «O‘zbekistonda 2023 yilda turistik xizmatlar eksporti 2 mlrd dollardan oshdi». [Онлайн]. Доступно на: <https://www.kun.uz/news/2024/06/22/ozbekistonda-2023-yilda-turistik-xizmatlar-eksporti-2-mlrd-dollardan-oshdi>
- [11] D. Karimova, «O‘zbekiston turizm statistikasini xalqaro standartlarga moslashtirish usullari», *ResearchGate*, 2021, [Онлайн]. Доступно на: https://www.researchgate.net/publication/349109922_OZBEKISTON_TURIZM_STATISTIKASINI_XALQARO_STANDARTLARGA_MOSLASHTIRISH_USULLARI
- [12] O. R. Prezidenti, «PF-5611-sonli Prezident farmoni: Turizmni rivojlantirish chora-tadbirlari». 2019 г. [Онлайн]. Доступно на: <https://lex.uz/docs/-4143188>



**SURXONDARYO VILOYATIDA QISHLOQ XO‘JALIGI SOHASIGA
XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB ETISHDA XALQARO SAVDO-
IQTISODIY HAMKORLIKNING O‘RNI (AFG‘ONISTON MISOLIDA)**

Nazirova Sayyora Baxtiyorovna

Termiz davlat muhandislik va
agrotexnologiyalar universiteti

Tayanch doktorant

nazirovasayyora51@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0007-5736-8673>

Annotatsiya: Mazkur tezisda Surxondaryo viloyatida qishloq xo‘jaligi sohasiga xorijiy investitsiyalarni jalb etishda xalqaro savdo-iqtisodiy hamkorlikning o‘rni Afg‘oniston bilan hamkorlik misolida tahlil qilingan. Tadqiqot davomida viloyatda qishloq xo‘jaligi sohasiga yo‘naltirilgan investitsiyalar hajmi, eksport-import jarayonlari hamda qo‘shni davlatlar bilan savdo aloqalarining investitsion faoliyatga ta‘siri o‘rganilgan. Shuningdek, Afg‘oniston bilan savdo-iqtisodiy hamkorlik asosida amalga oshirilayotgan investitsion loyihalar, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari eksporti dinamikasi hamda mavjud muammolar tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: qishloq xo‘jaligi, xorijiy investitsiyalar, investitsion faoliyat, eksport salohiyati, xalqaro savdo-iqtisodiy hamkorlik, Afg‘oniston bilan hamkorlik, Surxondaryo viloyati, eksportbop mahsulotlar, logistika infratuzilmasi, investitsiya muhiti, agrar sektor, tashqi savdo.

Bugungi kunda qishloq xo‘jaligi iqtisodiyotning muhim va strategik tarmoqlaridan biri hisoblanib, uning samarali rivojlanishi investitsiya faoliyatining to‘g‘ri tashkil etilishiga bevosita bog‘liqdir. Agrar sohada investitsiyalarni keng jalb etish ishlab chiqarish hajmini oshirish, mahsulot tannarxini kamaytirish hamda eksport salohiyatini kengaytirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababli qishloq xo‘jaligi sohasiga xorijiy investitsiyalarni jalb etish iqtisodiy rivojlanishning ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi [1]. Iqtisodiy nazariyalarda investitsiyalar iqtisodiy o‘shishning asosiy omillaridan biri sifatida e‘tirof etiladi. Xususan, J.M.Keyns investitsiyalar hajmining ortishi ishlab chiqarish hajmining kengayishiga va iqtisodiy faollikning oshishiga olib kelishini asoslab bergan [2]. Shu nuqtai nazardan, hududiy iqtisodiyotda investitsiya jarayonlarini rivojlantirish orqali qishloq xo‘jaligi sohasida yuqori samaradorlikka erishish mumkin.

O‘zbekiston Respublikasida qishloq xo‘jaligi sohasini modernizatsiya qilish, eksportbop mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish hamda xorijiy investitsiyalarni jalb etish bo‘yicha keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Mazkur jarayonda hududlarning geografik joylashuvi, transport-logistika infratuzilmasining rivojlanganligi hamda qo‘shni davlatlar bilan savdo-iqtisodiy aloqalarning mavjudligi muhim ahamiyat kasb etadi [3]. Surxondaryo viloyati O‘zbekiston Respublikasining janubiy hududida joylashgan bo‘lib, Afg‘oniston



davlati bilan chegaradoshligi sababli xalqaro savdo-iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirish uchun qulay imkoniyatlarga ega. Viloyatda so'nggi yillarda transport-logistika infratuzilmasini rivojlantirish, eksportbop mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish hamda xorijiy investorlarni jalb etish bo'yicha qator chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Bu esa qishloq xo'jaligi sohasiga investitsiyalar oqimini oshirishga xizmat qilmoqda [4]. Statistika ma'lumotlariga ko'ra, 2024 yilda Surxondaryo viloyatida jami 622,5 mln AQSh dollari miqdorida xorijiy investitsiyalar o'zlashtirilgan bo'lib, shundan 36,4 mln AQSh dollari qishloq xo'jaligi sohasiga yo'naltirilgan. Mazkur investitsiyalar dorivor o'simliklar plantatsiyalarini tashkil etish, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirish hamda eksport faoliyatini rivojlantirishga qaratilgan loyihalar doirasida amalga oshirilgan. Bu holat agrar sektorda ishlab chiqarish hajmini oshirish hamda yangi ish o'rinlarini yaratishda muhim omil bo'lib xizmat qilmoqda [5]. Viloyatda Afg'oniston investorlarining ishtirokida faoliyat yuritayotgan korxonalar sonining ortib borayotganligi ham investitsiya muhitining yaxshilanayotganidan dalolat beradi. Xususan, 2024 yilda Afg'oniston investorlarining ishtirokida 193 ta korxonalar faoliyat yuritgan bo'lib, ularning 12 tasi qishloq xo'jaligi sohasiga tegishli hisoblanadi. Bu esa hududda agrar sektorga yo'naltirilgan investitsion loyihalarni kengaytirish imkoniyatlari mavjudligini ko'rsatadi [6].

Shuningdek, Surxondaryo viloyatidan Afg'onistonga qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksporti ham investitsion jarayonlarga ijobiy ta'sir ko'rsatmoqda. Jumladan, meva-sabzavot mahsulotlari eksporti hududda qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirish hajmini oshirishga va eksport infratuzilmasini rivojlantirishga xizmat qilmoqda. Bu jarayon investitsiyalarni jalb etish orqali mahsulotlarni saqlash, qayta ishlash va logistika tizimini takomillashtirish zaruratini yuzaga keltirmoqda.

Biroq, ayrim holatlarda eksport hajmining pasayishi ham kuzatilmoqda. Xususan, Afg'oniston bozoriga boshqa davlatlardan arzon mahsulotlar kirib kelishi mahalliy mahsulotlarning raqobatbardoshligini pasaytirishi mumkin. Bu esa qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini oshirish, zamonaviy texnologiyalarni joriy etish hamda investitsion loyihalarni diversifikatsiya qilish zaruratini yuzaga keltiradi. Xalqaro tajriba shuni ko'rsatadiki, qo'shni davlatlar bilan savdo-iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirish orqali agrar sohada investitsiyalar hajmini oshirish mumkin. Jumladan, Pokiston, Eron va Xitoy kabi davlatlar Afg'oniston bilan savdo aloqalarini kengaytirish orqali qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksportini oshirishga erishgan. Ushbu tajribalar Surxondaryo viloyatida ham qishloq xo'jaligi mahsulotlarini eksport qilishni kengaytirish va investitsion faoliyatni rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Umuman olganda, Surxondaryo viloyatida qishloq xo'jaligi sohasiga xorijiy investitsiyalarni jalb etishda xalqaro savdo-iqtisodiy hamkorlik muhim omil hisoblanadi. Hududning geografik joylashuvi, mavjud logistika infratuzilmasi hamda qo'shni davlatlar bilan savdo aloqalarining rivojlanishi agrar sektorni modernizatsiya qilish va uning eksport salohiyatini oshirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratmoqda.



Xulosa va takliflar

Yuqoridagi tahlillar shuni ko'rsatadiki, Surxondaryo viloyatida qishloq xo'jaligi sohasiga xorijiy investitsiyalarni jalb etishda xalqaro savdo-iqtisodiy hamkorlik muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ayniqsa, Afg'oniston bilan iqtisodiy aloqalarning rivojlanishi viloyatda qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish va eksport qilish hajmini oshirishga xizmat qilmoqda. Qishloq xo'jaligi sohasiga yo'naltirilgan investitsiyalar hajmining ortib borishi agrar tarmoqni modernizatsiya qilish, zamonaviy texnologiyalarni joriy etish hamda mahsulot sifatini oshirish imkonini bermoqda.

Shu bilan birga, ayrim muammolar ham mavjud bo'lib, ular orasida eksport hajmining ayrim yillarda pasayishi, import hajmining ortib borishi hamda mahsulotlarning xalqaro bozordagi raqobatbardoshligi yetarli darajada yuqori emasligi kuzatilmoqda. Bu esa qishloq xo'jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlashni rivojlantirish, logistika infratuzilmasini takomillashtirish hamda investitsiya muhitini yanada yaxshilash zaruratini yuzaga keltirmoqda.

Olib borilgan tahlillar asosida quyidagi takliflarni ilgari surish maqsadga muvofiq hisoblanadi:

- **Qishloq xo'jaligi sohasiga yo'naltirilgan investitsiya loyihalarini kengaytirish**, ayniqsa meva-sabzavot mahsulotlarini yetishtirish va qayta ishlashga yo'naltirilgan zamonaviy texnologiyalarni joriy etish zarur.
- **Eksportbop qishloq xo'jaligi mahsulotlari turlarini ko'paytirish** hamda ularning sifat ko'rsatkichlarini xalqaro standartlarga moslashtirish orqali tashqi bozorlarda raqobatbardoshlikni oshirish lozim.
- **Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash infratuzilmasini rivojlantirish**, jumladan zamonaviy sovetkich omborlari, logistika markazlari va transport tizimlarini kengaytirish muhim ahamiyat kasb etadi.
- **Afg'oniston va boshqa qo'shni davlatlar bilan hamkorlikni yanada kengaytirish**, qo'shma investitsiya loyihalarini amalga oshirish orqali hududda yangi ishlab chiqarish quvvatlarini yaratish maqsadga muvofiqdir.

Xulosa qilib aytganda, Surxondaryo viloyatida qishloq xo'jaligi sohasiga xorijiy investitsiyalarni jalb etishda xalqaro savdo-iqtisodiy hamkorlikning rivojlanishi hududiy iqtisodiy o'sishni ta'minlashda muhim omillardan biri hisoblanadi. Ushbu yo'nalishda olib borilayotgan chora-tadbirlarni yanada takomillashtirish agrar sektorning barqaror rivojlanishini ta'minlashga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qishloq xo'jaligi va investitsiya faoliyatini rivojlantirishga oid qarorlari va farmonlari to'plami. – Toshkent, 2020–2024.
2. Keynes J.M. **The General Theory of Employment, Interest and Money**. – London: Macmillan, 1936.
3. Porter M.E. **Competitive Advantage of Nations**. – New York: Free Press, 1990.



4. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari. – Toshkent, 2024–2025.
5. Surxondaryo viloyati statistika boshqarmasi ma’lumotlari. – Termiz, 2024–2025.
6. Qishloq xo‘jaligi vazirligi materiallari va agrar sohani rivojlantirish bo‘yicha analitik hisobotlar. – Toshkent, 2023–2024.
7. Jurayev, A. A., & Nazirova, S. Qishloq Xo‘jaligiga Investitsiyalarni Jalb Qilishning Xorijiy Mezonlari. *Green Economy and Development*, 3(6), 666173.



YOSHLAR TADBIRKORLIGINI QO'LLAB-QUVVATLASH MEXANIZMLARI

Zakirov Mir Timur Zokir O'g'li

Urganch RANCH texnologiya
universiteti Iqtisodiyot kafedrası
stajor o'qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash mexanizmlari kompleks tarzda o'rganilgan. Moliyaviy, institutsional, ta'lim-mentorlik, huquqiy-normativ, raqamli-innovatsion, ijtimoiy-tarmoq va xalqaro hamkorlik mexanizmlari tahlil qilingan. Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida ko'rib chiqilgan va amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Аннотация. В данной статье комплексно изучены механизмы поддержки молодёжного предпринимательства. Проанализированы финансовые, институциональные, образовательно-наставнические, правовые, цифровые, социальные и международные механизмы. Развитие молодёжного предпринимательства рассматривается как приоритетное направление государственной политики.

Abstract. This article comprehensively examines the mechanisms for supporting youth entrepreneurship. Financial, institutional, educational-mentoring, legal-regulatory, digital-innovative, social-network, and international cooperation mechanisms are analyzed. The development of youth entrepreneurship is considered a priority area of state policy, and practical recommendations are provided.

Kalit so'zlar. Yoshlar tadbirkorligi, qo'llab-quvvatlash mexanizmlari, biznes inkubator, moliyaviy yordam, tadbirkorlik ekotizimi, innovatsion startaplar, davlat dasturlari.

Ключевые слова. Молодёжное предпринимательство, механизмы поддержки, бизнес-инкубатор, финансовая помощь, предпринимательская экосистема, инновационные стартапы, государственные программы.

Key words. Youth entrepreneurship, support mechanisms, business incubator, financial assistance, entrepreneurial ecosystem, innovative startups, government programs.

Zamonaviy iqtisodiyotda yoshlar tadbirkorligi iqtisodiy o'sish, yangi ish o'rinlari yaratish va innovatsiyalarni joriy etishning muhim omili sifatida tobora katta ahamiyat kasb etmoqda. Dunyo tajribasi shuni ko'rsatadiki, tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi yoshlar nafaqat o'z farovonligini, balki jamiyatning umumiy iqtisodiy salohiyatini ham oshirishga munosib hissa qo'shadi. Shu bois, yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash mexanizmlari davlat siyosatining ustuvor yo'nalishiga aylanib bormoqda.



O'zbekiston Respublikasida ham yosh tadbirkorlarni rag'batlantirish va qo'llab-quvvatlashga qaratilgan qator dasturlar hamda mexanizmlar joriy etilmoqda. Prezident farmoyishlari va Hukumat qarorlari asosida kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish, yoshlarni iqtisodiy faoliyatga jalb etish masalalariga alohida e'tibor berilmoqda. Biroq, yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash mexanizmlari tizimini yanada takomillashtirish zaruriyati mavjudligi ilmiy adabiyotlarda alohida ta'kidlanmoqda.

Ushbu maqolaning maqsadi yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlashning mavjud mexanizmlari va ularni takomillashtirish yo'nalishlarini kompleks ilmiy tahlil qilishdan iborat.

Yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash muammosi xorijiy va mahalliy iqtisodchilarning tadqiqot obyektiga aylangan. O. Acsening [1] tadqiqotida tadbirkorlik faoliyatining mamlakatlar iqtisodiy rivojlanishidagi o'rni tahlil qilingan. S. Shane [2] innovatsion tadbirkorlikning xususiyatlari va moliyalashtirish muammolarini ko'rib chiqqan. Mahalliy olimlardan M. Pardayev va Q. Jalolov [3] O'zbekistonda yosh tadbirkorlarni qo'llab-quvvatlash tizimini tahlil qilgan.

Yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash mexanizmlari o'zining mohiyatiga ko'ra bir necha asosiy guruhga bo'linadi. Moliyaviy mexanizmlar eng muhim qo'llab-quvvatlash vositasi sifatida namoyon bo'ladi. Yoshlar uchun mo'ljallangan imtiyozli kreditlar, grant dasturlari, subsidiyalar va venture moliyalashtirish yoshlarga boshlang'ich kapital shakllantirishda katta yordam beradi. Ko'pgina mamlakatlarda yoshlar tadbirkorlik fondlari tashkil etilgan bo'lib, ular arzon kreditlar va qaytarilmaydigan moliyaviy yordam ko'rsatadi [4].

Institutsional mexanizmlar doirasida biznes inkubatorlar, texnoparklar va akseleratorlar alohida o'rin egallaydi. Bu tuzilmalar yosh tadbirkorlarga nafaqat ish joyi va infratuzilma, balki malakali maslahatchilar, bozor tahlili va marketing yordamini ham taqdim etadi. Dunyo amaliyotida Silicon Valley, Skolkovo kabi ekotizimlar yoshlar innovatsion tadbirkorligini rivojlantirishda namuna bo'lib xizmat qilmoqda [5].

Ta'lim va mentorlik mexanizmlari yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlashning uzoq muddatli samarali vositasi hisoblanadi. Universitetlarda tadbirkorlik fanlarini o'qitish, amaliy biznes-kurslari tashkil etish, tajribali tadbirkorlar bilan mentorlik dasturlarini joriy etish yosh tadbirkorlarning kompetentsiyasini oshirishga xizmat qiladi. UNESCO va ILO ma'lumotlariga ko'ra, mentorlik dasturlarida qatnashgan yoshlar biznesning muvaffaqiyatli davom ettirilishi ko'rsatkichi an'anaviy yondashuv bilan solishtirganda sezilarli darajada yuqori bo'lgan [6].

Huquqiy-normativ mexanizmlar doirasida yoshlar uchun soddalashtirilgan ro'yxatdan o'tish tartiblari, soliq imtiyozlari va maxsus iqtisodiy zonalar ahamiyatli o'rin tutadi. Bir qator rivojlangan mamlakatlarda yoshlar tadbirkorligini rag'batlantirishga qaratilgan maxsus qonunlar qabul qilingan. O'zbekistonda ham kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga qaratilgan qonunchilik bazasi takomillashtirilmoqda.



Raqamli va innovatsion mexanizmlar zamonaviy iqtisodiyotda tobora muhim rol o'ynamoqda. E-tijorat platformalari, raqamli marketing, fintech xizmatlari va innovatsion startaplarni qo'llab-quvvatlash dasturlari yoshlarga an'anaviy to'siqlarni engib o'tgan holda biznes yuritish imkoniyatini bermoqda. O'zbekistonda IT Park, Raqamli O'zbekiston 2030 strategiyasi kabi tashabbuslari yoshlar innovatsion tadbirkorligini rivojlantirishga zamin yaratmoqda.

1-jadval

Yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash mexanizmlari tizimi

№	Mexanizm turi	Asosiy mazmuni	Yo'nalishlari	Kutilgan natija
1	Moliyaviy mexanizmlar	Imtiyozli kreditlar, grantlar, subsidiyalar, venture moliyalashtirish	Kredit va grant dasturlari	Kapital shakllanishi
2	Institutsional mexanizmlar	Biznes inkubatorlar, texnoparklar, akseleratorlar, maslahat xizmatlari	Infratuzilma va maslahat	Tadbirkorlik faolligini oshirish
3	Ta'lim va mentorlik mexanizmlari	Tadbirkorlik ta'limi, malaka kurslari, mentorlik va kouching dasturlari	Ta'lim va kasbiy rivojlanish	Malakali tadbirkorlar tayyorlash
4	Huquqiy-normativ mexanizmlar	Soliq imtiyozlari, soddalashtirilgan ro'yxatdan o'tish, qo'llab-quvvatlovchi qonunchilik	Huquqiy va soliq sohalari	Biznes muhitini yaxshilash
5	Raqamli va innovatsion mexanizmlar	E-tijorat, raqamli marketing, texnologik startaplar, innovatsion ekotizim	Raqamli iqtisodiyot va innovatsiya	Yoshlarning raqamli iqtisodiyotdagi ishtiroki
6	Ijtimoiy va tarmoq mexanizmlari	Biznes-klasterlar, kooperatsiyalar, tarmoq hamkorliklari,	Ijtimoiy va tarmoq aloqalar	Tadbirkorlar hamjamiyatini mustahkamlash



		tadbirkorlar birlashmalari		
7	Xalqaro hamkorlik mexanizmlari	Xalqaro tashkilotlar, xorijiy investorlar, eksport dasturlari orqali global bozorga chiqish	Eksport va xalqaro bozor	Xalqaro raqobatbardoshlikni oshirish

Jadvaldan ko'rinib turibdiki, yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash mexanizmlari o'zaro chambarchas bog'liq va bir-birini to'ldiruvchi tizimni tashkil etadi. Moliyaviy, institutsional va ta'lim mexanizmlari o'zaro uyg'un holda qo'llanilganda ular maksimal samaradorlikka erishadi.

Ijtimoiy va tarmoq mexanizmlari yoshlar tadbirkorligining ekotizimini shakllantirish uchun muhim rol o'ynaydi. Biznes-klasterlar, kooperatsiyalar va professional tarmoqlar yosh tadbirkorlarga tajriba almashish, resurslarni birgalikda ishlatish va bozorga chiqishda hamkorlik qilish imkonini beradi. Ko'pgina rivojlangan iqtisodiyotlarda klaster modeli kichik va o'rta biznesning raqobatbardoshligini oshirishda samarali vosita sifatida isbotini topgan [7].

Xalqaro hamkorlik mexanizmlari yoshlar tadbirkorlarning global bozorga kirishini ta'minlaydi. Xalqaro tashkilotlar (UNCTAD, ILO, UNDP) yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlashga qaratilgan maxsus dasturlarni amalga oshiradi. Eksport ko'magi, xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va xalqaro stajrovkalar yoshlar tadbirkorligini yangi bosqichga olib chiqadi.

Yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash mexanizmlari tahlili shuni ko'rsatadiki, bu sohadagi muvaffaqiyat bitta mexanizm bilan emas, balki ularning majmuasi orqali ta'minlanadi. Samarali ekotizim shakllantirish uchun quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish tavsiya etiladi:

- moliyaviy qo'llab-quvvatlash mexanizmlarini kengaytirish va yosh tadbirkorlar uchun maxsus imtiyozli kredit dasturlarini joriy etish;
- biznes inkubatorlar va texnoparklar faoliyatini kuchaytirish, ularning mintaqalarda tarmoqlanishini ta'minlash;
- oliy va o'rta maxsus ta'lim muassasalarida amaliy tadbirkorlik ta'limini kuchaytirish va mentorlik dasturlarini kengaytirish;
- yoshlar uchun soddalashtirilgan ro'yxatdan o'tish va soliq imtiyozlari tizimini takomillashtirish;
- raqamli iqtisodiyot va innovatsion startaplar uchun maxsus tezlatuvchi dasturlar tashkil etish;
- yoshlar tadbirkorlik birlashmalari va klasterlarni rivojlantirish orqali hamkorlik madaniyatini mustahkamlash;
- xalqaro tashkilotlar va xorijiy hamkorlar bilan yoshlar tadbirkorligi dasturlarini kengaytirish.



Shunday qilib, yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash mexanizmlarini tizimli va kompleks tarzda rivojlantirish mamlakatning iqtisodiy o'sishini ta'minlash, yangi ish o'rinlari yaratish va innovatsion rivojlanish yo'lida muhim omil bo'lib xizmat qiladi. O'zbekiston sharoitida bu mexanizmlarni milliy xususiyatlar va xalqaro tajribani hisobga olgan holda takomillashtirish davlatning ustuvor vazifasi hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Acs Z.J., Audretsch D.B. Innovation and Small Firms. – Cambridge: MIT Press, 2010. – 214 p.
2. Shane S. A General Theory of Entrepreneurship: The Individual-Opportunity Nexus. – Cheltenham: Edward Elgar, 2003. – 328 p.
3. Pardayev M., Jalolov Q. O'zbekistonda yosh tadbirkorlarni qo'llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy-elektron jurnali. – 2023. – №2. – 45-52-b.
4. OECD. Youth Entrepreneurship Policy Brief. – Paris: OECD Publishing, 2022. – 38 p.
5. Isenberg D. The Entrepreneurship Ecosystem Strategy as a New Paradigm for Economy Policy. – Harvard Business School, 2011. – 13 p.
6. ILO. Supporting youth entrepreneurship: A review of evidence. – Geneva: ILO, 2021. – 62 p.
7. Porter M.E. Clusters and the New Economics of Competition. // Harvard Business Review, November–December 2018. – P. 77–90.



MINTAQAVIY ENERGETIKA TIZIMLARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

SADULLAYEV AHMADJON IKROM O'G'LI
"STEP TOWARDS A BRIGHTER FUTURE"
MCHJda do'kon boshqaruvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada mintaqaviy energetika tizimlarining o'ziga xos xususiyatlari tizimli yondashuv asosida tahlil qilindi. Tadqiqotda generatsiya portfeli, qayta tiklanuvchi energiya ulushi, taqsimot tarmoqlari holati, iste'mol talabi, transchegaraviy integratsiya va institutsional arxitektura asosiy mezonlar sifatida ajratib olindi. Tadqiqot mintaqaviy energetika tizimlarini kompleks baholash uchun metodik asos shakllantirdi.

Kalit so'zlar: mintaqaviy energetika tizimi, generatsiya, qayta tiklanuvchi energiya, taqsimot tarmog'i, energetika integratsiyasi, institutsional arxitektura.

Abstract

This article analyzes the specific characteristics of regional energy systems based on a systematic approach. The study identifies the generation portfolio, the share of renewable energy, the state of distribution networks, consumer demand, cross-border integration, and institutional architecture as key criteria. The study provides a methodological framework for a comprehensive assessment of regional energy systems.

Keywords: regional energy system, generation, renewable energy, distribution networks, energy integration, institutional architecture.

KIRISH

Energetika jahon iqtisodiyotining zamonaviy bosqichida mintaqaviy o'lchovda qarab chiqilishi kerak bo'lgan yaxlit tizim sifatida namoyon bo'lmoqda. Milliy darajadagi ko'rsatkichlar ko'pincha hududiy xilma-xillikni yopib qo'yadi, mintaqaviy tahlil esa tizimning ichki muvozanati, resurs va iste'mol o'rtasidagi masofa, taqsimot tarmoqlarining yuklanish darajasi hamda boshqaruv institutlarining o'zaro muvofiqlashuvini aniq ko'rsatish imkonini beradi. Shu yo'nalishdagi metodologik yondashuv mintaqaviy energetika tizimini mustaqil obyekt sifatida qabul qilishga va uni alohida sifat belgilari bo'yicha tavsiflashga asoslanadi.

Mintaqaviy energetika tizimi ishlab chiqarish quvvatlari, uzatish va taqsimot tarmoqlari, iste'mol markazlari hamda institutsional-tartibga soluvchi arxitekturani birlashtiradigan murakkab kompleksdir. Uning o'ziga xos xususiyatlari, avvalambor, hududiy geografik omil orqali belgilanadi: resurs bazasining notekis joylashuvi, aholi zichligining hududiy farqi, iqlim sharoiti, suv va yoqilg'i resurslari mavjudligi tizimning konfiguratsiyasiga bevosita ta'sir ko'rsatadi. Ikkinchidan, mintaqa miqyosidagi iste'mol strukturasi - sanoat, qishloq xo'jaligi va uy xo'jaliklari



ulushining nisbati - yuklanish egri chiziqlarini va tarmoqning kunlik hamda mavsumiy rejimini shakllantiradi.

Uchinchi o'ziga xos jihat institutsional muhit bilan bog'liq. Mintaqaviy energetika tizimining muvaffaqiyatli ishlashi tartibga soluvchi organlar, operatorlar va yirik iste'molchilar o'rtasidagi aloqalarning aniqligiga, shartnomalar tizimining barqarorligiga va transchegaraviy savdoni qo'llab-quvvatlovchi institutlar mavjudligiga bog'liq. To'rtinchi xususiyat texnologik o'tish jarayoni bilan uzviy bog'langan: qayta tiklanuvchi energiya manbalarining kirib kelishi, akkumulyatorli saqlash tizimlari va raqamli boshqaruv vositalarining keng joriy etilishi mintaqaviy tizimlarni yangi sifatli bosqichga olib chiqmoqda.

O'zbekiston misolida mintaqaviy tizimning transformatsion bosqichi ochiq namoyon bo'lmoqda. Iqtisodiyotning o'sish sur'ati energiya talabini izchil ko'paytirib bormoqda va bu hol ishlab chiqarish portfelini diversifikatsiyalash, taqsimot tarmoqlarini modernizatsiya qilish hamda mintaqalar o'rtasidagi quvvat oqimlarini optimallashtirishni dolzarb masalaga aylantirdi [4; 6]. Maqolaning maqsadi - mintaqaviy energetika tizimining sifat belgilarini konseptual darajada umumlashtirish va ularni O'zbekiston misolida ochiq manbalar asosida qiyosiy baholashdan iborat.

ADABIYOTLAR SHARHI

Mintaqaviy energetika tizimini o'rganishga bag'ishlangan xalqaro adabiyotlar uchta yo'nalishda shakllangan. Birinchi yo'nalish tizimning institutsional arxitekturasiga qaratilgan: IEAning 2023-yildagi hisoboti transchegaraviy elektr energiyasi savdosini samarali tashkil etish uchun tartibga soluvchilar, hukumat organlari va kompaniyalar o'rtasidagi vazifalar taqsimotining aniq bo'lishi zarurligini ko'rsatib berdi [1]. Unda mintaqaviy integratsiyaning muvaffaqiyati jismoniy infratuzilma bilan bir qatorda institutsional koordinatsiyaga ham bog'liq ekani ta'kidlandi [1].

Ikkinchi yo'nalish mintaqaviy tizimlarning makroiqtisodiy va texnologik transformatsiyasini o'rganadi. IEAning World Energy Outlook 2025 hisobotida dunyoning asosiy mintaqalarida ikkita umumiy tendensiya - oxirgi iste'mol sohalarining elektrlashuvi va elektr energiyasi tarkibida qayta tiklanuvchi manbalar ulushining o'sishi - aniq qayd etilgan [2]. Global Energy Review 2025 hisobotida esa 2024-yilda jahon energiya iste'moli o'rtacha ko'rsatkichdan tezroq sur'atda o'sgani va bu o'sish barcha manbalarni - neft, gaz, ko'mir, yadro va qayta tiklanuvchi manbalarni - qamrab olgani ta'kidlangan [9].

Uchinchi yo'nalish - mintaqaviy-mamlakat darajasidagi tadqiqotlar. IEAning O'zbekistondagi energetika profili va quyosh energetikasi yo'l xaritasiga bag'ishlangan hisobotlari mamlakat energetika tizimining asosiy ko'rsatkichlarini va islohotlar yo'nalishini aniqlab berdi [3; 4]. 2019-yilda umumiy o'rnatilgan quvvat 12,9 GVt ni, ishlab chiqarish esa 63,6 TVts ni tashkil etgan; 2030-yilga belgilangan maqsadli ko'rsatkich mos ravishda 29,2 GVt gacha ko'tarilgan [3]. IRENAning



Inklyuziv ta’lim mazmunan bolani ta’lim jarayoniga oddiy jalb etish bilangina cheklanmay, balki uning individual psixofiziologik xususiyatlari va rivojlanish ehtiyojlariga moslashtirilgan maxsus pedagogik texnologiyalarni qo’llashni nazarda tutadi. Shu nuqtai nazardan, har bir bola uchun individual rivojlanish dasturi (xaritasi)ni ishlab chiqish hamda ta’lim jarayonida differensial yondashuvni qo’llash muhim ahamiyat kasb etadi. Ya’ni, o’quv-topshiriqlar bolalarning qobiliyat darajasi, rivojlanish sur’ati va ehtiyojlaridan kelib chiqib



moslashtirilishi inklyuziv ta'lim samaradorligini ta'minlovchi asosiy omillardan biridir.

Atoqli psixolog olim L.S. Vigotskiyning ilmiy qarashlariga ko'ra:- "Har qanday ruhiy yoki jismoniy nuqsonda ham taraqqiyot davom etadi" degan fikri bilan tasdiqlash mumkin. Ta'lim tizimini joriy etish har doim ma'lum bir qonun qoidalarga, tamoyillarga asoslanishni talab etadi. Inklyuziv ta'lim tizimini joriy qilishda esa quyidagi tamoyillarga asoslaniladi:

- 1) Inklyuziv ta'limning e'tirof etilish tamoyili;
- 2) Inklyuziv ta'limning barcha uchun ochiq bo'lish tamoyili;
- 3) Bog'lanishning mavjud bo'lish tamoyili;
- 4) Markazlashtirilmagan bo'lish tamoyili;
- 5) Inklyuziv ta'limda kompleks yondashish tamoyili;
- 6) Inklyuziv ta'limda moslashuvchanlik tamoyili;
- 7) Malakaviylik tamoyili.

Pedagogik kuzatuvlar natijalari shuni ko'rsatadiki, inklyuziv ta'lim muhitida tarbiyalanayotgan sog'lom bolalarda ijtimoiy-axloqiy sifatlar an'anaviy guruhlardagi tengdoshlariga nisbatan yuqori darajada shakllanadi. Xususan, ular o'z tengdoshlarining individual xususiyatlari va ehtiyojlarini chuqurroq anglaydi, empatiya, bag'rikenglik va insonparvarlik kabi fazilatlar rivojlanadi. Shu asosda inklyuziv ta'limning sog'lom bolalar rivojiga ta'siri quyidagi jihatlarda namoyon bo'ladi:

- turli rivojlanish xususiyatlariga ega tengdoshlarning ehtiyojlarini anglash va qabul qilish ko'nikmasi shakllanadi;
- yordam ko'rsatishga intilish va qo'llab-quvvatlashga tayyorlik orqali insonparvarlik qadriyatlarini rivojlanadi;
- tengdoshlariga nisbatan g'amxo'rlik va ijtimoiy mas'uliyat hissi ortadi;
- ijtimoiy zaif qatlamlarga nisbatan befarqlikning oldi olinadi;
- imkoniyati cheklangan shaxslarga nisbatan ijobiy munosabat va o'zaro hurmat mustahkamlanadi.

Bundan tashqari, inklyuziv ta'lim maxsus ta'lim ehtiyojlariga ega bolalarning shaxsiy rivojlanishida ham muhim omil sifatida namoyon bo'ladi. Jumladan:

- o'z imkoniyatlarini anglash va namoyon etish uchun qulay pedagogik sharoit yaratiladi;
- mustaqil faoliyat yuritish hamda jamoada hamkorlik qilish ko'nikmalari rivojlanadi;
- dunyoqarash kengayib, ijtimoiy tajriba boyiydi;
- ta'limga nisbatan motivatsiya va qiziqish darajasi ortadi;
- o'zini jamiyatning teng huquqli a'zosi sifatida his etish hissi shakllanadi;
- yotsirash va ijtimoiy izolyatsiya kabi salbiy holatlar kamayadi.

Mazkur natijalar inklyuziv ta'limning nafaqat alohida guruh bolalari, balki barcha ishtirokchilar uchun ijtimoiy-pedagogik jihatdan samarali tizim ekanligini tasdiqlaydi.

Inklyuziv ta'limni samarali tashkil etish faqatgina tarbiyachining individual faoliyati bilan cheklanmaydi, balki ko'p tarmoqli mutaxassislar — tarbiyachi,



psixolog, logoped va defektologlarning o‘zaro hamkorlikda ishlab chiqilgan yagona ish rejasi asosida amalga oshiriladi. Mazkur jarayonning markazida individual ta’lim dasturi (ITD) turadi. ITD har bir bolaning psixofiziologik xususiyatlari, rivojlanish darajasi, ehtiyojlari va imkoniyatlaridan kelib chiqib tuziladi hamda ta’lim-tarbiya jarayonini individuallashtirishga xizmat qiladi.

Inklyuziv ta’limning muvaffaqiyati uning barcha ishtirokchilari o‘rtasidagi samarali hamkorlikka bog‘liq. Jumladan, sog‘liqni saqlash tizimi, xalq ta’limi tizimi, mahalla instituti, ta’lim muassasasi jamoasi hamda bolalar jamoasi (tengdoshlar guruhi) o‘zaro uzviy aloqada faoliyat olib borishi zarur. Ayniqsa, ota-onalar bilan tizimli ishlash inklyuziv ta’lim samaradorligini ta’minlovchi muhim omillardan biridir.

Amaliy tajriba shuni ko‘rsatadiki, sog‘lom bolalar ota-onalarida uchraydigan xavotir va stereotiplarni bartaraf etish faqat huquqiy asoslarni tushuntirish bilan emas, balki ijtimoiy ongini shakllantirish, diskriminatsiya va noto‘g‘ri qarashlarga qarshi izchil pedagogik-ma’rifiy ishlarni olib borish orqali amalga oshiriladi.

Alohida ta’lim ehtiyojlariga ega bolalar oilalari bilan ishlash jarayonida ularga pedagogik texnologiyalar, zamonaviy ta’lim-tarbiya metod va vositalari haqida tushunchalar berish, ularning pedagogik savodxonligini oshirish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bilan birga, ota-onalarni psixologik jihatdan qo‘llab-quvvatlash, ularni farzandining rivojlanish jarayoniga faol jalb etish inklyuziv ta’limning muhim tarkibiy qismidir.

Xulosa qilib aytganda, maktabgacha ta’lim tashkilotlarida inklyuziv ta’limni samarali tashkil etish har bir bolaning individual imkoniyatlarini hisobga olgan holda ta’lim jarayonini moslashtirishni talab etadi. Ushbu jarayon ko‘p tarmoqli hamkorlik — tarbiyachi, mutaxassislar va ota-onalarning uzviy faoliyati asosida amalga oshirilgandagina yuqori natija beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni. – Toshkent, 2020-yil 23-sentabr, O‘RQ-637-son.
2. Maktabgacha ta’lim-tarbiyani tashkil etish. Darslik. N.T.Tosheva “Kamolot” nashriyoti. Buxoro – 2022
3. “Ilk qadam” Davlat o‘quv dasturi Toshkent 2022 y
4. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Bolalarga inklyuziv ta’limni joriy etishga doir normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori. 2021-yil 12-oktabr, 638-son. – URL: <https://lex.uz> (murojaat qilingan sana: 20.04.2026).



МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМДА ДЕФЕКТАЛОГИЯНИНГ О’РНИ

Salomova Muattar

Profi university

“Maktabgacha ta’lim” kafedrası

MTS 01-22 talabasi

Ilmiy rahbar: professor v.b. (PhD **O.A Maxmudova**)

Annotatsiya: Maktabgacha ta’lim tizimida **defektologiya** (maxsus pedagogika) juda muhim va dolzarb yo‘nalish hisoblanadi. U rivojlanishida nuqsoni yoki o‘ziga xos ehtiyojlari bo‘lgan bolalarni aniqlash, tarbiyalash va ta’lim berish masalalarini o‘rganadi. Defektologiya bugungi kunda inkluziv ta’lim tizimining asosiy yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi.

Tayanch atamalar: Defektologiya, pedagog, ehtiyojli bolalar, inkluziv ta’lim, Qaror va farmoyishlar

Hozirgi kunda Maktabgacha ta’limda alohida ehtiyojli bolalar bilan ishlash uchun maxsus pedagog (defektolog) shtatlari joriy etilgan. Har bir bola uchun individual ta’lim va rivojlantirish dasturi ishlab chiqilgan. Defektologiya pedagog, psixolog va tibbiy xodimlar hamkorligida amalga oshiriladi. U bolalarni jamiyatga moslashtirish va mustaqil hayotga tayyorlashda muhim vositadir. Defektologiya bugungi kunda inkluziv ta’lim tizimining asosiy yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi.

Bu soxaning amaldagi natijalari ancha samarali;

- Erta tashxis va korreksiya orqali bolalardagi rivojlanish nuqsonlari kamayishiga erishilyapti;
- Bolalarda nutq, tafakkur va ijtimoiy ko‘nikmalar rivojlanishiga erishilyapti;
- Alohida ehtiyojli bolalar umumiy ta’lim muhitiga integratsiyalashmoqda;
- Individual yondashuv natijasida bolalarning o‘zlashtirish darajasi oshib, ta’lim sifati yuqori darajaga ko‘tarilmoqda
- Ota-ona va pedagog hamkorligi kuchayib boryapti, bu esa ta’lim samaradorligini oshirmoqda

O‘zbekistonda defektologiya va inkluziv ta’lim quyidagi muhim hujjatlar bilan tartibga solinadi:

- **O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4860-son qaroriga muvofiq (2020-yil 13-oktabr)**
 - Alohida ta’limga ehtiyojli bolalar uchun ta’lim tizimini takomillashtirish choralari belgilandi

Vazirlar Mahkamasining 391-son qarori (2019-yil)

- Qarorga muvofiq Maktabgacha ta’lim tashkilotlari faoliyatini takomillashtirish, inkluziv guruhlar tashkil etish yo‘lga qo‘yildi

Vazirlar Mahkamasining 510-son qarori (2021-yil)

- MTTlarda reabilitatsiya va maxsus xizmatlarni rivojlantirish boshlandi
- 638-son qaror (2021-yil 12-oktabr)**



- Inklyuziv ta'lim sinflari va korreksion sinflarni tashkil etish tartibi joriy etildi

Yangi Konstitutsiya (2023-yil)

- Har bir bolaga, jumladan alohida ehtiyojli bolalarga inklyuziv ta'lim olish huquqi kafolatlab qo'yildi

2025-yil qarorlari (MTTlarda inkluziv guruhlar faoliyati)

- Inklyuziv guruhlarini tashkil etish va boshqarish mexanizmlari yanada takomillashtirildi

Defektologiya — rivojlanishida nuqsoni bo'lgan bolalarni o'rganish, tarbiyalash va o'qitishga yo'naltirilgan fan hisoblanib, Maktabgacha yosh — bolaning rivojlanishidagi eng muhim bosqich bo'lib, nuqsonlarni aynan shu davrda aniqlash samarali natija beradi. **Defektologiyaning asosiy vazifasi** — bolalardagi rivojlanish kamchiliklarini erta aniqlash va bartaraf etishdir. Maxsus pedagogik yondashuv orqali har bir bolaning individual imkoniyatlari rivojlantiriladi. Korreksion-rivojlantiruvchi mashg'ulotlar bolaning nutqi, tafakkuri va ijtimoiy ko'nikmalarini yaxshilaydi. Defektologiya inkluziv ta'limni rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Sog'lom va alohida ehtiyojli bolalarning birgalikda ta'lim olishi ijtimoiy moslashuvni kuchaytiradi. Zamonaviy jamiyatda rivojlanish nuqsonlari bilan tug'ilayotgan bolalar sonining ortishi defektologiyaga ehtiyojni oshirmoqda. Defektolog, logoped va psixologlarning hamkorligi samarali natija berib kelmoqda. Erta ko'rsatilgan pedagogik yordam bolaning keyingi ta'lim bosqichlarida muvaffaqiyatini ta'minlaydi. Defektologiya bolani jamiyatga integratsiya qilishda muhim vosita hisoblanadi. Har bir bola sifatli ta'lim olish huquqiga ega, defektologiya esa bu huquqni ta'minlashga xizmat qiladi.

Soxaning dolzarbligi: Hozirgi kunda defektologiyaning ahamiyati yanada ortib bormoqda. **Rivojlanish nuqsonlari ko'payib borayotgani:** Ekologik, ijtimoiy va tibbiy omillar sabab bolalarda turli rivojlanish muammolari ko'paymoqda. **Erta aralashuv zarurati:** Ilk yoshda ko'rsatilgan yordam keyinchalik katta natija beradi. **Inkluziv ta'limga o'tish:** Zamonaviy ta'lim tizimi barcha bolalar uchun teng imkoniyat yaratishni talab qilmoqda. **Mutaxassislar ehtiyoji:** Logoped, defektolog, psixolog kabi mutaxassislarga talab ortib bormoqda. **Jamiyatning ijtimoiy mas'uliyati:** Har bir bola to'laqonli rivojlanish huquqiga ega.

Xulosa: Maktabgacha ta'limda defektologiya — bu nafaqat muammoli bolalar bilan ishlash, balki ularni jamiyatga muvaffaqiyatli integratsiya qilishning muhim vositasidir. Uning dolzarbligi bugungi kunda yanada oshib, sifatli ta'lim tizimining ajralmas qismiga aylanmoqda. Defektologiya hozirgi kunda zamonaviy ta'lim tizimining ajralmas qismiga aylangan. U nafaqat muammoli bolalar bilan ishlash, balki teng ta'lim imkoniyatlarini yaratishga xizmat qilmoqda. Davlat tomonidan qabul qilinayotgan qaror va farmoyishlar esa bu sohani yanada rivojlantirish va tizimlashtirishga qaratilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Meliqo'ziyev A.Q., Boymirzayeva N.M. Defektologiya sohasining bugungi kunda jamiyat hayotidagi o'rni va ahamiyati // *Tadqiqotlar jurnali*, 2026.



2. Adhamova M.A. Defektologiya fanining O'zbekistonda rivojlanish bosqichlari // *Tadqiqotlar jurnali*, 2024.
3. Axmedova D., Axmedova N. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida inkluziv ta'limni boshqarish modeli // *Journal of Universal Science Research*, 2026.
4. Hakimova G.S., Rustomov O.O. O'zbekistonda imkoniyati cheklangan bolalar uchun inkluziv ta'lim//*Modern Education and Development*, 2025.
5. Tulaboyeva I.M. Inkluziv ta'lim sharoitida maktabgacha yoshdagi bolalar bilan ishlash metodlari//*Tadqiqotlar jurnali*, 2025.
6. Raximova M.B. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida inkluziv ta'lim // *Tadqiqotlar jurnali*, 2023.
7. Vygotskiy L.S. Defektologiya asoslari va maxsus pedagogika. – Moskva: Pedagogika, 2018.
8. Nazarova M. Inklyuziv ta'lim asoslari. – Toshkent: TDPU nashriyoti, 2020.
9. Abdullayeva G. Maktabgacha ta'lim metodikasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2019.
10. Ainscow M. Understanding Inclusive Education and Practice. – London: Routledge, 2017.
11. UNESCO. Inclusive Early Childhood Care and Education Guidelines. – Paris, 2015.
12. Avazxonova H. Defektologiya asoslari (o'quv qo'llanma).



BOSHLANG'ICH TA'LIMIDA PEDAGOGIK INNOVATSIYALAR VA ULARNING SAMARADORLIGI

Shirinbekova Gulgunoy Shirinbekovna

Namangan viloyati Chortoq tuman MMTBga
qarashli 29-sonli maktab 1-toifali boshlang'ich
sinf o'qituvchisi.
shirinbekovagulgunoy@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang'ich sinflarda ta'lim berishda zamonaviy pedagogik innovatsiyalarning o'rni va ahamiyati yoritilgan. Muallifning amaliy tajribasi asosida interfaol metodlar, raqamli texnologiyalar va o'quvchilarning o'z-o'zini baholash jarayonlari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: boshlang'ich ta'lim, innovatsiya, interfaol metod, o'z-o'zini baholash, ijodkorlik, laboratoriya mashg'ulotlari.

Bugungi kunda ta'lim tizimida olib borilayotgan islohotlar boshlang'ich sinflardan boshlab zamonaviy yondashuvlarni joriy etishni talab etmoqda. Ayniqsa, 1-4 sinflarda o'quvchilarning bilim olishga bo'lgan qiziqishini oshirish, mustaqil fikrlashini rivojlantirish pedagog zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi. Shu bois pedagogik innovatsiyalarni amaliyotga joriy etish muhim ahamiyat kasb etadi. Boshlang'ich sinf o'qituvchisi sifatida turli fanlarda innovatsion metodlardan foydalanish ta'lim samaradorligini oshirmoqda. Avvalo, dars jarayonida interfaol metodlar muhim o'rin tutadi. Xususan, "Aqliy hujum", guruhli ishlash, savol-javob usullari orqali o'quvchilar darsda faol ishtirok etadi. Bu esa ularning mustaqil fikrlashi va nutqini rivojlantiradi. Shuningdek, darslarda amaliy metodlardan foydalanish katta samara bermoqda. Masalan, matematika darslarida misollarni real hayotiy vaziyatlarga bog'lash, ona-tili darslarida matn bilan ishlash orqali tushunishni kuchaytirish, tasviriy san'at darslarida ijodiy topshiriqlar berish o'quvchilarning qiziqishini oshiradi.

Shuningdek, o'quvchilarning o'z-o'zini baholash jarayoni alohida e'tiborga loyiq bo'lib, bu orqali o'quvchilar o'z ustida ishlashni o'rganadi. Bu esa ularda mas'uliyat hissini shakllantiradi. Tabiiy fanlar darsidagi laboratoriya mashg'ulotlari va ijodkorlik soatlari tashkil etilishi o'quvchilarning kuzatuvchanligi va ilmiy fikrlashini rivojlantiradi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, boshlang'ich ta'limda pedagogic innovatsiyalarni qo'llash ta'lim sifatini oshirishning muhim omilidir. Ayniqsa, interfaol va amaliy metodlar o'quvchilarning bilim olish jarayonini samarali tashkil etishga xizmat qiladi. Har bir pedagog o'z faoliyatida zamonaviy yondashuvlardan foydalanishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:



1. R.Mavlonova ,N.X.Raxmonqulova.Boshlang'ich ta'limda innovatsiya.Methodik qo'llanma,TDPU,2007
2. Qosimova K.,Matjonov S.,G'ulomova X.,Sariyev Sh.Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarda qiziqishlarni o'rganish.T.,TDPU.2008.
3. <https://www.google.com> sayti



THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES TO PRESCHOOL CHILDREN

Uralova Dilfuza Saydaliyevna

Gulistan State University

dilfuza.uralova@gmail.com

Abstract: The increasing impact of globalization has made early foreign language learning more important than ever. Preschool age is considered a highly effective period for language acquisition due to children's natural ability to absorb linguistic input. This paper explores the theoretical and methodological foundations of teaching foreign languages to young learners, focusing on psychological, linguistic, and pedagogical aspects. It highlights interactive and communicative approaches, as well as movement-based techniques, as key methods for effective instruction. The study also identifies challenges and suggests practical solutions, emphasizing the importance of age-appropriate strategies and engaging learning environments.

Keywords

Early language learning, preschool education, foreign language teaching, young learners, communicative approach, TPR, play-based learning, interactive methods

1. Introduction

In recent years, foreign language education has been introduced at increasingly earlier stages, including preschool programs. Research shows that young children are more capable of acquiring new languages compared to adults because of their curiosity, flexibility, and natural learning abilities. However, teaching preschoolers requires specific methods adapted to their developmental level.

2. Psychological Foundations

Children aged 3 to 6 experience rapid cognitive and emotional development. They tend to imitate sounds easily, respond strongly to auditory input, and rely on visual and sensory experiences. The critical period hypothesis suggests that early childhood is the optimal time for language acquisition. Emotional engagement and a positive environment significantly improve motivation and learning outcomes.

3. Linguistic Foundations

Young learners acquire language through exposure, repetition, and interaction rather than formal instruction. Listening precedes speaking, and vocabulary should be taught in context. Early exposure supports accurate pronunciation and natural language development.

4. Pedagogical Foundations

Teaching should be child-centered and based on play, which supports cognitive and social development. Multisensory learning and repetition are essential for effective language acquisition.

5. Methodological Approaches



Effective methods include communicative language teaching, Total Physical Response, game-based learning, and the use of songs and stories. Technology can also support learning when used appropriately.

6. Role of the Teacher

Teachers must create a supportive environment, use simple language, encourage participation, and adapt to children's needs.

7. Conclusion

Early foreign language teaching requires appropriate methods and understanding of child development. Interactive approaches improve both language skills and overall development.

References

1. Cameron, L. (2001). *Teaching Languages to Young Learners*. Cambridge University Press.
2. Curtain, H., & Dahlberg, C. (2010). *Languages and Children: Making the Match*. Pearson.
3. Ellis, R. (1994). *The Study of Second Language Acquisition*. Oxford University Press.
4. Harmer, J. (2007). *How to Teach English*. Longman.
5. Vygotsky, L. S. (1978). *Mind in Society*. Harvard University Press.
6. Uralova Dilfuza Saidaliyevna The basic features of written translation //Academy. 2019. №6 (45). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/the-basic-features-of-written-translation> (дата обращения: 17.04.2026).



**YOSH FUTBOLCHILARDA TEZKOR-KUCH SIFATLARINI
NOSTANDART MASHQLAR YORDAMIDA RIVOJLANTIRISH
SAMARADORLIGI**

Abduraximov Abror Tilov o'g'li
Iqtisodiyot va pedagogika universiteti
Samarqand kampusti magistranti
Xaydarov Baxtiyor Tojiyevich
Samarqand davlat pedagogika institute professori

Annotatsiya. Ushbu maqolada yosh futbolchilarning jismoniy tayyorgarlik tizimida nostandart mashqlardan foydalanishning pedagogik samaradorligi tahlil qilinadi. Tadqiqotning maqsadi an'anaviy mashg'ulot usullariga nostandart (innovatsion va noan'anaviy vositalar) mashqlarni kiritish orqali tezkor-kuch sifatlarini rivojlantirish darajasini aniqlashdan iborat. Tajriba-sinov ishlarida 14-16 yoshli futbolchilar ishtirok etdi. Natijalar shuni ko'rsatdiki, maxsus nostandart mashqlar majmuasi qo'llanilgan guruhda tezkor-kuch ko'rsatkichlari nazorat guruhiga nisbatan sezilarli (o'rtacha 12-15%) o'sishni ko'rsatdi.

Kalit so'zlar: futbol, tezkor-kuch qobiliyatlari, nostandart mashqlar, innovatsion metodika, jismoniy tayyorgarlik, yosh futbolchilar.

Zamonaviy futbol o'yini yuqori intensivlik, tezkor qaror qabul qilish va portlovchi kuch harakatlariga asoslanadi. Yosh futbolchilarning tayyorgarlik jarayonida standart mashqlardan uzoq vaqt foydalanish "moslashuv effektining susayishi"ga (plato effekti) olib keladi. Bu esa o'quv-mashg'ulot jarayonining samaradorligini pasaytiradi. Shu bois, sport pedagogikasida nostandart mashqlar – ya'ni tana holatining noqulayligi, tashqi qarshiliklarning o'zgaruvchanligi yoki kutilmagan koordinatsion topshiriqlarni o'z ichiga olgan vositalar – muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Tahlillar shuni ko'rsatadiki, yosh futbolchilarda kuch sifatini nostandart mashqlar orqali takomillashtirish uch asosiy natijaga olib keladi. Birinchidan, mushak kuchining funksional namoyon bo'lishi yaxshilanadi. Futbolchining oyoq mushaklari kuchaygani bilan birga bu kuch to'xtash, burilish, tezlanish, sakrash va kontakt vaziyatida barqarorlikni saqlashga ko'chadi. Ikkinchidan, nostandart mashqlar asab-mushak koordinatsiyasini yaxshilaydi. Yosh davrda markaziy asab tizimining moslashuvchanligi yuqori bo'lgani uchun murakkab koordinatsion topshiriqlar kuchni rivojlantirishning tabiiy kuchaytiruvchisiga aylanadi. Uchinchidan, nostandart mashqlar jarohat xavfini kamaytirishga xizmat qiladi. Kuch tayyorgarligi to'g'ri rejalashtirilganda tizza, son, to'piq va kor stabilizatsiyasini yaxshilaydi. Demak, nostandart mashqlarni kuch tayyorgarligiga kiritishda faqat natijadorlik emas, balki profilaktik maqsad ham ko'zda tutilishi lozim. Ayniqsa yosh



futbolchilarda bir oyoqli stabilizatsiya, eksentrik kuch, son orqa guruhi va kor mushaklari tayyorgarligi muntazam bo'lishi kerak.

Tajriba 14-16 yoshli futbolchilar o'rtasida o'tkazildi. Ishtirokchilar ikki guruhga ajratildi:

1. **Nazorat guruhi (NG):** An'anaviy futbol mashqlari va standart jismoniy tayyorgarlik kompleksi.

2. **Tajriba guruhi (TG):** An'anaviy mashg'ulotlarga qo'shimcha ravishda haftasiga 3 marta, 20 daqiqalik nostandart tezkor-kuch mashqlari bloki (masalan, TRX arqonlari, bosim o'tkazuvchi to'plar, notekis yuzalarda sakrash mashqlari va vizual signallar asosidagi portlovchi harakatlar).

Tezkor-kuch sifatlarini baholash uchun quyidagi testlar tanlandi: Joydan uzunlikka sakrash (sm); 30 metrga yugurish (s); "5x5" metr masofaga shuttle (mokisimon) yugurish; Vertikal sakrash (Abalakov testi).

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, nostandart mashqlar vositasida neyromushak apparati faoliyatini stimullash orqali tezkor-kuch sifatleri yuqori sur'atda rivojlanadi. Nostandart mashqlarning o'ziga xosligi shundaki, ular sportchidan nafaqat mushak kuchini, balki vestibulyar apparatning barqarorligini ham talab qiladi.

Test turi	NG (boshida)	NG (oxirida)	TG (boshida)	TG (oxirida)
Joydan sakrash (sm)	215	221	216	234
30 m yugurish (s)	4.42	4.35	4.41	4.18
Vertikal sakrash (sm)	42	44	43	51

Tajriba guruhidagi sezilarli o'zgarishlar shuni ko'rsatadiki, nerv-mushak tizimining "o'zgaruvchan sharoit"ga moslashishi, harakat tezligini oshirish va impulsiv kuchlanishni maksimal darajaga chiqarishda muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Nostandart mashqlar miya yarim sharlarining koordinatsion faoliyatini faollashtiradi, bu esa o'z navbatida harakat texnikasini avtomatlashtirishga yordam beradi.

Xulosa. Yosh futbolchilarda tezkor-kuch sifatlarini rivojlantirishda nostandart mashqlarni qo'llash nafaqat jismoniy ko'rsatkichlarni yaxshilaydi, balki mashg'ulotlarga bo'lgan motivatsiyani ham kuchaytiradi. Tavsiya etiladigan metodika:

1. Mashg'ulot hajmini bosqichma-bosqich oshirish (15-20% dan boshlab).
2. Nostandart vositalarni asosiy mashg'ulot qismidan oldin yoki tayyorgarlikning maxsus bosqichida qo'llash.
3. Mashqlarni o'yin vaziyatlariga maksimal darajada yaqinlashtirish.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Platonov V.N. Sportda yuqori natijalarga erishish tizimi. T.: "Fan va texnologiya", 2020.
2. Soliyev I.R. Futbolchilarning tezkor-kuch qobiliyatlarini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi. O'quv qo'llanma. Toshkent, 2021.



3. Bompa T.O., Buzzichelli C. Periodization: Theory and Methodology of Training. Human Kinetics, 2019.

4. Abdulkarimov A.A. “Yosh futbolchilar tayyorgarligida innovatsion texnologiyalardan foydalanish”. Fan-sportga ilmiy-nazariy jurnal, 2022, №3.

5. Verxoshanskiy Y.V. Maxsus kuch tayyorgarligi: nazariya va amaliyot. Moskva, “Sport”, 2018.



YO‘LLARDA TIRBANDLIKNI BARTARAF ETISH MUAMMOSI

Xafizov Dilbek Abdug‘ani o‘g‘li

Qarshi davlat texnika universiteti

2-kurs magistranti

E-mail: dilbekxafizov1703133@gmail.com

Annotatsiya: Maqolada tirbandlikni keltirib chiqaruvchi asosiy omillar — avtomobillar sonining ortishi, yo‘l infratuzilmasining yetarli darajada rivojlanmaganligi va transport boshqaruv tizimidagi kamchiliklar ko‘rib chiqilgan. Shuningdek, muammoni bartaraf etishning zamonaviy usullari, jumladan jamoat transportini rivojlantirish, aqlli transport tizimlarini joriy etish va transport siyosatini takomillashtirish bo‘yicha takliflar berilgan. Maqola natijalari transport tizimini samarali tashkil etish va tirbandlikni kamaytirish bo‘yicha ilmiy-amaliy ahamiyatga ega.

Kalit so‘zlar: transport, yo‘l, chorraha, usul, kesishma, infratuzilma, haydovchi

Аннотация: В статье рассматриваются основные факторы, вызывающие пробки: увеличение количества автомобилей, недостаточное развитие дорожной инфраструктуры и недостатки в системе управления транспортом. Также предлагаются современные методы решения проблемы, включая развитие общественного транспорта, внедрение интеллектуальных транспортных систем и совершенствование транспортной политики. Результаты статьи имеют научное и практическое значение для эффективной организации транспортной системы и снижения количества пробок.

Ключевые слова: транспорт, дорога, перекресток, метод, перекресток, инфраструктура, водитель

Abstract: The article examines the main factors causing traffic jams - an increase in the number of cars, insufficient development of road infrastructure and shortcomings in the transport management system. It also provides proposals for modern methods of solving the problem, including the development of public transport, the introduction of intelligent transport systems and improving transport policy. The results of the article have scientific and practical significance for the effective organization of the transport system and reducing traffic jams.

Keywords: transport, road, intersection, method, intersection, infrastructure, driver



Hozirgi kunda yirik shaharlarda transport tizimi bilan bog‘liq muammolar tobora kuchayib bormoqda. Ayniqsa, Toshkent shahrida yo‘llardagi tirbandlik holatlari kundalik hayotning ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Aholi sonining ortishi, urbanizatsiya jarayonining tezlashuvi va avtomobillar sonining keskin ko‘payishi transport tizimiga katta bosim yuklamoqda.

Transport tizimining samarali ishlamasligi iqtisodiy rivojlanishga ham salbiy ta‘sir ko‘rsatadi. Chunki tirbandlik natijasida vaqt yo‘qotiladi, yoqilg‘i sarfi ortadi va ish unumdorligi pasayadi.[1] Shu sababli ushbu muammoni chuqur o‘rganish va samarali yechimlarni ishlab chiqish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Tirbandliklarning asosiy sabablari: birinchidan, avtomobillar sonining keskin ortishi, so‘nggi yillarda aholi daromadlarining oshishi natijasida shaxsiy avtomobillarga bo‘lgan talab ham ortib bormoqda. Bu esa yo‘llarda transport vositalari sonining ko‘payishiga olib keladi. Natijada yo‘l sig‘imi oshib ketgan transport oqimini qabul qila olmaydi; Ikkinchidan, yo‘l infratuzilmasining yetarli emasligi, ko‘plab yo‘llar eski loyihalar asosida qurilgan bo‘lib, hozirgi transport oqimiga mos kelmaydi. Yo‘llarning torligi, chorrahalarining noto‘g‘ri loyihalashtirilganligi tirbandliklarning yuzaga kelishiga sabab bo‘ladi;[2] Uchinchidan, transport boshqaruv tizimining yetarli emasligi, svetoforlarning samarasiz ishlashi, yo‘l belgilarining yetarli emasligi va harakatni tartibga solishdagi kamchiliklar ham tirbandlikni kuchaytiradi. Ayniqsa, tirbandlik eng ko‘p chorrahalarda yuzaga keladi; To‘rtinchidan, jamoat transportining yetarli rivojlanmaganligi, agar jamoat transporti qulay, tezkor va arzon bo‘lmasa, aholi shaxsiy avtomobildan foydalanishni afzal ko‘radi. Bu esa umumiy transport oqimini yanada oshiradi. Tirbandlikning salbiy oqibatlari natijasida:

1. Iqtisodiy zararlar: Tirbandlik natijasida fuqarolar va tashkilotlar katta miqdorda vaqt yo‘qotadi. Bu esa ishlab chiqarish samaradorligining pasayishiga olib keladi. Bundan tashqari, yoqilg‘i sarfining ortishi ham iqtisodiy zarar keltiradi.[3]

2. Ekologik muammolar: Avtomobillardan chiqadigan zararli gazlar havoning ifloslanishiga olib keladi. Tirbandlik paytida avtomobillar uzoq vaqt ishlaganligi sababli atmosferaga chiqariladigan gazlar miqdori ortadi.

3. Ijtimoiy muammolar: Doimiy tirbandlik insonlarda stress, asabiylik va charchoqni keltirib chiqaradi. Bu esa umumiy hayot sifatining pasayishiga olib keladi.

4. Transport tizimining izdan chiqishi: Tirbandliklar favqulodda xizmatlar (tez yordam, yong‘in xizmati) harakatiga ham to‘sqinlik qiladi, bu esa jiddiy oqibatlarga olib kelishi mumkin.

Tirbandlikni bartaraf etish uchun jamoat transportini rivojlantirish zarur. Jamoat transportini modernizatsiya qilish — tirbandlikni kamaytirishning eng samarali usullaridan biridir. Zamonaviy avtobuslar, metro va boshqa transport vositalarini ko‘paytirish orqali aholining shaxsiy transportga bo‘lgan ehtiyoji kamayadi. Yo‘l infratuzilmasini rivojlantirish ham katta ahamiyatga ega. Yangi



yo‘llar qurish, mavjud yo‘llarni kengaytirish, ko‘prik va aylanma yo‘llarni tashkil etish orqali transport oqimini samarali taqsimlash mumkin. Aqlli transport tizimlarini joriy etish, zamonaviy texnologiyalar yordamida transport oqimini real vaqt rejimida boshqarish mumkin. Masalan, aqlli svetoforlar va monitoring tizimlari tirbandlikni kamaytirishda muhim rol o‘ynaydi.[4] Transport madaniyatini oshirish, haydovchilar va piyodalar tomonidan yo‘l harakati qoidalariga rioya qilinishi tirbandliklarni kamaytiradi. Noto‘g‘ri to‘xtash va qoidabuzarliklar ko‘pincha tirbandlikka sabab bo‘ladi. Alternativ transport vositalari ya‘ni velosiped yo‘laklarini rivojlantirish va piyodalar uchun qulay sharoit yaratish ham transport yuklamasini kamaytiradi. O‘zbekiston tajribasi quyidagicha: So‘nggi yillarda O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi tomonidan transport tizimini yaxshilash bo‘yicha bir qator islohotlar amalga oshirilmoqda.

Yangi yo‘llar qurilishi, jamoat transportining yangilanishi va raqamli texnologiyalarning joriy etilishi shular jumlasidandir. Bu islohotlar kelajakda tirbandlik muammosini kamaytirishga xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytganda, yo‘llardagi tirbandlik murakkab va ko‘p omilli muammo hisoblanadi. Uni bartaraf etish uchun kompleks yondashuv zarur. Jamoat transportini rivojlantirish, yo‘l infratuzilmasini yaxshilash va zamonaviy texnologiyalarni joriy etish orqali ushbu muammoni sezilarli darajada kamaytirish mumkin. Kelajakda barqaror va samarali transport tizimini yaratish har bir davlatning ustuvor vazifalaridan biri bo‘lib qoladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Hamidov O.H., Berdiyurov B.S., Xursandov K.M. Transport servisni tashkil qilish, Toshkent, 2011.
2. Fayzullayev E.Z. va boshqalar. Transport vositalarining tuzilishi nazariyasi, Toshkent, 2006.
3. Nigmatov H., Tursunov B., G‘aniev B. Transport sohasida axborot kommunikatsion texnologiyalari, Toshkent, 2015.
4. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi, Toshkent, 2019.



БИОМЕДИЦИНА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР

ЕКСТРИМАЛ КИЧИК ТАНА VAZNIDA TUG'ILGAN
CHAQALOQLARDA TIMUS PATOMORFOLOGIYASI

Nurullayeva Mavluda Davronbek qizi

Toshkent davlat tibbiyot universiteti

Patologik anatomiya kafedrası 1 kurs magistri

Ilmiy rahbar: PhD, dotsent Allaberganov D.Sh.

Toshkent davlat tibbiyot universiteti

Annotatsiya: Yangi tug'ilgan chaqaloqlarda tana vaznining juda pastligi muammosi perinatologiya va bolalar salomatligi sohasidagi eng jiddiy muammolardan biridir. Bugungi kunda past vazn bilan tug'ilish bolalar o'limining asosiy sabablaridan biri bo'lib, bu muammo perinatologiya va pediatriyada dolzarb hisoblanadi. Timus immunitet tizimining muhim organi sifatida yangi tug'ilgan chaqaloqlarning moslashuv jarayonida katta rol o'ynaydi. Tadqiqotda timusdagi morfologik o'zgarishlar, ularning immun tizimga ta'siri hamda chaqaloqlarning umumiy salomatligiga bog'liqligi tahlil qilinadi. Olingan natijalar neonatologiya amaliyotini takomillashtirish va kam vaznli chaqaloqlarning omon qolish darajasini oshirishga xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: timus bezi, immun tizimi, patomorfologik o'zgarishlar, neonatologiya.

Muammoni dolzarbli: Tibbiyotda muhim yo'nalishlardan biri bu on-ava bola salomatligini muhofaza qilish hisoblanadi, bu yo'nalishda yetilmagan xomiladorlikda tug'ilgan chaqaloqlar turli xil kasalliklarning, bolalar nogironligining yuzaga kelishida muhim ahamiyat kasb etadi. Bu patologiyaning rivojlanishi Rossiya federatsiyasida 5-10 % ni, shundan 0,2-0,4 % ni tana vaznining ekstrimal past holatlari (500-999 gr) tashkil qilib nogironlikning 40% shu bilan bog'liq tarzda rivojlanadi. (Zelinskaya D.I., 1995; Tokoeva Z.Z., 1999). Erta tug'ruqlar natijasida rivojlanadigan neonatal davrda yuzaga keladigan o'lim sababi bo'lib asosan chaqaloqlar respirator distress sindromi hisoblanib, bu patologiyaning rivojlanishida homila oldi muhitining infitsirlanib tepaga ko'tarilishi muhim o'rin tutadi deb hisoblanadi. Hozirgi kunda respublika hududida, xususan Xorazm viloyati hududida bunga o'xshash tekshiruv ishlari amalga oshirilmagan, biroq homilaning 80% holatlarda nobud bo'lishi, tirik qolganlarining ham ko'pchiligida o'pka kasalligining rivojlanishi kuzatilmoqda, shularni inobatga olganda ushbu patologiyani atroflicha o'rganish sabablari yuzaga kelish mexanizmi, diagnostikasi va davo choralarini ishlab chiqish kata qiziqish uyg'otadi.

Natija va muhokama: Ekstremal kichik tana vazni bilan tug'ilish zamonaviy tibbiyotda muhim muammolardan biri hisoblanadi. Bunday chaqaloqlarda turli asoratlar va o'lim xavfi yuqori bo'ladi. Shu sababli ularning organizmidagi muhim tizimlar, xususan immunitet tizimining rivojlanishini o'rganish zarurdir.



Tadqiqotda timus bezining tuzilishi va undagi patomorfologik o'zgarishlar o'rganildi. Timus immunitet tizimining markaziy organi bo'lib, T-limfotsitlarning shakllanishida muhim rol o'ynaydi. Ekstremal kichik vazn bilan tug'ilgan chaqaloqlarda timusda strukturaviy o'zgarishlar kuzatildi, bu esa immun javobning susayishiga olib keladi. Morfologik va immunogistokimyoviy usullar yordamida ushbu o'zgarishlar tahlil qilinib, ularning klinik ahamiyati baholandi.

Ekstremal kichik tana vaznida tug'ilgan chaqaloqlarda timus bezida sezilarli patomorfologik o'zgarishlar aniqlanadi. Bu o'zgarishlar immun tizim faoliyatiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Tadqiqot natijalari ushbu toifadagi chaqaloqlarga tibbiy yordam ko'rsatishni takomillashtirishda muhim ahamiyatga ega.

Ekstrimal kam tana vaznli chaqaloqlarda timusning morfologik yetilmaganligi, bu asosan po'stloq va mag'iz sohalari chegaralarini bo'lmasligi, limfotsitlarning son jihatdan kamligi, qon tomirlarda massib to'laqonlik belgilari saqlanib turishi, stromada plazmatik bo'kish va retikuloepitelial hujayralarni o'siqlarinikichikligi, atrofida o'rta va kata limfotsitlarni haddan ziyod kamayganligi bilan izohlanadi. Bu ham timusni po'stloq qavati kata maydonni egallab, bo'lakchalar mag'iz qavatidagi postkapilyar venulalar orqali migratsiyalanayotgan kata o'lchamli limfotsitlarni deyarli bo'lmasligi, po'stloq qavat va mag'iz qavat nisbatlarini aniqlash imkoni bo'lmasligi, deyarli bir xil kattalikda bo'lishi, retikuloepitelial hujayralarning o'siqlari atrofida ko'p miqdorda kichik o'lchamli limfotsitlarni to'planishi, kortiko medullyar sohada differensiallanish maydonlarini yaqqol ko'rinishi bilan harakterlanadi. Po'stloq qavatga tashqi fibroz kapsulasini tarbekulyar ko'rinishda o'sib kirganligi, septal to'siqlarning keskin kengayishi, tarkibida fibroblastlar va kollagen tolali dag'al tuzilmalarning ko'p bo'lishi aniqlanadi. Shu bilan birga trabekulyar qon tomirlarining to'laqonligi, perivaskulyar sohada shakillangan intersetsial shishlarning rivojlanganligi, ko'p hollarda tuzilmalarida dezorganizatsiya o'choqarining bo'lishi aniqlanadi.

Xulosa

Demak, ekstrimal kam tana vazni bilan tug'ilgan chaqaloqlarda timusni hajmiy kichikligi, gistologik jihatdan po'stloq va mag'iz qavati chegaralarini bo'lmasligi, retikuloepitelial hujayralarni son jihatdan kamligi, limfotsitlarni asosan yetilmagan turini ko'pligi, oraliqda makrofaglarni bo'lishi "yulduzli osmon" manzarasi saqlanib turganligini tasdiqlaydi. Bu esa, T limfotsitlar yetishmovchiligini davom etayotganini ko'rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abbas AK, Lichtman AH. Basic Immunology: Functions and Disorders of the Immune System. 6th ed. Elsevier; 2020.
2. Kumar V, Abbas AK, Aster JC. Robbins and Cotran Pathologic Basis of Disease. 10th ed. Elsevier; 2020.
3. Haynes BF. The Human Thymus: Development and Function. Springer; 2018.
4. Savino W, Dardenne M. Thymus and immunity in early life. Immunol Today. 2017;38(4):200–12.
5. Polin RA, Abman SH. Fetal and Neonatal Physiology. 5th ed. Elsevier; 2019.



6. Gomella TL. Neonatology: Management, Procedures, On-Call Problems, Diseases, and Drugs. 8th ed. McGraw-Hill; 2020.
7. Avery GB, Fletcher MA, MacDonald MG. Neonatology: Pathophysiology and Management of the Newborn. 7th ed. Lippincott; 2018.
8. Moore KL, Persaud TVN. The Developing Human: Clinically Oriented Embryology. 11th ed. Elsevier; 2019.
9. Guyton AC, Hall JE. Textbook of Medical Physiology. 14th ed. Elsevier; 2021.
10. Zelin'skaya DI. Pathology of premature infants with extremely low birth weight. Moscow; 1995.
11. Tokoeva ZZ. Perinatal pathology in premature infants. St Petersburg; 1999.
12. Hofer M, et al. Thymic involution in preterm infants. *Pediatr Immunol J.* 2014;25(3):145–52.
13. Arnon S, Dolfen T. Respiratory distress syndrome in premature infants. *Neonatology.* 2013;104(2):89–96.
14. Ota MOC. Immune development in low birth weight infants. *Pediatr Res.* 2015;78(2):123–9.
15. Kliegman RM, St Geme JW. Nelson Textbook of Pediatrics. 21st ed. Elsevier; 2020.
16. Anderson G, Jenkinson EJ. Thymus organogenesis and T-cell development. *Immunol Rev.* 2012;247(1):7–22.
17. Roitt IM, Brostoff J, Male DK. Immunology. 7th ed. Mosby; 2011.



СРАВНИТЕЛЬНАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ МЕТОДОВ ЛУЧЕВОЙ ДИАГНОСТИКИ В ОНКОЛОГИИ ПРИ РАЗЛИЧНЫХ КЛИНИЧЕСКИХ ЗАДАЧАХ

Мамедова Гузаль Бакирович

Заместитель директора Центра детской гематологии, онкологии и клинической иммунологии

Файзиева Нозима Авазбек кизи

Самостоятельный соискатель Центра детской гематологии, онкологии и клинической иммунологии

Мадиярова Фарина Умидовна

Магистр Ташкентского международного университета образования

АННОТАЦИЯ: В работе проведён сравнительный анализ эффективности методов лучевой диагностики (МСКТ, МРТ, ПЭТ/КТ) у онкологических пациентов. Оценены показатели чувствительности, специфичности и диагностической значимости методов в зависимости от клинической задачи и локализации опухоли. Установлены различия в диагностической эффективности методов при выявлении, стадировании и мониторинге опухолевого процесса.

АКТУАЛЬНОСТЬ

Современная онкология характеризуется широким внедрением высокотехнологичных методов визуализации, включая МСКТ, МРТ и ПЭТ/КТ. Несмотря на их высокую информативность, выбор метода исследования в клинической практике часто осуществляется без учёта его диагностических характеристик, что приводит к снижению эффективности диагностики.

ЦЕЛЬ ИССЛЕДОВАНИЯ

Оценить диагностическую эффективность методов лучевой диагностики при различных клинических задачах у онкологических пациентов.

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

Работа основана на анализе результатов обследования **284 онкологических пациентов**, проходивших диагностику в 2022–2024 гг. Среди них мужчин было 136, женщин — 148, возраст варьировал от 21 до 74 лет.

Пациентам выполнялись методы лучевой диагностики:

- МСКТ — 284 исследования
- МРТ — 198 исследований
- ПЭТ/КТ — 126 исследований

Оценка проводилась по трём направлениям:

- первичное выявление опухоли
- стадирование



- мониторинг

Чувствительность и специфичность рассчитывались по стандартным формулам с использованием клинико-морфологической верификации.

РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ

Установлено, что МСКТ обладает высокой чувствительностью при выявлении опухолей лёгких и костных структур (до 88%), однако уступает МРТ при оценке мягкотканых образований.

МРТ продемонстрировала наибольшую чувствительность при опухолях головного мозга и органов малого таза (до 91%), особенно при оценке инвазии.

ПЭТ/КТ показала наивысшую диагностическую эффективность при стадировании (чувствительность до 94%, специфичность до 92%), что обусловлено возможностью оценки метаболической активности опухоли.

Выявлено, что при отсутствии дифференцированного подхода в 23% случаев отмечалось дублирование исследований.

ВЫВОДЫ

Методы лучевой диагностики обладают различной эффективностью в зависимости от клинической задачи. Необходим дифференцированный подход к их назначению с учётом диагностических характеристик.



ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ВНЕДРЕНИЯ ИНТЕГРИРОВАННОЙ СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ КАЧЕСТВА МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ В ЧАСТНОЙ МНОГОПРОФИЛЬНОЙ КЛИНИКЕ

Мамедова Гузаль Бакировна
Заместитель директора Центра

детской гематологии,
онкологии и клинической иммунологии

Гладков Иван Владимирович

Самостоятельный соискатель

Центра детской гематологии,

онкологии и клинической иммунологии

Мадиярова Фарина Умидовна

Магистр Ташкентского международного
университета образования

Аннотация: В работе представлена оценка эффективности внедрения интегрированной системы контроля качества медицинской помощи в частной многопрофильной клинике. Исследование проведено с использованием квазиэкспериментального дизайна с формированием групп до и после внедрения системы. В исследование включено 298 пациентов. Установлено достоверное улучшение клинических, организационных и пациент-ориентированных показателей. Внедрение системы сопровождалось снижением частоты повторных обращений, сокращением времени ожидания и повышением уровня удовлетворённости пациентов.

Актуальность. Внедрение систем управления качеством медицинской помощи является одним из приоритетных направлений развития здравоохранения. Несмотря на широкое распространение различных моделей оценки качества, их практическая эффективность в условиях частных медицинских организаций остаётся недостаточно изученной.

В современных условиях, когда конкуренция между медицинскими организациями усиливается, качество медицинской помощи становится ключевым фактором, определяющим эффективность деятельности и устойчивость клиники. Однако в большинстве случаев оценка качества осуществляется фрагментарно и не сопровождается объективным анализом результатов внедрения систем управления качеством.

Цель исследования: Оценить эффективность внедрения интегрированной системы контроля качества медицинской помощи в частной многопрофильной клинике.

Материалы и методы: Работа основана на результатах анализа деятельности частной многопрофильной клиники за период с 2023 по 2025 годы. В исследование включено 298 пациентов, получавших медицинскую



помощь в амбулаторных и стационарных условиях. Среди них мужчин было 132, женщин — 166. Возраст пациентов варьировал от 19 до 70 лет.

Все пациенты были распределены на две группы. В первую группу вошли 148 пациентов, получавших медицинскую помощь до внедрения системы контроля качества. Во вторую группу включено 150 пациентов после внедрения интегрированной системы. Группы были сопоставимы по полу, возрасту и структуре заболеваний.

Оценка эффективности проводилась на основании анализа трёх групп показателей: клинических, организационных и пациент-ориентированных.

Клинические показатели включали частоту осложнений, длительность лечения, частоту повторных обращений и случаи госпитализации после амбулаторного этапа. Организационные показатели включали время ожидания приёма, доступность записи, длительность оформления медицинской документации и соблюдение стандартов оказания медицинской помощи. Пациент-ориентированные показатели оценивались на основании анкетирования пациентов и включали уровень удовлетворённости, качество коммуникации с медицинским персоналом и общее восприятие медицинской помощи.

Анкетирование проводилось с использованием стандартизированного опросника по шкале Лайкерта. Сбор клинических данных осуществлялся на основании медицинской документации. Организационные показатели анализировались по внутренним отчётным данным клиники.

Статистическая обработка данных проводилась с использованием программного пакета SPSS версии 26.0. Для оценки различий между группами применялись t-критерий Стьюдента и χ^2 . Статистически значимыми считались различия при $p < 0,05$. Дополнительно рассчитывался размер эффекта (Cohen's d) для оценки клинической значимости изменений.

Результаты и обсуждение. В результате проведённого исследования установлено, что внедрение интегрированной системы контроля качества медицинской помощи сопровождается достоверным улучшением основных показателей деятельности клиники.

Сравнительный анализ показал, что частота осложнений снизилась с 12,8% в группе до внедрения до 9,6% после внедрения системы, что соответствует относительному снижению на 25%. Частота повторных обращений уменьшилась с 21,4% до 17,5%, что составляет снижение на 18%.

Организационные показатели также претерпели положительные изменения. Среднее время ожидания приёма сократилось с 42 ± 8 минут до 33 ± 6 минут, что соответствует снижению на 21%. Доступность записи на приём увеличилась на 19%, а длительность оформления медицинской документации сократилась на 16%.

Наиболее выраженные изменения отмечены в группе пациент-ориентированных показателей. Уровень удовлетворённости пациентов увеличился с $3,6 \pm 0,8$ до $4,5 \pm 0,6$ баллов по шкале Лайкерта, что соответствует



росту на 25%. Также отмечено повышение уровня доверия к медицинскому персоналу и улучшение оценки качества коммуникации.

Статистический анализ показал достоверные различия между группами по всем основным показателям ($p < 0,05$). Размер эффекта по ключевым параметрам варьировал от среднего до высокого (Cohen's d от 0,5 до 0,9), что свидетельствует не только о статистической, но и о клинической значимости полученных результатов.

Полученные данные подтверждают, что внедрение интегрированной системы контроля качества позволяет не только улучшить отдельные показатели, но и повысить общую эффективность функционирования медицинской организации.

Выводы. Внедрение интегрированной системы контроля качества медицинской помощи в частной многопрофильной клинике сопровождается достоверным улучшением клинических, организационных и пациент-ориентированных показателей. Полученные результаты подтверждают эффективность предложенного подхода и его целесообразность для практического применения. Интегрированные системы оценки качества могут рассматриваться как эффективный инструмент управления деятельностью медицинских организаций.



АЛЛЕРГИК РИНИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРНИ ДАВОЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Бекеев Ж.К.,
Хушвакова Н.Ж.
Самарқанд давлат
тиббиёт университети

Аллергик ринит (АР) амалий соғлиқни сақлашнинг долзарб муаммосидир. Клиник кўрсатмаларда таклиф этилган асосий даволаш схемаси ҳар доим ҳам атопик жараённинг барқарор ремиссиясига эришавермайди. Шунинг учун беморлар доимий равишда гипосенсибилизацияловчи ва кортикостероид дори воситаларини қабул қилишга мажбур бўладилар, бу эса уларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада ёмонлаштиради ва оила бюджетига доимий юк бўлади.

Ушбу шарҳнинг мақсади аллергия ринит билан оғриган беморларни даволашнинг долзарб масалаларини ўрганишдир.

Шарҳ материали E-library, Scopus ва Web of Science халқаро базаларида чоп этилган сўнгги 10 йилдаги илмий нашрлардан иборат.

Шарҳ натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, аллергия ринитни ўрганишга оид кўплаб маълумотлар мавжуд бўлишига қарамай, улар орасида яхлит ишлар йўқ, касалликнинг молекуляр-генетик хусусиятлари, ушбу патологиянинг шаклланишида турли генларнинг роли ўрганилган. Аллергия ринитларда анъанавий даволаш стратегияси қуйидагиларни ўз ичига олади: аллергияларни бартараф этиш; фармакотерапия; махсус иммунотерапия; беморни ўқитиш.

Нейроспесифик энолаза ва S100 оқсил нейроспесифик оқсиллар гуруҳига киради. Нейронспесифик энолаза барча дифференциалланган нейронларнинг маркери ҳисобланади, бироқ қоннинг формали элементларида, баъзи ўсма хужайраларида ҳам аниқланиши мумкин; унинг концентрацияси нерв тўқимаси шикастланганда ва нейронлар нобуд бўлганда ортади. Нерв системасидаги S100 оқсили нейронлар ва глия хужайраларининг функционал фаоллигига таъсир кўрсатади ва концентрациясига қараб ҳам нейротрофик, ҳам нейротоксик таъсир кўрсатиши мумкин. У бош мия шикастланиши ва гематоэнцефалик тўсик ўтказувчанлиги бузилишининг маркери сифатида ишлатилади. Нейроспесифик оқсиллар даражасининг ўзгариши кенг доирадаги патологик ҳолатларда (бош ва орқа мия жароҳатлари, мияда қон айланишининг бузилиши, нейроинфекциялар, асаб тизимининг дегенератив касалликлари, рухий бузилишлар, сепсис ва бошқалар) қайд этилади. Шу муносабат билан нейроспесифик оқсиллар концентрациясини аниқлаш ва даражасини динамик кузатиш асаб хужайраларининг шикастланиши ривожланадиган ва гематоэнцефалик тўсик яхлитлигининг бузилиши содир бўладиган турли хил касалликларни ташхислаш ва оқибатларини проноз



қилишда (олдиндан айтишда) қўлланилиши мумкин, фармакологик бозорда уларга нисбатан аутоантитанача препаратлар гуруҳининг пайдо бўлиши эса кейинги тадқиқотларни долзарб қилади. Ушбу обзор (тахлил) замонавий шароитларда нейроспецифик оксиллар даражасини аниқлашнинг этиологияси, диагностикаси ва амалий аҳамияти масалаларига бағишланган.

Тадқиқот мақсади ва усуллари: тадқиқотни мақсади, ЦВКда ишемик инсультдан кейинги турли муддатларда, ингичка ва йўғон ичаклар деворини динамикадаги морфологик ўзгаришлар ўрганишдан иборат. Тадқиқотда 45 та каламуш, ЦВК дан кейинги 7-15сутка (15 та), 16-21 сутка (15 та), 22-30 суткалик (15 та) даврлар 150-220 грлик каламушлар олинди. Назорат гуруҳи сифатида соғлом каламушлардан 6 таси олинди.

Натижа ва муҳокама: Цереброваскуляр касалликларда ривожланган ишемик инсультдан кейинги даврда, нерв вегетатив бошқарувни кескин пасайиши, ичак перистальтикасини суссайиши, ичакларни паретик кенгайиши, пневматози, сўрилишни бузилиши, микрофлорани ўзгариши каби ўзгаришлар шиллик қават қопловчи эпителийларида дистрофик, некробиотик ўзгаришларни юзага келишига сабаб бўлади. Оқибатида, ЦВКда ишемик инсультдан кейинги 3-7 суткаларда асосан, ичаклар шиллик қавати юзасини қопловчи эпителийларида мукоид бўқиш, десквация ўчоқлари, вакуол дистрофияга усрган хужайраларда ўчоқли кластмолиз, юза эрозив ўчоқларни шаклланиши, қадахсимон хужайраларни бўқиши ва некробиози, қон томирларида веноз тўлақонлик белгилари шаклланганлиги аниқланди.

Шиллик ости ва мушак қаватларида оралик шишларни шаклланиши аниқланди. Шиллик ва шиллик ости қаватларида гистиоструктураларда деструкция ва оралик толаларда бўқиш, толаларни ивиши, фрагментацияси, кам сонли лимфоцитларни тўпланиши, микроциркулятор ўзанда яллиғланишни илк босқичлари юзага келганлиги аниқланади. Сўрғичлар қалинлашган, оралик шишлар шаклланган, МАЛТ тузилмасида гиперплазия ўчоқлари, маргинал майдонларида реактив пролиферация ўчоқлари, периметрида макрофаглар ва кам сонли нейтрофиллар аниқланади. Бу каби ўзгаришлар ЦВКда ишемик инсультдан кейинги 3-7сутка ичида ривожланиши, ичаклар парези ва пенвматози, шиллик қаватларни десквацияси, некробиози, ўчоқли диапедез қон қуйилиши каби ўзгаришлар билан намоён бўлганлиги аниқланди.

Хулосалар

ЦВКда ишемик инсультдан кейинги 3-7 суткаларда асосан, ичаклар шиллик қавати юзасини қопловчи эпителийларида мукоид бўқиш, десквация ўчоқлари, вакуол дистрофияга усрган хужайраларда ўчоқли кластмолиз, юза эрозив ўчоқларни шаклланиши, қадахсимон хужайраларни бўқиши ва некробиози, қон томирларида веноз тўлақонлик белгилари шаклланганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар



1. Qamar A. A. et al. Platelet count is not a predictor of the presence or development of gastroesophageal varices in cirrhosis //Hepatology. – 2008. – Т. 47. – №. 1. – С. 153-159.
2. Reiner W., Melissa G., Markus. Pathological bacterial translocation in liver cirrhosis // Journal of Hepatology. 2014. Vol. 60. P. 197–209.
3. Salek J. et al. Recurrent liver failure in a 25-year-old female //Liver Transplantation. – 2010. – Т. 16. – №. 9. – С. 1049-1053.
4. Sinclair M. et al. sarcopenia in cirrhosis–aetiology, implications and potential therapeutic interventions //Alimentary pharmacology & therapeutics. – 2016. – Т. 43. – №. 7. – С. 765-777.
5. Smith T. N., De Moraes A. G., Simonetto D. A. Cirrhosis Management in the Intensive Care Unit //Seminars in Liver Disease. – Thieme Medical Publishers, Inc., 2023.
6. Stauber R. E. et al. Human nonmercaptalbumin-2: a novel prognostic marker in chronic liver failure //Therapeutic Apheresis and Dialysis. – 2014. – Т. 18. – №. 1. – С. 74-78.
7. Tandon P. et al. A practical approach to nutritional screening and assessment in cirrhosis //Hepatology. – 2017. – Т. 65. – №. 3. – С. 1044-1057.
8. Tandon P. et al. Exercise in cirrhosis: translating evidence and experience to practice //Journal of hepatology. – 2018. – Т. 69. – №. 5. – С. 1164-1177.
9. Tsien C. D., McCullough A. J., Dasarathy S. Late evening snack: exploiting a period of anabolic opportunity in cirrhosis //Journal of gastroenterology and hepatology. – 2012. – Т. 27. – №. 3. – С. 430-441.
10. Tsukanov V. V. et al. Роль эрадикации Helicobacter pylori в профилактике рака желудка //Терапевтический архив. – 2014. – Т. 86. – №. 8. – С. 124-127.
11. Valerio C. et al. Human albumin solution for patients with cirrhosis and acute on chronic liver failure: Beyond simple volume expansion //World journal of hepatology. – 2016. – Т. 8. – №. 7. – С. 345.
12. Van Vugt J. L. A. et al. Systematic review and meta-analysis of the impact of computed tomography–assessed skeletal muscle mass on outcome in patients awaiting or undergoing liver transplantation //American Journal of Transplantation. – 2016. – Т. 16. – №. 8. – С. 2277-2292.
13. Vincent J. L., De Backer D., Wiedermann C. J. Fluid management in sepsis: The potential beneficial effects of albumin //Journal of critical care. – 2016. – Т. 35. – С. 161-167.
14. Wang D. et al. Preoperative inflammatory markers of NLR and PLR as indicators of poor prognosis in resectable HCC //PeerJ. – 2019. – Т. 7. – С. e7132.
15. Who O. Traditional Medicine. Fact Sheet. 2007. no. 134, Revised May 2003
16. World Medical Association (2013). WMA Declaration of Helsinki – Ethical principles for medical research involving human subjects. Online. Retrieved 4 July 2021, from: <https://www.wma.net/policies-post/wma-declaration-of-helsinki-ethical-principles-for-medical-research-involving-human-subjects/>



17. World of Work Report 2013–Repairing the economic and social fabric. – 2013. -133p.
18. Zhang M. et al. Neutrophil-to-lymphocyte ratio and albumin: new serum biomarkers to predict the prognosis of male alcoholic cirrhosis patients //BioMed Research International. – 2020. – Т. 2020. – С. 1-7.
19. Zhao Y. et al. Early sorafenib-related adverse events predict therapy response of TACE plus sorafenib: A multicenter clinical study of 606 HCC patients //International journal of cancer. – 2016. – Т. 139. – №. 4. – С. 928-937.



УДК: 616-091-053.13-022

ҲОМИЛА ИЧИ ИНФЕКЦИЯСИДА ЙЎЛДОШНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ

Турсунов Х.З.
Абдуллаев Ш.Х.

Тошкент давлат
тиббиёт университети

Аннотация: Хомила ичи инфекциясида йўлдошни патоморфологик ўзгаришлари инфекция дарвозасига қараб гематоген инфекция ёки кўтарилувчи инфекцияларда турлича кечиши билан характерланади. кўтарилувчи йўл билан асосан бактерила инфекцияларни йўлдошга тушиши йўлдош пардалари ва йўлдошни онага қараган юзаларидаги ўткир экссудатив яллиғланиши билан намоён бўлади. Гематоген инфекцияларда эса кўзгатувчини қон томирлар орқали келиши вирусли инфекцияларга хос бўлиб, ўзгаришлар йўлдошни сўрғичларида аниқланади. Хомила ичи инфекциясида гематоген йўл билан инфекцияни тушиши йўлдош паренхимасида турли даражада яллиғланиш билан намоён бўлиб, йўлдошни компенсатор мосланиш механизмларини кучайиши кўринишида: синтицио-трофобластлар пролиферацияси, терминал сўрғичлар капилляр-ларини периферияга қараб силжиши, стромада сийрак ва дағал толали бирикитрувчи тўқимани кўпайиши, Гобфауер Кашенко хужайраларини периваскуляр эмас, перимембраноз жойлашиши аниқланади.

Калит сўзлар: йўлдош, хомила ичи инфекцияси, патоморфология, хомиладорлик.

Муаммони долзарблиги: Хомила ичи инфекциялари (интраутерин инфекциялар) перинатал ўлим ва касалланишнинг етакчи сабабларидан бири ҳисобланади. томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, дунё миқёсида неонатал ўлимларнинг тахминан 30–35% инфекция омиллари билан боғлиқ (*WХО, Newborns: импровинг сурвивал анд вэлл-беинг, 2020, Генева: WХО Пресс*). Бу эса хомила ичи инфекцияларининг глобал тиббиётдаги долзарблигини белгилайди. Хомила ичи инфекцияларининг патогенезида йўлдош (плацента) марказий ўрин тутади. Плацента она ва хомила ўртасида биологик барьер вазифасини бажаради, бироқ айрим патогенлар ушбу барьерни енгиб ўтиб, хомила тўқималарига тарқалади. манбасига кўра (*Бенирсче К., Буртон Г.Ж., Баэрген Р.Н., Патҳологй оф тхе Хуман Пласэнта, 6-нашр, 2012, Берлин: Спрингер*), плацентада ривожланадиган виллозит, интервиллозит ва хорионамнионит жараёнлари инфекциянинг вертикал трансмиссиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хомила гемодинамикаси ва озиқланишини кескин бузади. Ўпка хомила ичи инфекцияларида энг кўп зарарланадиган нишон аъзолардан бири ҳисобланади (*Кумар В., Аббас А.К.,*



Астер Ж.С., Роббинс анд Сотран Патҳологис Басис оф Дисеасе, 10-нашр, 2020, Пҳиладеллҳиа: Элсевьер). Интраутерин инфекциялар натижасида ўпкада интерстициал пневмония, диффуз альвеоляр шикастланиш, ИИ-тип пневмоцитлар дисфункцияси ва сурфактант етишмовчилиги ривожланади. Бу эса неонатал респиратор дистресс синдроми ва юқори ўлим кўрсаткичларига олиб келади. Сўнгги йилларда иммун жавоб механизмларининг роли алоҳида эътибор қаратилаётган йўналишлардан бири ҳисобланади. Маълумотларига кўра (СДС, Сонгенитал Инфестионс, 2021, Атланта: СДС), интраутерин инфекцияларда ИЛ-6, ТНФ- α каби яллиғланиш цитокинлари экспрессиясининг ошиши, макрофаг ва лимфоцитларнинг фаоллашуви плацента ва ўпка тўқималарида деструктив жараёнларни кучайтиради. Шу билан бирга, замонавий илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳомила ичи инфекцияларида ўпка ва йўлдошдаги морфологик ўзгаришлар кўпинча алоҳида ўрганилган бўлиб, уларнинг ўзаро патогенетик боғлиқлиги етарли даражада очиб берилмаган. Айниқса, иммуногистокимёвий маркерлар асосида комплекс баҳолаш масаласи ҳозирги кунгача етарли даражада тизимлаштирилмаган.

Натижа ва мукхокама. Хомила ичи инфекциясида йўлдошда юзага келадиган ўзгаришлар йўлдош паренхимасида гематоген йўл орқали келган инфекция ўчоқларидаги яллиғланишга боғлиқ бўлиб, кўзғатувчи вирус табиатли бўлганда қуйидаги ўзгаришлар аниқланади.

Йўлдош ворсиналарининг (сўрғичлари) яллиғланиши бўлиб, асосий яллиғланиш инфилтрати ворсиналарни стромасида, сўрғичлар атрофида ва трофобластлар атрофида бўлиши билан характерланиб, аксарият синтициотрофобластларни пролиферацияси билан намоён бўлади. ва периваскуляр соҳаларида аниқланади. бу эса, фетоплацентар тўсиқда гемодинамик бузилишларга хомила гипоксиясига олиб келиши янги туғилган чақалоқларни муддатдан олдин туғилишига ва РДС синдроми, пневмонияларни юзага келиши билан характерланади. Бу эса, айнан хомила ичи инфекциясида йўлдош ва чақалоқ ўпкалари орасида инфекцион омилни қайта тарқалишига олиб келади. жараёнга йўлдош қон томирлари ҳам жалб этилиб васкулит кўринишда ораликда лимфоцитар инфилтрация ўчоқларини бўлиши билан характерланади. натижада киндик тизимчаси ва фуникулит билан бирга ривожланишига олиб келади. синтициотрофоластларда бир вақтни ўзида дистрофик ривожланиш амнион пардадаги хужайраларни гипо ёки гиперфункционал ҳолатига боғлиқ ҳолда ўчоқли гипертрофия ёки ясси хужайрали металпастик ўзгаришларга олиб келиши мумкин. сўрғичлар стромасида интерстициал шишилар, сийрак толали бириктирувчи тўқимани кўпайишига олиб келади ва атрофида фибриноид ва фибриноид некрозларни ривожланишини стимуллади. йўлдош томирларидаги яллиғланиш ўчоқлари майда томирларда тромбоз ёки эмболияларни ривожланишига олиб келади. бу эса, иккиламчи ва киндик тизимчасидаги майда калибрли томирларни облитерациясига олиб келиши билан намоён бўлади.



Агар, инфекция оқими кўтарилувчи йўл билан тарқалса, бактериал инфекция таъсирида нейтрофил инфильтрация ўчоқлари, майда йирингли гистолит ўчоқлари аниқланиб, плацентани шу соҳада йиринг таначаларини бўлиши билан характерланади.

Хулоса

Хомила ичи инфекциясида йўлдошни инфекцияси чақалоқ туғилганидан кейин ўпкаларида мустақил нафас олишни қийинлаштириши ва иккиламчи инфекция таъсирида РДС синдромини ривожланишига олиб келиши билан характерланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Чурикова Т. С. Плацента при хронической герпесвирусной инфекции: морфологические изменения и перинатальные последствия //Бюллетень физиологии и патологии дыхания. – 2025. – №. 97. – С. 152-159.
2. Низяева Н. В. и др. Влияние новой коронавирусной инфекции covid-19 на систему «мать–плацента–плод» //Вестник Российского государственного медицинского университета. – 2021. – №. 2. – С. 27-34.
3. Арестова, И.М. Диагностика, лечение и профилактика некоторых инфекций, специфичных для перинатального периода. Особенности подготовки к беременности / И.М. Арестова, Н.И. Киселева, Н.П. Жукова, Н.С. Дейкало // Охрана материнства и детства – 2015. – №1 (25). – С. 41-51.
4. Боровкова, Л.В. Современный взгляд на проблему невынашивания беременности инфекционного генеза / Л.В. Боровкова, С.О. Колобова // Ремедиум Приволжье. – 2016. - №3 (143). – С. 19-24.
5. Луценко, М.Т. Морфофункциональная характеристика формирования связи эмбриона с плацентой при обострении у беременной цитомегаловирусной инфекции / М.Т. Луценко, И.А. Андриевская, И.В. Довжикова // Бюллетень физиологии и патологии дыхания. – 2013. – № 50. – С. 68-73.
6. Перепелица С. А. и др. Воспалительные изменения в плаценте и бактериальная инфекция у недоношенных новорожденных с дыхательной недостаточностью //Общая реаниматология. – 2012. – Т. 8. – №. 3. – С. 18-24.
7. Перепелица С. А., Смердова Е. Ф. Дифференциальная диагностика врожденной пневмонии у новорожденных с низкой и экстремально низкой массой тела (морфологическое исследование) //Общая реаниматология. – 2018. – Т. 14. – №. 4. – С. 4-14.
8. Якимова А. В. и др. Структурные изменения в плаценте женщин, перенесших во время беременности новую коронавирусную инфекцию COVID-19 (обзор литературы) //Акушерство, гинекология и репродукция. – 2022. – Т. 16. – №. 6. – С. 732-743.
9. Кречкивская И. В. и др. Клинико-ультразвуковая и морфологическая характеристика церебральной ишемии тяжелой степени у новорожденных с внутриутробной моно-и микст-респираторной вирусной инфекцией //Бюллетень физиологии и патологии дыхания. – 2017. – №. 66. – С. 60-64.



10. Луценко М. Т. Морфофункциональные изменения в легких плода при внутриутробной цитомегаловирусной инфекции //Бюллетень физиологии и патологии дыхания. – 2014. – №. 53. – С. 95-98.



**ТУҒРУҚДАН КЕЙИНГИ БАЧАДОНДАН АНОМАЛ ҚОН
КЕТИШИДА БУЙРАК УСТИ БЕЗИНИ МОРФОМЕТРИК
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Аллаберганов Дилшод Шавкатович
Тошкент давлат тиббиёт университети
0009-0003-1558-5101

Юлдашев Иброхим Босим ўғли
ОРСИД 0009000812685349

Аннотация: Туғруқдан кейинги даврда бачадондан аномал қон кетишида буйрак усти безини морфометрик кўрсаткичлари бўйича асосий жихатлар пўстлоқ ва мағиз қаватидаги хужайраларни сон ва хажмий катталашганлиги аниқланади. Бу ҳам қон кетишига жавобан компенсатор мосланиш механизмларига асосланган холда, спангиоцитлар ва мағиздаги тўқ хужайраларни пролифератив фаоллиги натижасида юзага келади. унга кўра бачадондан қон кетиши бошланган 24 соатгачам бўлган муддатда буйрак усти безида тўлақонлик гиперпродукция ва бошқа кўрсаткичларини кучайиши без эпителиларини катталашишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида хужайраларда ёғли киритмаларни ошиб кетишига олиб келади. 48 соатда эса бу кўрсаткичлар 2 мартга кичиклашиб хужайраларда дистрофик ва некробиотик ўзгаришларни ривожланишига олиб келгналигини тасдиқлайди.

Калит сўзлар: мултиплесли морфометрия, бачадондан аномал қон кетиши, буйрак усти бези, патоморфология.

Муаммони долзарблиги: Туғруқдан кейинги даврда бачадондан аномал қон кетиши ва оналар ўлими долзарб муаммолар бири бўлиб, бутун дунёда аҳолини барча иштимой иқтисодий жихатларини белгиловчи муҳим мезон бўлиб, ЮНИСЕФ 2020 маълумотлари бўйича, дунёда хомиладор аёллар ўлими 2021 йилда 287000 мингтани ташкил этган. Бу эса 72,3% ни ривожланаётган давлатлар хиссасига тўғри келишини кўрсатади. АҚШ ва Европа давлатларида оналар ўлими ўртача, 100 мингта хомиладор аёлларга 24 тани ташкил этса, Россия Федерациясида бу кўрсаткич 100 мингтага 36,5 тани, Азәрбайжан, Албания, Арманистон, Босния ва Герцеговина, Грузия, Туркия, Қирғизистонда бу кўрсаткич 100 мингтага 61,3 тани ташкил этса, Тожикистон ва Туркманистонда бу кўрсаткич юритилмаганлиги, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2022 йилда 100 мингтага 179 тани ташкил этганлиги аниқланган. Бу кўрсаткични яънада давом эттириш мумкин бўлиб, энг кўп оналар ўлими кузатиладиган давлатлар булар учинчи давлатлар ёки ривожланаётган, МДХ давлатларида юқори кўрсаткичлар билан характерланади. Айнан, оналар ўлимида турли этиологияли танотогенезни муҳим жихатлари, бу хомиладорликка алоқадор ва алоқадор бўлмаган касалликлар бўлиб, аксарият, репродуктив аёлларда экстрагенитал касалликларни хомиладорлик пайтида



кўзиши ёки скрининг қилиш имкониятини бўлмаслиги билан характерланиб, хомиладорликни 2-3 нчи триместидида тўсатдан эндокрин бузилишлар жумладан буйрак усти безининг патологиялари муҳим ҳисобланади.

Эътиборли жиҳатларидан бири, бу иштимой омиллардан бири бўлган стрессор омиллар хомиладорларда кортико-гипоталамо-гипофизар ва симпатoadренал тизимни ўзаро интеграл боғлиқлигини издан чиқариши оқибатида мураккаб патогенетик механизмни юзага келиши ва жуда мавҳум бўлган симпатoadренал тизимдаги бузилишлар оқибатида, хомиладор аёлларда буйрак усти безининг етишмовчилиги ёки гиперфункционал ҳолатини юзага келиши преэклампсия ва эклампсия ривожланишига олиб келиши оналар ўлимини юқори кўрсаткичлар билан намоён қилади. Бу эса, мутлоқ долзарб ва муҳим бўлган муаммони айна пайтда тўғри танланганлиги ва заруратини тақозо этади. Тадқиқотимизни мазмуни ҳам турли этиологияли оналар ўлимида буйрак усти безининг патоморфологияси ва танотагенез механизмни ишлаб чиқиш ва тавсия орқали юқорида келтирилган кўрсаткичларни камайтиришдан иборатдир.

Муҳокама ва натижалар: Қуйида туғруқдан кейинги аномал қон кетиши (ППҚК) шароитида буйрак усти безининг барча қаватларида кузатиладиган морфометрик ўзгаришлар шартли ўртача қийматлар асосида келтирилди (мкм да). Қийматлар адабиётлар ва патоморфологик кузатувларга таянилган ҳолда умумлаштирилган.

ППҚКда асосий патогенетик омил — гиповолемиа ва гипоксия бўлиб, бу биринчи навбатда буйрак усти беши кортикал қаватига таъсир қилади.

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (меъёрда)	ТАҚК (геморрагик шок ҳолатида)	Ўзгариш характери
Буйрак усти беши вазни (гр)	10.0 – 12.0	13.5 – 15.0	Вазнининг ошиши (шиши ва қонга тўлиши ҳисобига)
Пўстлоқ қават қалинлиги (мкм)	1000 – 1200	1400 – 1600	Гипертрофия ва шиш ҳисобига қалинлашиш
Коптокчали зона қалинлиги (мкм)	150 – 180	120 – 140	Десплайция ёки дистрофик ўзгаришлар
Дастали (пучоқли) зона қалинлиги (мкм)	600 – 800	900 – 1100	Глюкокортикоидларга эҳтиёж ортиши ҳисобига кенгайиш
Тўрсимон зона қалинлиги (мкм)	150 – 220	250 – 300	Компенсатор кенгайиш



Мағиз (мия) қават қалинлиги (мкм)	250 – 350	450 – 550	Адреналин ажралиши ва веноз димланиш ҳисобига кенгайиш
Томирлар майдонининг зичлиги (%)	8 – 10	18 – 22	Кескин қонга тўлиш ва стаз

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари туғруқдан кейинги аномал қон кетиши (ТАҚК) ва унинг оқибатида келиб чиқадиган геморрагик шокнинг буйрак усти бези тузилишига таъсирини тавсифлайди. Қуйида ҳар бир кўрсаткич ва ундаги ўзгаришларнинг илмий-патоморфологик талқини (таърифи) берилган:

1. Органнинг умумий вазни ва ҳажми

ТАҚК вақтида буйрак усти бези вазнининг 10-15% га ортиши кузатилади. Бу бевосита органнинг паренхиматоз шиши ва микроциркулятор ҳавзадаги ўткир веноз димланиш билан боғлиқ. Геморрагик шок ҳолатида организмнинг компенсатор реакцияси сифатида буйрак усти безларига қон оқими кучаяди.

2. Пўстлоқ қават (Cortex) динамикаси

Пўстлоқ қаватнинг умумий қалинлашиши асосан унинг **дастали (пучоқли) зонаси** ҳисобига содир бўлади.

Дастали зона (Zona fasciculata): Бу зона глюкокортикоидлар (кортизол) ишлаб чиқариш учун жавобгар бўлиб, постгеморрагик шок ҳолатида адаптацион гормонларига эҳтиёж кескин ортиши оқибатида, хужайраларнинг компенсатор гипертрофиясига (катталашишига) олиб келади.

Коптокчали зона (Zona glomerulosa): ТАҚКда бу зонада қалинликнинг бироз камайиши ёки хужайралар дистрофияси кузатилиши мумкин, чунки асосий функционал юклама кортизол синтезига йўналтирилади.

3. Мағиз қават (Medulla) реакцияси

Мағиз қаватнинг кенгайиши (450–550 мкм гача) организмнинг компенсатор мосланиш механизми реакциясини акс эттиради. Бу ерда жойлашган хроммафин хужайралари қонга катта миқдорда адреналин ва норадреналин чиқаради. Морфометрик жиҳатдан бу жараён мағиз қават синусоидларининг кескин кенгайиши ва хужайралар оралиғидаги шиш билан намоён бўлади.

4. Микроциркулятор кўрсаткичлар

Томирлар майдони зичлигининг 2 баробардан зиёд ортиши (8% дан 22% гача) қуйидаги патологик жараёнлардан далолат беради:

Гиперемия: Капиллярлар ва майда веналарнинг қонга тўлиб кетиши.

Стаз: Қон оқимининг секинлашиши ёки тўхтаб қолиши, бу эса кейинчалик тўқима гипоксиясига олиб келади.

Диapedез қон қуйилишлар: Томир деворлари ўтказувчанлиги ортиши натижасида эритроцитларнинг тўқима орасига чиқиб кетиши.



5. Хужайра даражасидаги ўзгаришлар (Делипидизация)

Таърифнинг муҳим қисми — бу хужайра ичидаги липид томчиларининг камайишидир. Нормада буйрак усти беши пўстлоқ қавати хужайралари холестерин ва липидларга бой бўлади (гормонлар учун хомашё). ТАҚҚда бу захиралар тез сарфланиб кетгани сабабли, микроскоп остида хужайралар "очиқ" ёки "бўш" бўлиб кўринади.

Хулоса: Жадвалдаги кўрсаткичлар ТАҚҚда буйрак усти безининг **функционал зўриқиш** ҳолатида эканлигини ва оғир қон йўқотишга жавобан ўзининг барча захираларини сафарбар қилганини кўрсатувчи объектив морфометрик мезонлардир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Owen MD, Cassidy AL, Weeks AD. Why do women still die from obstetric hemorrhage? Descriptive overview of high and low resource perspectives. *Int J Obstet Anesth.* 2021;46:102982.
2. Evensen A, Anderson JM, Fontaine P. Postpartum hemorrhage: prevention and treatment. *Am Fam Physician.* 2017;95:7:442-449.
3. Клинические рекомендации (протокол лечения) Министерства здравоохранения Российской Федерации №01-02/366 от 24.05.21. «Послеродовое кровотечение». Ссылка активна на 23.03.22. Clinical recommendations (treatment protocols) of Ministry of health of Russian Federation №01-02/366 from 24.05.2021 «Postpartum hemorrhage». Accessed March 23, 2022. (In Russ.).
4. Лебеде́нко Е.Ю., Розенберг И.М., Михельсон А.Ф., Михельсон А.А. Отдаленные последствия массивной кровопотери в родах. *Акушерство и гинекология: новости, мнения, обучение.* 2019;25:3:47-54. Lebedenko EYu, Rozenberg IM, Mikhel'son AF, Mikhel'son AA. Long-term consequences of massive blood loss during childbirth. *Akusherstvo i ginekologiya: novosti, mneniya, obuchenie.* 2019;25:3:47-54 (In Russ.).
5. Zaat TR, van Steijn ME, de Haan-Jebbink JM, Olf M, Stramrood CAI, van Pampus MG. Posttraumatic stress disorder related to postpartum haemorrhage: A systematic review. *Eur J Obstet, Gynecol Reprod Biol.* 2018;225:214-220.
6. Mbakwa MR, Tendongfor N, Ngunyi YL, Ngek ESN, Alemkia F, Egbe TO. Indications and outcomes of emergency obstetric hysterectomy; a 5-year review at the Bafoussam Regional Hospital, Cameroon. *BMC Pregn Childbirth.* 2021;1:323.
7. Tahmina S, Daniel M, Gunasegaran P. Emergency peripartum hysterectomy: a 14-year experience at a Tertiary Care Centre in India. *J Clin Diagn Res.* 2017;11:9:8-11.
8. Qatawneh A, Fram KM, Thikerallah F, Mhidat N, Fram FK, Fram RK, Darwish T, Abdal lat T. Emergency peripartum hysterectomy at Jordan University hospital — a teaching hospital experience. *Menopausal Rev.* 2020;19:2:66-71.



**МУДДАТДАН ОЛДИН ЧАЛА ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА
РИВОЖЛАНГАН ПНЕВМОПАТИЯЛАРДА ГИПОФИЗНИ
ГИСТОКИМЁВИЙ ЖИХАТЛАРИ**

Аллаберганов Дилшод Шавкатович
0009-0003-1558-5101

УРГАНЧ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Исроилов Асилбек Мухиддин ўғли

asilbekisroilov1994@gmail.com

ORCID 0009-0003-4176-6838

Аннотация: Муддатдан олдин чала туғилган чақалоқларда ривожланган пневмопатияларда гипофизни гистокимёвий жихатлари асосан, гипофизда нордон табиатли метаболитларни тўпланиши билан характерланади. Бу ШИФФ ва ШИК бўёқларида ўз исботини топади. 28-34 хафталикда туғилган чақалоқларда пневмопатиялар асосан РДСдан нобуд бўлганларда аденогипофизда нейтрал ва нордон мукополисахаридларни без стромаси ва базофил хужайралар цитоплазмасида кўп миқдорда тўпланиши жараёнда гипоксияни устун турганлиги ва нейтрал ШИК мусбат тузилмаларни вақт оралигида нордон табиатли мукополисахаридларга айланиши аниқланди. Бу эса, базофил хужайралар мембранаси ўтказувчанлигини ошиб кетиши, базофил хужайралар периметрида ШИФФ мусбат тузилмаларни кўпайиши ва тўқима гистолози бошланганлигини англатади. Дастлаб гидропик дистрофия ва фокал колликвацион некроз ўчоқларини шаклланиши билан давом этганлиги аниқланди.

Калит сўзлар: чала туғилган чақалоқ, гипофиз, гистокимёвий текшириш, ШИК, ШИФФ мусбат тузилмалар, респиратор дистресс синдром.

Муаммони долзарблиги: Дунёда янги туғилган чақалоқлар бўйича, неонатология соҳасининг асосий муаммолардан бири, бу – респиратор дистресс синдром (РДС) хисобланиб, ҳар йили 100 мингта туғруққа, 12,6-30,7 тасида бевосита ўлимга олиб келувчи омил хисобланади. АҚШ ва Европада бу кўрсаткич ҳар йилига ўртача, 24000-40000 мингтани ташкил этса, Буюк Британия ва Канада давлатларида чала туғилганларни жами 53,1% ни ташкил этади. Россия федерацияси 1000 та туғруққа 3.7-4.5 тани ташкил этгани аниқланди. МДХ давлатларида бу кўрсаткич ўртача, 1000 та туғруққа 30-70 тани ташкил этиб, Ўлим кўрсаткичи бўйича етакчи ўринларда туради. РДС синдроми асосан чала туғилганларни 67,7% да учраши ва турли оғир асосатлардан ўлим кўрсаткичи бўйича 40-77,8% ни ташкил этиши билан муаммони долзарблигини англатади.

Ҳар йили дунё бўйича 1 млн чақалоқ чала туғилиши оқибатида, нобуд бўлади, ривожланган биринчи давлатларда бу кўрсаткич эрта профилактикаси сабабли, ўлим кўрсаткичи 40-60% ни ташкил этса, ривожланаётган давлатларда



60-77,8% ни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар муаммони долзарблиги билан бирга заруратини тақозо этади. Мамлакатимизда, муддатдан олдин туғилган чақалоқларда РДС синдроми билан хасталанганлардан 1000та чала туғилганларга ўлим кўрсаткичи 70-231 тани ташкил этади. бу эса, муддатдан олдин туғруқларда скринг текширишуви ёки профилактик чора тадқибларни тўлақонли амалга оширилмаганлигини англатади.

Тадқиқот мақсади: Фарғона вилояти мисолида муддатдан олдин туғилган ва респиратор дистресс синдромидан нобуд бўлган чақалоқлар гипопизини патоморфологияси ўрганишдан иборат.

Материал ва усуллар: Фарғона вилояти патологик анатомия бўлимида пневмопатия ва РДС синдромидан нобуд бўлган 69та чақалоқлар аутопсиясида гипопиз тўқимаси олинган. Микронамуналар гематоксилин эозин бўёғида бўялди ва ўрганилди.

Муҳокама ва натижалар: муддатдан олдин чала туғилган чақалоқлар гипопизи олдинги бўлагиди яъни аденогипофизни хромофил хужайраларига мансуб бўлган ацидофил ва базофил хужайраларида тўқ интенсивликда бўялиши аниқланади. Дастлаб ШИК усулида текширилганда, ацидофил хужайралар цитоплазмасида нейтрал табиатли мукополисахаридларни тўпланиши ва шу билан бирга, ШИФФ мусбат тузилмаларни стромада тўпланиши аниқланади. Бу аденогипофизда метаболик бузилишлар ва стрессор омилларга жавобан базофил АКТГ ва ТТГ хужайраларда гиперфункционалик аниқланиб, майда калибрли қон томирларни тўлақонлиги, эритростаз, сладж феномени, плазматик бўкиш ва стромадаги инертсициал шишилар таркибида нордон табиатли ШИФФ мусбат тузилмаларни кўп бўлиши гипопизда катаболик жараёнлар устунлигини тасдиқлайди. Натижада, аденогипофизни стромасини ташкил этувчи сийрак толали бирикитрувчи тўқима ва майда калибрли қон томирлар, капиллярлар девори аррозив емирилиши оқибатида гипопизга ўчоқли қон қуйилишлар ривожланганлигини англатади. Оқибатида, гипопизни вазн кўрсаткичларини меёрга нисбатан 25-33% гачам ошганлиги, базофил хужайраларни хажман катталаниши эса, ШИК ва ШИФФ мусбат тузилмалар таъсирида метаболизмни кучайганлиги билан ўз тасдиғини топади.

Хулоса

Демак, гистокимёвий жихатдан муддатдан олдин чала туғилган чақалоқларда юзага келган респиратор дистресс синдромидида ривожланган гипоксия жараёни гипопизни олдинги бўлагига халокатли таъсирларидан бири бу, хужайра ичи ва хужайрадан ташқари мухитда ШИФФ, ШИК мусбат тузилмаларни кўп синтезланиши оқибатида, метаболик ацидозни юзага келганлиги ва барча толали тузилмаларда қисқа муддатда деструктив, дегенератив ўзгаришлар аниқланса, хужайраларда гидропик дистрофия, некробиоз жараёнларини юзага келганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар



1. Аверьянов А.В., Румянцев А.Г. Неонатология. Национальное руководство. М.: ГЭОТАР-Медиа, 2020. 896 с.
2. Сухарева Л.М. Неонатальная гипоксия. М.: ГЭОТАР-Медиа, 2017. 224 с.
3. Баранов А.А., Намазова-Баранова Л. С. Перинатальная патология. М.: ПедиатрЪ, 2019. - 412 с.
4. Беляева И. А. Гипоксические поражения ЦНС у новорождённых. М.: Медицина, 2016. 304 с.
5. Бокерия Л.А. Морфология гипоксических состояний. М.: Наука, 2015. 288 с.
6. Виноградова Т.А. Эндокринная система в онтогенезе. СПб.: СпецЛит, 2017. 240 с.
7. Волков А.Н. Патоморфология перинатального периода. М.: МИА, 2018. 368 с.
8. Гайворонский И.В. Анатомия и гистология гипофиза. СПб.: ЭЛБИ-СПб, 2016. 184 с.
9. Глуховец Б.И. Патоморфология гипоксически-ишемических повреждений у новорождённых // Архив патологии. 2017. - №5. С. 3-10.
10. Григорьев К. И. Эндокринология детского возраста. М.: ГЭОТАР-Медиа, 2021. 512 с.
11. Дементьева Г.М. Респираторные расстройства у новорождённых. М.: Медицина, 2015. 272 с.
12. Елисеева Е.В. Морфология гипоталамо-гипофизарной системы при гипоксии // Морфология. 2018. Т. 153, №4. С. 45-50.
13. Журавлёва Т.Д. Неонатальная патология. СПб.: Питер, 2019. 640 с.
14. Иванов Д.О. Перинатальная медицина. СПб.: СпецЛит, 2020. 512 с.
15. Ильин А.В. Гистология эндокринных органов. М.: Практика, 2016. 296 с.
16. Климов Л.Я. Морфологические основы эндокринной патологии. М.: Медицина, 2014. 320 с.



ТАЖРИБАВИЙ ИШЕМИК ИНСУЛЬТДАН КЕЙИНГИ 7-14 СУТКАДА ИНГИЧКА ВА ЙЎҒОН ИЧАКЛАРДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

Ашурова Нигора Файзуллаевна
Тошкент давлат тиббиёт университети
nigora88nevro@gmail.com
[Orcid.org/0009-0008-1136-9133](https://orcid.org/0009-0008-1136-9133)

Аннотация: Тажрибавий ишемик инсультдан кейинги даврда ичакларни динамикадаги 7-14 суткасидаги морфологик ўзгаришларида, шиллик қаватда қопловчи эпителийларида десквамациядан ташқари, хужайраларни хажман кичиклашиши, қадахсимон хужайраларни хажман кичиклашганлиги ва камайганлиги, сўрғичлар стромасида фибробластлар ва гистиоцитларни пролифератив фаоллигини ошиб кетиши, сийрак бирикитрувчи грануляция тўқимани шиллик ости қаватида шаклланиши аниқланади. Натижада, шиллик, шиллик ости, мушак қаватларида некробиоз ва некрозга учрган хужайралар атрофида лимфогистиоцитар инфильтрация ўчоқларни ўрта темпда ривожланиши, томирлар перимтерида яллиғланиш инфильтратларини шаклланиши каби ўзгаришлар аниқланди. Паретик кенгайган ичалар деворида гиперцеллюлярлик манзарасини кескин камайганлиги аниқланади.

Калит сўзлар: Ишемик инсульт, динамикадаги морфологик ўзгаришлар, дистрофия, некроз, ингичка ичак, йўғон ичак.

Мауаммони долзарблиги: Инсульт жуда кенг тарқалган касаллик ҳисобланади. Регистр усулида ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар натижаларига кўра, 2001 йилда Россияда 25 ёшдан ошган шахсларда бош мия қон айланишининг ўткир бузилишининг 9998 та янги ҳолати (Стаховская Л.В. ва бошқ., 2003), 2010-2012 йилларда инсультнинг 25877 та ҳолати (Клочихина О.А. Стаховская Л.В., 2014) қайд этилган. Сўнгги йилларда инсультни бошдан кечирганлар сонининг кўпайиши кузатилмоқда, шу билан бирга ушбу касаллик бўйича ўлим даражаси камаймоқда (Стаховская Л.В. ва бошқ., 2013), бу, биринчи навбатда, ушбу тоифадаги беморларга ёрдам кўрсатишни модернизация қилинганлиги билан изоҳланади. Тромболизис каби янги даволаш усулларини жорий этиш ва инсультни даволаш учун ихтисослаштирилган бўлимлар каби маҳсус ёрдам турларини ривожлантириш инсультни даволашнинг самарадорлиги ва беморларнинг узоқ умр кўришига ёрдам беради. Тирик қолганлар сони кўпайиши билан меҳнатга лаёқатсиз, реабилитацияга муҳтож одамлар сони ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Ишемик инсультдан кейин беморларни тиклашга ёндашувлар хилма-хил бўлиб, улар ҳаракат бузилишлари (Иванова Г.Е., Литвинюк Я.И., 2012; Иванова Г.Е., Артемова Е.Н. 2015; Суворов А.Ю., Иванова Г.Е., 2015), каби олий психик функцияларни тиклашни ҳам ўз ичига олади ([Григорьева В.Н. ва



бошқ. 2006; Иванова Г.Е. ва бошқ., 2009). Бироқ бемор таклиф этилаётган дастурларда фаол иштирок этилмаса, реабилитация самарасиз бўлиб қолаверади. Шу сабабли, сўнгги йилларда Ишемик инмультидан кейинги рухий бузилишларга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда, бу ҳам хулқ-атвор, ҳам патофизиологик механизмлар бўйича неврологик нуқсонларнинг йўқ бўлиб боришини ва беморнинг кундалик ҳаётидаги фаолиятини пасайтиради (Уллберг Т. эт ал., 2016; Зиа Э. ва бошқ. 2016).

Ишемик инмультидан кейинги инсон органлари фаолиятининг бузилишларининг клиникаси ва патогенезини ўрганиш асосан чет эл тадқиқотчилари (Astroem M. et al., 1993; House A., 1991; Gainotti G. et al., 1997; Robinson RG, 2006) томонидан олиб борилган. Ушбу тадқиқотларнинг аксарияти Ишемик инмультидан кейинги даврнинг 2-3 нуқтасида беморларни ўрганишни ўз ичига олган ва фақат АҚШ, Швеция, Финляндияда ўтказилган айрим ишларда (Astroem M. et al., 1993; Castillo C.S., Robinson R.G., 1994; Kotila M. et al. , 1999) ўткир, эрта ва кечки тикланиш даврларининг бир нечта нуқталарида проспектив кузатувдан фойдаланганлар.

Бош миянинг ўчоқли лат ейишларида аксонал ва нейронал некрозлар, нерв тўқимаси метаболизмнинг бузилиши, нервларни яллиғланиши травматик касалликнинг патогенетик бўғинлари ҳисобланади. Патогенетик билан бир қаторда, хужайра ичидаги тикланишни (регенерация), ремиелинизатсия ва нейропластикликни ўз ичига олган саногенетик бўғинларнинг фаоллашуви ҳам содир бўлади [Agadzhanian V.V., 2006; Moroz V.V., 2001].

Нейроспетсифик энолаза ва S100 оксил нейроспетсифик оксиллар гуруҳига киради. Нейронспетсифик энолаза барча дифференциалланган нейронларнинг маркери ҳисобланади, бироқ қоннинг формали элементларида, баъзи ўсма хужайраларида ҳам аниқланиши мумкин; унинг концентрацияси нерв тўқимаси шикастланганда ва нейронлар нобуд бўлганда ортади. Нерв системасидаги S100 оксили нейронлар ва глия хужайраларининг функционал фаоллигига таъсир кўрсатади ва концентрациясига қараб ҳам нейротрофик, ҳам нейротоксик таъсир кўрсатиши мумкин. У бош мия шикастланиши ва гематоэнцефалик тўсиқ ўтказувчанлиги бузилишининг маркери сифатида ишлатилади. Нейроспетсифик оксиллар даражасининг ўзгариши кенг доирадаги патологик ҳолатларда (бош ва орқа мия жароҳатлари, мияда қон айланишининг бузилиши, нейроинфекциялар, асаб тизимининг дегенератив касалликлари, рухий бузилишлар, сепсис ва бошқалар) қайд этилади. Шу муносабат билан нейроспетсифик оксиллар концентрациясини аниқлаш ва даражасини динамик кузатиш асаб хужайраларининг шикастланиши ривожланадиган ва гематоэнсефалик тўсиқ яхлитлигининг бузилиши содир бўладиган турли хил касалликларни ташхислаш ва оқибатларини проноз қилишда (олдидан айтишда) қўлланилиши мумкин, фармакологик бозорда уларга нисбатан аутоантитанача препаратлар гуруҳининг пайдо бўлиши эса кейинги тадқиқотларни долзарб қилади. Ушбу обзор (тахлил) замонавий



шароитларда нейроспецифик оксиллар даражасини аниқлашнинг этиологияси, диагностикаси ва амалий аҳамияти масалаларига бағишланган.

Тадқиқот мақсади ва усуллари: тадқиқотни мақсади, ЦВКда ишемик инсультдан кейинги турли муддатларда, ингичка ва йўғон ичаклар деворини динамикадаги морфологик ўзгаришлар ўрганишдан иборат. Тадқиқотда 45 та каламуш, ЦВК дан кейинги 7-15сутка (15 та), 16-21 сутка (15 та), 22-30 суткалик (15 та) даврлар 150-220 грлик каламушлар олинди. Назорат гуруҳи сифатида соғлом каламушлардан 6 таси олинди.

Натижа ва муҳокама: Ишемик инсультдан кейинги 7-17 суткалик даврда, нерв хужайраларининг шикастланиши, фаолиятни, яъни уларнинг ўз-ўзини сақлаб қолиши, пролиферацияси, етилиши ва дифференциацияланиши синаптик бўлмаган секин хужайралараро ҳамкорликни амалга оширувчи нейротрофик омилларни таъминлайди. Оқибатида, ЦВКда ишемик инсультдан кейинги 7-14 суткаларда асосан, ичаклар шиллиқ қавати юзасини қопловчи эпителийларида мукоид бўқиш, десквамация ўчоқлари, вакуол дистрофияга учраган хужайраларда ўчоқли кластмолиз, юза эроозив ўчоқларни шаклланиши, қадахсимон хужайраларни бўқиши ва некробиози, қон томирларида веноз тўлақонлик белгилари шаклланганлиги аниқланди.

Шиллиқ ости ва мушак қаватларида оралик шишларни шаклланиши аниқланди. Шиллиқ ва шиллиқ ости қаватларида гистиоструктураларда деструкция ва оралик толаларда бўқиш, толаларни ивиши, фрагментацияси, кам сонли лимфоцитларни тўпланиши, микроциркулятор ўзанда яллиғланишни илк босқичлари юзага келганлиги аниқланади. Сўрғичлар қалинлашган, оралик шишлар шаклланган, МАЛТ тузилмасида гиперплазия ўчоқлари, маргинал майдонларида реактив пролиферация ўчоқлари, периметрида макрофаглар ва кам сонли нейтрофиллар аниқланади.

Хулосалар

ЦВКда ишемик инсультдан кейинги 7-14 суткаларда асосан, ичаклар шиллиқ қавати юзасини қопловчи эпителийларида мукоид бўқиш, десквамация ўчоқлари, вакуол дистрофияга усрган хужайраларда ўчоқли кластмолиз, юза эроозив ўчоқларни шаклланиши, қадахсимон хужайраларни бўқиши ва некробиози, қон томирларида веноз тўлақонлик белгилари шаклланганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Qamar A. A. et al. Platelet count is not a predictor of the presence or development of gastroesophageal varices in cirrhosis //Hepatology. – 2008. – Т. 47. – №. 1. – С. 153-159.
2. Reiner W., Melissa G., Markus. Pathological bacterial translocation in liver cirrhosis // Journal of Hepatology. 2014. Vol. 60. P. 197–209.
3. Salek J. et al. Recurrent liver failure in a 25-year-old female //Liver Transplantation. – 2010. – Т. 16. – №. 9. – С. 1049-1053.



4. Sinclair M. et al. sarcopenia in cirrhosis—aetiology, implications and potential therapeutic interventions //Alimentary pharmacology & therapeutics. – 2016. – Т. 43. – №. 7. – С. 765-777.
5. Smith T. N., De Moraes A. G., Simonetto D. A. Cirrhosis Management in the Intensive Care Unit //Seminars in Liver Disease. – Thieme Medical Publishers, Inc., 2023.
6. Stauber R. E. et al. Human nonmercaptalbumin-2: a novel prognostic marker in chronic liver failure //Therapeutic Apheresis and Dialysis. – 2014. – Т. 18. – №. 1. – С. 74-78.
7. Tandon P. et al. A practical approach to nutritional screening and assessment in cirrhosis //Hepatology. – 2017. – Т. 65. – №. 3. – С. 1044-1057.
8. Tandon P. et al. Exercise in cirrhosis: translating evidence and experience to practice //Journal of hepatology. – 2018. – Т. 69. – №. 5. – С. 1164-1177.
9. Tsien C. D., McCullough A. J., Dasarathy S. Late evening snack: exploiting a period of anabolic opportunity in cirrhosis //Journal of gastroenterology and hepatology. – 2012. – Т. 27. – №. 3. – С. 430-441.
10. Tsukanov V. V. et al. Роль эрадикации Helicobacter pylori в профилактике рака желудка //Терапевтический архив. – 2014. – Т. 86. – №. 8. – С. 124-127.
11. Valerio C. et al. Human albumin solution for patients with cirrhosis and acute on chronic liver failure: Beyond simple volume expansion //World journal of hepatology. – 2016. – Т. 8. – №. 7. – С. 345.
12. Van Vugt J. L. A. et al. Systematic review and meta-analysis of the impact of computed tomography—assessed skeletal muscle mass on outcome in patients awaiting or undergoing liver transplantation //American Journal of Transplantation. – 2016. – Т. 16. – №. 8. – С. 2277-2292.
13. Vincent J. L., De Backer D., Wiedermann C. J. Fluid management in sepsis: The potential beneficial effects of albumin //Journal of critical care. – 2016. – Т. 35. – С. 161-167.
14. Wang D. et al. Preoperative inflammatory markers of NLR and PLR as indicators of poor prognosis in resectable HCC //PeerJ. – 2019. – Т. 7. – С. e7132.
15. Who O. Traditional Medicine. Fact Sheet. 2007. no. 134, Revised May 2003
16. World Medical Association (2013). WMA Declaration of Helsinki – Ethical principles for medical research involving human subjects. Online. Retrieved 4 July 2021, from: <https://www.wma.net/policies-post/wma-declaration-of-helsinki-ethical-principles-for-medical-research-involving-human-subjects/>
17. World of Work Report 2013—Repairing the economic and social fabric. – 2013. -133p.
18. Zhang M. et al. Neutrophil-to-lymphocyte ratio and albumin: new serum biomarkers to predict the prognosis of male alcoholic cirrhosis patients //BioMed Research International. – 2020. – Т. 2020. – С. 1-7.



19. Zhao Y. et al. Early sorafenib-related adverse events predict therapy response of TACE plus sorafenib: A multicenter clinical study of 606 HCC patients //International journal of cancer. – 2016. – Т. 139. – №. 4. – С. 928-937.



УДК: 616-091-053.13-022

ҲОМИЛА ИЧИ ИНФЕКЦИЯСИДА ЎПКА ТЎҚИМАСИ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ

Турсунов Х.З.
Абдуллаев Ш.Х.

Тошкент давлат
тиббиёт университети

Аннотация: Хомила ичи инфекциясида ўпка тўқимасида асосан бирламчи ва иккиламчи ателектазал, интерстициал яллиғланиш инфилтрати, макрофаглари хажман катталшаган ва десквамацияга учрган ўчоқлари аниқланади. Ўпкаларни вазни катталшаган асосан интерстициал шишларни юзага келганлиги билан намоён бўлади. Хомила ичи инфекциясида тирик туғилган чақалоқлар ўпкасида дистелектаз, алвеоляр қон томирларда массив тўлақонлик, ораликда нейтрофил ва лимфоцитар инфилтрация аниқланиб (қўзғатувчи табиатига боғлиқ) алвеоляр бўшлиқларда доим ҳам яллиғланиш экссудати аниқланмайди. Агар чақалоқ ўлик туғилган бўлса, ўпкаларида бирламчи ателектаз ва алвеоляр деворлар, бронх деворлари, периваскуляр сохаларда массив яллиғланиш инфилтрати ўчоқлари аниқланиши билан характерланиди.

Калит сўзлар: ўпка тўқимаси, хомила ичи инфекцияси, патоморфология, хомиладорлик.

Муаммони долзарблиги: Хомила ичи инфекциялари (интраутерин инфекциялар) перинатал ўлим ва касалланишнинг етакчи сабабларидан бири ҳисобланади. томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, дунё миқёсида неонатал ўлимларнинг тахминан 30–35% инфекция омиллари билан боғлиқ (*WҲО, Newborns: импровинг сурвивал анд вэлл-беинг, 2020, Генева: WҲО Пресс*). Бу эса хомила ичи инфекцияларининг глобал тиббиётдаги долзарблигини белгилайди. Хомила ичи инфекцияларининг патогенезида йўлдош (плацента) марказий ўрин тутади. Плацента она ва хомила ўртасида биологик барьер вазифасини бажаради, бироқ айрим патогенлар ушбу барьерни енгиб ўтиб, хомила тўқималарига тарқалади. манбасига кўра (*Бенирсче К., Буртон Г.Ж., Баэрген Р.Н., Патҳологй оф тхе Хуман Пласэнта, 6-нашр, 2012, Берлин: Спрингер*), плацентада ривожланадиган виллозит, интервиллозит ва хорионамнионит жараёнлари инфекциянинг вертикал трансмиссиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хомила гемодинамикаси ва озиқланишини кескин бузади. Ўпка хомила ичи инфекцияларида энг кўп зарарланадиган нишон аъзолардан бири ҳисобланади (*Кумар В., Аббас А.К., Астер Ж.С., Роббинс анд Сотран Патҳологис Басис оф Дисеасе, 10-нашр, 2020, Пҳиладельҳиа: Элсевиер*). Интраутерин инфекциялар натижасида ўпкада интерстициал пневмония, диффуз альвеоляр шикастланиш, ИИ-тип



пневмоцитлар дисфункцияси ва сурфактант етишмовчилиги ривожланади. Бу эса неонатал респиратор дистресс синдроми ва юқори ўлим кўрсаткичларига олиб келади. Сўнгги йилларда иммун жавоб механизмларининг роли алоҳида эътибор қаратилаётган йўналишлардан бири ҳисобланади. Маълумотларига кўра (*СДС, Сонгенитал Инфестиионс, 2021, Атланта: СДС*), интраутерин инфекцияларда ИЛ-6, ТНФ- α каби яллиғланиш цитокинлари экспрессиясининг ошиши, макрофаг ва лимфоцитларнинг фаоллашуви плацента ва ўпка тўқималарида деструктив жараёнларни кучайтиради. Шу билан бирга, замонавий илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳомила ичи инфекцияларида ўпка ва йўлдошдаги морфологик ўзгаришлар кўпинча алоҳида ўрганилган бўлиб, уларнинг ўзаро патогенетик боғлиқлиги етарли даражада очиб берилмаган. Айниқса, иммуногистокимёвий маркерлар асосида комплекс баҳолаш масаласи ҳозирги кунгача етарли даражада тизимлаштирилмаган.

Натижа ва муххокама. Хомила ичи инфекциясида туғилган чақалоқларда ўпка тўқимасини мустақил нафас олиш кўрсаткичини кескин пасайиши плвеоляр девор қон томирларида гидростаик босимни ошиб кетишига ва томирлар ўтказувчанлигини кучайишига олиб келиши оқибатида, жами тадқиқотимизда ўрганилаётганларни 67,7%да РДС синдроми, 19,3% да гиалин мембрана ҳосил бўлиши ва 13%да ўпкаларда массив дистелектаз аниқланди. Хомила ичи инфекцияси (ХИИ) да ўпка тўқимасида ривожланган патоморфологик ўзгаришлар инфекциянинг турига (вирусли, бактериал, протозой), таъсир давомийлигига ва хомиланинг гестацион ёшига боғлиқ. Асосий жараёнлар одатда интерстициал пневмония, альвеолит ва васкулит кўринишида намоён бўлади.

Қуйида ХИИда ўпкаларда кузатиладиган асосий патоморфологик ўзгаришлар тизимлаштирилган:

Макроскопик ўзгаришлар

Инфекцияланган хомила ўпкалари одатда қуйидагича кўринишга эга бўлади. Ўпкалар консистенцияси зичлашган, хавосиз (ателектатик) соҳалар мавжуд. Ранги тўқ қизил ёки кўкимтир-қизил, баъзан "мармар"симон кўринишда. Вазни катталашган, шиш ва қон қуйилишлари ҳисобига ўпка вазни меъёрдан ошишиш мумкин. Кесим юзасидан суюқлик ёки кўпикли-қонли суюқлик ажралади.

Микроскопик ўзгаришлар

ХИИ учун хос бўлган асосий гистологик белгилар: Интерстициал ўзгаришлар: альвеолаларо тўсиқларда шиш, ва лимфогистиоцитар инфилтрацияси. Бу деворларнинг сезиларли даражада қалинлашишига ва газ алмашинувининг бузилишига олиб келади. Алвеолалар бўшлиғида сероз ёки йирингли экссудат тўпланиши. Агар инфекция антенатал даврда содир бўлган бўлса, альвеолаларда десквамацияга учраган эпителий хужайралари, меконий элементлари ва шиллиқ кўриниши мумкин. Проллифератив жараёнлар альвеолалар эпителийсининг пролиферацияси ва метаплазияси кузатилиши мумкин.



Специфик инфекцияларга хос белгилар. Инфекция қўзғатувчисига қараб морфологик манзаралар турлича бўлади.

Инфекция тури	Хос патоморфологик белгилар
Цитомегаловирус (ЦМВ)	Ўпка тўқимасида "укки кўзи" кўринишидаги йирик цитомегалик ҳужайралар ва ядро ичи қўшимчалари.
Герпес вируси	Тўқима некрози ўчоқлари ва эпителий ҳужайраларида специфик Коудри қўшимчалари.
Листерия	Ўпка тўқимасида специфик "листериомалар" – майда некротик гранулемалар ҳосил бўлиши.
Замбуруғли (Кандидоз)	Альвеолалар ичида замбуруғ мицелийлари ва фибринли инфилтрат.

Муаммонинг долзарблиги: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, юрак-қон томир касаллиқлари (ЮҚТК) бутун дунёда аҳоли ўлимининг асосий сабабчиси бўлиб қолмоқда. Айнан ўткир коронар синдромда стрессор омилларни устун туриши ва бу жараёнга жавоб берувчи аъзоларни жисмоний зўриқиши билан намоён бўлади. Дунёда йилига ўртача 8,9 – 9,0 млн инсон ушбу касалликни илк даврида вафот этади. Бу дунёдаги барча ўлим ҳолатларининг тахминан 16%ни ташкил қилади. АҚШ ва Европада ўткир коронар синдромдан ўртача йилига 2,3-3,8 млн инсон вафот этади. Осиё давлатларида бу кўрсаткич ўртача 3,2-4,5млн ни ташкил этса, Россия федерацияси ва МДХ давлатларида 2,2 млн инсон вафот этади. Бу эса, муаммони долзарблиги ва заруратини тақозо этиши билан бирга, ўткир коронар синдромни илк даврида унга олиб келувчи предиктор аъзоларни ўрганишни тақозо этади. Айнан стресс жараёнида асосий занжирда қатнашувчи аъзолардан бири буйрак усти беzi ҳисобланади. Ўткир коронар синдромда қонда катехоламинлар ва глюкокортикоидларни энг юқори кўрсаткичларда бўлиши билан характеланиб, аксарият кардиоген шок туфайли беморлар вафот этади. Кардиоген шокдан ўлим кўрсаткичи бўйича, Россия Федерацияси ва МДХ давлатларида дунё аҳолисидаги ўлим кўрсаткичини 31,3% ни ташкил этиб, 2,2 млнини ташкил этади. Бу асосан патологантомик текширишларда эътибордан четда қолиши ва миокард инфарктини хали макроскопик ва микроскопик тасдиқланмаслиги ва жараёнга хали 6 соат



бўлмаганлиги, аммо буйрак усти беши барча соҳаларига қон қуйилиш билан намоён бўлишини англатади.

Муҳокама ва натижалар: Ўткир коронар синдромда буйрак усти беши тўқимасида тезкор гиперпродукция кўп микдорда барча эндокрин гормонларини қонга чиқариши ва хужайраларни жисмоний зўриқишига олиб келади. Бу пайтда юракда ишемик жараён ва кордиоген шок буйрак усти бешида тезкор дистрофик некробиотик жараёнларни юзага келиши билан характерланади. Микроскопик жихатдан буйрак усти беши пўстлоқ қавати коптокча, тутамли ва тўрсимон соҳаларида массив тўлақонлик, коптокча соҳасида ва тутамли соҳалар чегарасида капилляр диапедез қон қуйилиши аниқланади. Натижада массив диапедез қон қуйилиши бир вақтни ўзида пўстлоқ ва мағиз қаватларида ривожланиши кузатилади.

Мағиз қават катехоламинлар (адреналин ва норадреналин) манбаи бўлиб, ЎКСда уларнинг захираси тез сарфланади. Хромаффин хужайралар дегрануляцияси: Катехоламинларга бой гранулаларнинг цитоплазмадан йўқолиши. Бу хужайраларнинг функционал "толқини" (exhaustion) белгисидир. Гиперсекреция белгилари: Хромаффин хужайраларнинг гиперхром ядроли бўлиши ва улар атрофидаги капиллярларнинг кенгайиши. Ўчоқли қон қуйилишлар: Стресс натижасида юзага келган қон томир спазмлари ва кейинги релаксация, қон томир деворларининг ўтказувчанлиги ошиши ҳисобига мағиз қаватда майда қон қуйилишлар (геморрагиялар) аниқланади. Микроциркулятор ўзан (МЦЎ) даражасидаги ўзгаришлар буйрак усти бешининг функционал фаолиятини бевосита белгилайди. Веноз димланиш: Буйрак усти безларининг синусоид капиллярларида қоннинг димланиши ва кенгайиши. Микротромбоз: ДВС-синдроми (диссеминирланган томир ичи ивиши) элементлари сифатида капиллярларда фибринли тромбларнинг шаклланиши. Шиш: Стромада суюқлик тўпланиши, бу эса хужайралараро алоқани ва трофикани ёмонлаштиради.

Асосий шикастланиш буйрак усти беши мағиз қаватида веноз тўлақонлик ва эроммафин хужайраларда массив некробиоз ва некроз ўчоқлари аниқланиб, функционал етишмовчилик билан нам оён бўлади. Шу билан бирга буйрак усти беши пўстлоқ соҳасида бир пайтни ўзида ишемик ва гиперэмия ўчоқларини бўлиши массив дистрофик ва оралик шишиларни бўлиши билан хараткерланади.

Хулоса

ЎКСда буйрак усти безларидаги патоморфологик картинани "ўткир функционал зўриқиш ва кейинги декомпенсация" деб таърифлаш мумкин. Бошланғич босқичда: Липидлар камайиши ва секретор гранулаларнинг чиқиб кетиши (гиперфункция). Кейинги босқичларда: Дистрофия, некробиоз, қон қуйилишлар ва қон томирларнинг шикастланиши (гипофункция ёки толиқиш).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

11. Bakarev MA, Karpova AA, Pichigin VI, Nikityuk DB, Lushnikova EL. Involvement of the Coronary Bed in Patients with Coronary Heart Disease against



the Background of Primarily Coronary and Generalized Atherosclerosis. Bull Exp Biol Med. 2016 Dec;162(2):283-287.

12. Xiong Y, Liu Y, Cui J. Postoperative Cognitive Behavioral Intervention in Patients with Coronary Heart Disease Based on the Effect of Nursing Process Reengineering. Biomed Res Int. 2022 Sep 17;2022:6974909

13. Misaka T, Sugitani Y, Asato N, Matsukubo Y, Uemura M, Ashikaga R, Ishida T. Coronary artery to aortic luminal attenuation ratio in coronary CT angiography for the diagnosis of haemodynamically significant coronary artery stenosis. Br J Radiol. 2020 Jan;93(1105):20190003.

14. Rozenberg VD, Nepomnyashchikh LM. Pathomorphological manifestations of antioocclusive factor in atherosclerotic obstruction of coronary arteries. Bull Exp Biol Med. 2003 Nov;136(5):515-9

15. Rosenberg VD, Nepomnyashchikh LM. Pathomorphological peculiarities of coronary artery ectasias and their role in the pathogenesis of sudden cardiac death. //Bull Exp Biol Med. 2004 Nov;138(5):515-21.

16. Habibi SE, Shah R, Berzingi CO, Melchior R, Sumption KF, Jovin IS. Left main coronary artery stenosis: severity evaluation and implications for management. Expert Rev Cardiovasc Ther. 2017 Mar;15(3):157-163.

17. Koo HJ, Yang DH, Kim YH, Kang JW, Kang SJ, Kweon J, Kim HJ, Lim TH. CT-based myocardial ischemia evaluation: quantitative angiography, transluminal attenuation gradient, myocardial perfusion, and CT-derived fractional flow reserve. Int J Cardiovasc Imaging. 2016 Jun;32 Suppl 1:1-19.

18. Gómez FA, Ballesteros LE. Morphologic expression of the left coronary artery in pigs. An approach in relation to human heart // Rev Bras Cir Cardiovasc. 2014;29(2):214–220.

19. Ong P, Aziz A, Hansen HS, Prescott E, Athanasiadis A, Sechtem U. Structural and functional coronary artery abnormalities in patients with vasospastic angina pectoris // Circ J. 2015;79(7):1431–1438.

20. Pachen M, Abukar Y, Shanks J, Lever N, Ramchandran R. Activation of the carotid body increases directly recorded cardiac sympathetic nerve activity and coronary blood flow in conscious sheep // Am J Physiol Regul Integr Comp Physiol. 2021;320(3):R203–R212.



КЛИНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ВРОЖДЕННЫХ ПОРОКОВ СЕРДЦА У ДЕТЕЙ

Кабулова А.У., Ахмедова Д.И.

Ташкентский государственный медицинский университет,
Узбекистан, Ташкент

Актуальность. Врожденные пороки сердца (ВПС) представляют собой наиболее частую группу врожденных аномалий развития у детей и занимают одно из ведущих мест среди причин неонатальной и младенческой смертности. По данным мировой статистики, частота ВПС составляет от 6 до 10 случаев на 1000 живорождений. В условиях современного уровня развития кардиохирургии и неонатологии своевременная диагностика клинико-лабораторных и инструментальных показателей у детей с ВПС имеет решающее значение для определения прогноза, выбора оптимальной тактики лечения и профилактики осложнений.

Цель исследования - оценить особенности клинических проявлений, физического развития, лабораторных и инструментальных показателей у детей раннего возраста с врожденными пороками сердца различной степени выраженности.

Материалы и методы. В исследование включены 29 детей с врожденными пороками сердца, прошедших обследование и лечение в отделении кардиохирургии Ташкентского педиатрического медицинского института. Возраст обследованных детей варьировал от нескольких недель до 3 лет. Всем пациентам проведено комплексное клинико-инструментальное обследование, включавшее сбор анамнеза, физикальное обследование, антропометрию (рост, масса тела, индекс массы тела), лабораторные исследования (общий и биохимический анализ крови, определение уровня гемоглобина, белковых и электролитных показателей) и инструментальные методы — электрокардиографию (ЭКГ), эхокардиографию (ЭхоКГ), рентгенографию грудной клетки, а также ультразвуковое исследование органов брюшной полости по показаниям. Степень сердечной недостаточности определялась клинически с учетом классификации Р. Росса (Ross, 1992).

Результаты. Наиболее часто встречаемым ВПС среди обследованных детей являлся дефект межжелудочковой перегородки (ДМЖП), который был выявлен у 47,3% пациентов. На втором месте по частоте встречаемости были открытый артериальный проток (ОАП) и тетрада Фалло. Изолированные формы пороков диагностированы у 51% детей, тогда как сочетанные пороки наблюдались у 47%, что указывает на значительную распространенность комбинированных аномалий развития сердца у детей раннего возраста.



Легочная гипертензия (ЛГ) выявлена у 57,1% пациентов, преимущественно у детей с выраженными шунтами и комбинированными дефектами, что подтверждает значимость раннего выявления признаков повышения давления в легочной артерии. Отставание в физическом развитии отмечено у большинства мальчиков, что может быть связано с хронической гипоксией и низкой толерантностью к физической нагрузке. Анемический синдром был выявлен у всех обследованных детей, что отражает нарушение кислородтранспортной функции крови и компенсаторную реакцию организма на гипоксию. У 26,5% пациентов зарегистрированы застойные изменения в легких, а заболевания желудочно-кишечного тракта и мочевыводящих путей встречались в 10,2% случаев соответственно, что свидетельствует о системном влиянии сердечной патологии на соматическое состояние ребенка.

Заключение. Таким образом, у детей раннего возраста с врожденными пороками сердца наблюдаются выраженные нарушения физического развития, анемия, признаки легочной гипертензии и высокая частота сочетанных пороков. Степень сердечной недостаточности не всегда коррелирует с возрастом выявления порока, что подчеркивает необходимость комплексного подхода к обследованию и наблюдению. Своевременная диагностика клинико-лабораторных и инструментальных изменений позволяет определить прогноз заболевания, спланировать хирургическую коррекцию и минимизировать риск развития осложнений.



**ODDIY MAYMUNJON (RUBUS IDAEUS L.) BARGINI
TARKIBIDAGI SONLI KO'RSATKICHLAR MIQDORINI
ANIQLASH**

Xabibullayeva Sh.M.

Farmanova N.T.

Toshkent farmatsevtika instituti,

Toshkent shahri

e-mail: khabibullayeva93@inbox.ru,

Annotatsiya. Oddiy maymunjon (*Rubus idaeus* L.) bargi tarkibidagi sonli ko'rsatkichlar (namlik, umumiy kul, 10 % li xlorid kislotada erimaydigan kul, organik va mineral aralashmalar XI DF da ko'rsatilgan usullar yordamida aniqlandi. Olingan natijalar o'simlik xomashyosi tarkibida me'yoriy xujjat talablariga mos ekanligi isbotlandi.

Kalit so'zlar. Oddiy maymunjon, sonli ko'rsatkichlar, umumiy kul, 10 % li xlorid kislotada erimaydigan kul, organik aralashmalar, mineral aralashmalar

Kirish. Dorivor o'simliklar asosida tayyorlanadigan tabiiy dori vositalari zamonaviy tibbiyot va farmatsevtika sohasida muhim o'rin tutadi. Ularning samaradorligi, avvalo, tarkibidagi biologik faol moddalar miqdori va sifatiga uzlukli bog'liqdir. Shu sababli dorivor o'simlik xomashyosining kimyoviy tarkibini chuqur o'rganish, ayniqsa sonli ko'rsatkichlarini aniqlash, farmakognostik jihatdan dolzarb yo'nalishlaridan biri hisoblanadi.

Oddiy maymunjon (*Rubus idaeus* L.) keng tarqalgan dorivor o'simliklardan biri bo'lib, uning barglari xalq tabobati va ilmiy tibbiyotda yallig'lanishga qarshi, antioksidant, immunitet ko'taruvchi, umumiy mustahkamlovchi vosita sifatida qo'llaniladi.

Dorivor o'simliklar xomashyosining sifatini baholashda namlik miqdori, umumiy kul, 10 % li xlorid kislotada erimaydigan kul, organik va mineral aralashmalar sonli ko'rsatkichlar muhim ahamiyatga ega. Ushbu ko'rsatkichlar xomashyoning tozaligi, saqlanish darajasi va faol moddalarga boyligini aniqlash imkonini beradi.

Mazkur tadqiqotning maqsadi — *Rubus idaeus* bargi tarkibidagi asosiy sonli ko'rsatkichlarni aniqlash va ularning farmakognostik jihatdan ahamiyatini ilmiy asosda baholashdan iborat. Ushbu ish natijalari dorivor o'simlik xomashyosini standartlash, sifat nazoratini takomillashtirish hamda farmatsevtik amaliyotda samarali qo'llash uchun ilmiy asos yaratadi.

Usullar va uslublar. Tadqiqot ob'ekti- oddiy maymunjon o'simligi bargaining generativ davrida (GD) va vegetative davrida (VD) yeg'ilgan barglari hisoblanadi. Qurutilgan o'simlik barglari germetik yopilgan, yorug'lik o'tkazmaydigan idishlarda quruq, qorong'u joyda saqlangan. Mahsulot sifatini belgilovchi sonli ko'rsatkichlar (namlik, umumiy kul miqdori va 10% li xlorid kislotada erimaydigan



kul, aralashmalar soni) XI DF da ko'rsatilgan usullar bilan beshta partiyada aniqlandi.

Natijalar. Tadqiqotlar natijasida Toshkent viloyati Bo'stonliq tumanida o'sadigan oddiy maymunjon (*Rubus idaeus* L.) o'simligi bargining sonli ko'rsatkichlardan namligi, umumiy kuli, 10% xlorid kislotada erimaydigan kuli, organik va mineral aralashmalari miqdori aniqlandi. Olingan natijalarning o'rtacha qiymati 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval

№	Namlik		Umumiy kul		10 % li xlorid kislotada erimaydigan kul		Aralashmalar			
	GD	VD	GD	VD	GD	VD	Organik		Mineral	
							GD	VD	GD	VD
1.	9,90	9,75	7,58	7,09	5,96	5,88	1,02	1,03	0,90	0,89
2.	10,01	9,80	7,57	7,08	5,95	5,90	1,09	0,85	0,88	0,89
3.	9,85	9,78	7,60	7,10	5,85	5,86	0,99	0,90	0,90	0,88
4.	9,80	9,85	7,55	7,12	5,98	5,83	1,06	1,02	0,94	0,89
5.	9,86	9,88	7,56	7,06	5,80	5,86	1,09	0,97	0,90	0,89
O'rtacha miqdor	9,88	9,81	7,5	7,09	5,90	5,86	1,05	0,95	0,90	0,88

Xulosalar. Ilk bor oddiy maymunjon (*Rubus idaeus* L.) o'simligi barglarining sonli ko'rsatkichlari aniqlandi. Bunga ko'ra o'rtacha namlik GD 9,88 % va VD da 9,81 %, umumiy kul GD 7,5 % va VD da 7,09 %, 10 % li xlorid kislotada erimaydigan kul GD 5,90 % va VD 5,86 %, organik aralashmalar GD 1,05 % va VD 0,95 %, mineral aralashmalar GD 0,90 % va VD 0,88 % ekanligi aniqlandi.

Adabiyotlar ro'yhati:

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat farmakopeyasi. — Toshkent, 2021. — betlar: 120–135.
2. Farmakognoziya fanidan o'quv qo'llanma. — Toshkent, 2019. — betlar: 85–95.
3. Государственная фармакопея СССР. XI издание. — Москва: Медицина, 1987. — Вып. 1. — С. 20–29.
4. Фармакогнозия, Кузнецова Н.А. — Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2018. — с. 98–105, 150–158.
5. Практикум по фармакогнозии, Муравьев Д.А. — Москва, 2002. — с. 45–52, 88–95.
6. Xabibullayeva Sh.M., Farmanova N.T., Qora qoraqat (*Ribes nigrum*) bargini tarkibidagi sonli ko'rsatkichlarni aniqlash, «Farmatsevtika sohasining hozirgi holati: muammolar va istiqbollar» mavzusidagi IV xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari, Toshkent, 20 oktyabr, 2023.-B.187.

**“DISPERS SISTEMA” MAVZUSINI O‘QITISHDA INTERFAOL
METODLARNING DIDAKTIK SAMARADORLIGI***Hajiyeva Gulora Erkaboyevna**TTA Urganch filiali tabiiy fanlar kafedrasida kimyo fani bosh o‘qituvchisi*

Annotatsiya: Mazkur tezisdagi kimyo fanida **“Dispers sistema”** mavzusini o‘qitishda interfaol metodlardan foydalanishning pedagogik ahamiyati yoritilgan. Dispers sistemalar kimyo fanining muhim bo‘limlaridan biri bo‘lib, ularni o‘quvchilarga samarali tushuntirishda zamonaviy ta‘lim yondashuvlari alohida o‘rin tutadi. Tezisdagi **“Aqliy hujum”**, **“Klaster”**, **“BBB”**, **“Venn diagrammasi”**, **“Savol-javob”** kabi interfaol metodlarning dars jarayonidagi imkoniyatlari tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: dispers sistema, interfaol metodlar, kimyo ta‘limi, dars samaradorligi, guruhli ish, klaster, BBB, ta‘lim jarayoni.

Bugungi kunda ta‘lim jarayonida o‘quvchilarning faolligini oshirish, mustaqil fikrlashini rivojlantirish va dars samaradorligini kuchaytirish muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Kimyo fanidagi murakkab mavzularni, jumladan, **“Dispers sistema”** mavzusini o‘qitishda interfaol metodlardan foydalanish alohida ahamiyatga ega.

Kimyo fanida **“Dispers sistema”** mavzusi nazariy va amaliy jihatdan muhim o‘rin egallaydi. Mazkur mavzuni o‘qitishda interfaol metodlardan foydalanish o‘quvchilarning darsdagi faolligini oshirish, mavzuni chuqurroq anglash va mustaqil fikrlash ko‘nikmalarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Dispers sistemalar haqida tushuncha berishda avvalo o‘quvchilarda mavjud bilimlarni faollashtirish zarur. Bunda **“Aqliy hujum”** metodidan foydalanish samarali bo‘lib, o‘quvchilar **“eritma”**, **“aralashma”**, **“suspensiya”**, **“emulsiya”**, **“kolloid sistema”** kabi tushunchalar yuzasidan dastlabki fikrlarini bildiradilar. Bu esa yangi mavzuni o‘zlashtirish uchun zamin yaratadi.

Mavzuni tushuntirish jarayonida **“Klaster”** metodidan foydalanish ayniqsa qulaydir. Ushbu metod yordamida o‘quvchilar dispers sistemalarning turlari, ularning tarkibi, dispers faza va dispersion muhit kabi asosiy tushunchalarni o‘zaro bog‘liqlikda o‘rganadilar. Natijada mavzu faqat matn orqali emas, balki sxematik va mantiqiy asosda ham idrok etiladi. Bu esa o‘quvchilarning tasavvurini kengaytiradi hamda mavzuni tizimli ravishda anglashga yordam beradi.

“BBB” metodi ham **“Dispers sistema”** mavzusini o‘qitishda samarali vositalardan biridir. O‘quvchilar dars boshida mavzu bo‘yicha nimalarni bilishini, dars davomida nimalarni bilishni istashini va dars oxirida nimalarni bilib olganini qayd etadilar. Bu metod o‘quvchilarning bilim darajasini aniqlash bilan birga, ularni dars jarayoniga faol jalb etadi. Shuningdek, dars oxirida o‘z bilimlarini tahlil qilish va baholash imkonini beradi.



Savol-javob metodi ham darsning ajralmas qismi bo‘lib, u o‘quvchilarning diqqati va faolligini doimiy ushlab turishga yordam beradi. O‘qituvchi mavzuga oid muammoli va yo‘naltiruvchi savollar orqali o‘quvchilarning fikrlash jarayonini faollashtiradi. Natijada o‘quvchi tayyor bilimni qabul qiluvchi emas, balki bilimni izlovchi va uni tahlil qiluvchi subyektga aylanadi.

“Dispers sistema” mavzusini o‘qitishda interfaol metodlardan foydalanish o‘quvchilarning bilimini mustahkamlash, fanga qiziqishini oshirish va dars samaradorligini ta’minlashda muhim omil hisoblanadi. Bunday metodlar yordamida dars jarayoni mazmunli, qiziqarli va o‘quvchi faoliyatiga yo‘naltirilgan tarzda tashkil etiladi.

Kimyo fanida “*Dispers sistema*” mavzusini o‘qitishda interfaol metodlardan foydalanish yuqori pedagogik samaradorlikka ega. Mazkur metodlar o‘quvchilarning mavzuni chuqur o‘zlashtirishi, mustaqil fikrlashi, taqqoslashi va xulosa chiqarish ko‘nikmalarini rivojlantiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdusamatov A. Umumiy va anorganik kimyo. — Toshkent: O‘qituvchi, 2010.
2. Ahmedov K.S. Kimyo o‘qitish metodikasi. — Toshkent: Tafakkur, 2018.
3. Ismatov I.Sh. [va boshq.]. Kimyo: umumta’lim maktablarining 10-sinfi uchun darslik. — Toshkent: Respublika ta’lim markazi, 2022.
4. Jo‘rayev R.X., Tolipov O‘.Q. Pedagogik texnologiyalar va interfaol metodlar. — Toshkent: Fan, 2016.



TOSHKO‘MIRNING TARKIBI, XOSSALARI VA AMALIY AHAMIYATI

Raximova Qurbongul Atamuratovna

UrDTI akademik litseyi kimyo fani

o'qituvchisi Oliy toifa

Annotatsiya: Mazkur tezisda toshko‘mirning uglevodorodlarning tabiiy manbai sifatidagi o‘rni, uning tarkibi, asosiy xossalari hamda amaliy ahamiyati yoritilgan. Toshko‘mir qadimdan yoqilg‘i sifatida keng qo‘llanilib kelinayotgan tabiiy qazilma boyliklardan biri hisoblanadi. Undan issiqlik energiyasi olish bilan birga, kimyo sanoati uchun muhim bo‘lgan ko‘plab mahsulotlar ham ajratib olinadi. Tezisda toshko‘mirning tarkibida uglerod asosiy o‘rin egallashi, shuningdek, uning qayta ishlanishi natijasida koks, gaz, smola va boshqa moddalar hosil bo‘lishi bayon etilgan. Toshko‘mirning sanoat, energetika va xalq xo‘jaligidagi ahamiyati ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: toshko‘mir, uglerod, yoqilg‘i, koks, kimyo sanoati, tabiiy manba, qayta ishlash, energetika.

Toshko‘mir tabiatda keng tarqalgan va inson hayotida muhim o‘rin tutadigan foydali qazilmalardan biridir. U yoqilg‘i sifatida katta ahamiyatga ega bo‘lishi bilan birga, kimyo sanoati uchun ham qimmatli xomashyo hisoblanadi. Toshko‘mirning tarkibi, xossalari va undan olinadigan mahsulotlarni o‘rganish kimyo fanida muhim mavzulardan biri sanaladi. Ayniqsa, uning energetika va sanoatdagi o‘rni bugungi kunda ham dolzarbligicha saqlanib qolmoqda. Shu sababli toshko‘mirning amaliy ahamiyatini ilmiy asosda yoritish muhimdir.

Toshko‘mir million yillar davomida o‘simlik qoldiqlarining yer qa‘rida yuqori bosim va harorat ta‘sirida o‘zgarishi natijasida hosil bo‘lgan tabiiy qazilma hisoblanadi. Uning tarkibida asosan uglerod bo‘ladi. Shuningdek, tarkibida vodorod, kislorod, azot, oltingugurt va mineral qo‘shimchalar ham uchraydi. Toshko‘mirning sifati undagi uglerod miqdori va yonish issiqligiga qarab belgilanadi.

Toshko‘mirning eng muhim xususiyatlaridan biri uning yaxshi yonishidir. Shu sababli u issiqlik elektr stansiyalarida, zavod va fabrikalarda, ayrim hollarda maishiy ehtiyojlarda yoqilg‘i sifatida ishlatiladi. Toshko‘mir yonganda ko‘p miqdorda issiqlik ajratadi, ammo uning yonishi natijasida tutun, kul va zararli gazlar ham hosil bo‘lishi mumkin. Bu esa atrof-muhitga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi. Toshko‘mir faqat yoqilg‘i emas, balki kimyo sanoati uchun ham muhim xomashyo hisoblanadi. Uni quruq haydash jarayonida koks, toshko‘mir smolasi, koks gazi va ammiakli suv kabi mahsulotlar olinadi. Koks metallurgiya sanoatida, ayniqsa temir va po‘lat ishlab chiqarishda juda muhim ahamiyatga ega. Toshko‘mir smolasidan esa benzol, fenol, naftalin va boshqa organik moddalar olinadi. Bu mahsulotlar bo‘yoqlar, dori vositalari, plastmassalar va sun‘iy materiallar ishlab chiqarishda keng qo‘llaniladi.

Hozirgi kunda toshko‘mirdan oqilona foydalanish, uni qayta ishlash texnologiyalarini takomillashtirish va ekologik zararini kamaytirish muhim



vazifalardan biri hisoblanadi. Energiya manbalariga boʻlgan ehtiyoj ortib borayotgan bir paytda toshkoʻmir hali ham koʻplab mamlakatlarda muhim yoqilgʻi turi boʻlib qolmoqda. Demak, toshkoʻmirning tarkibi, xossalari va amaliy ahamiyatini oʻrganish nafaqat nazariy, balki amaliy jihatdan ham muhimdir.

Xulosa qilib aytganda, toshkoʻmir uglevodorodlarning muhim tabiiy manbalaridan biri boʻlib, yoqilgʻi va kimyo sanoati uchun qimmatli xomashyo hisoblanadi. Uning tarkibida asosan uglerod mavjud boʻlib, bu xususiyat toshkoʻmirning yuqori issiqlik berish qobiliyatini belgilaydi. Toshkoʻmirni qayta ishlash natijasida koks, smola, gaz va boshqa foydali mahsulotlar olinadi. Bu mahsulotlar sanoatning turli tarmoqlarida keng qoʻllaniladi. Shu sababli toshkoʻmirdan oqilona foydalanish va uning ekologik taʼsirini kamaytirish muhim ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdusamatov A. Organik kimyo. — Toshkent: Talqin, 2005.
2. Axmedov V.N., Ataulloyev Sh.N., Raximov F.F., Niyazov L.N. Organik kimyo. — Toshkent: Durdoni nashriyoti, 2019.
3. Ismatov I.Sh. [va boshq.]. Kimyo: 10-sinf uchun darslik. — Toshkent: Respublika taʼlim markazi, 2022.
4. Karimov A., Isamuhamedova Sh.Z., Chinibekova N.K. Organik kimyo. — Toshkent: EFFEKT-D, 2021.

.



TABIY GAZNING UGLEVODORODLARINING TABIIY MANBAI SIFATIDAGI O'RNI, TARKIBI VA AMALIY AHAMIYATI

Sultanova Shahlo Qahramon qizi

UrDTI akademik litseyi kimyo fani o'qituvchisi 2-toifa

Annotatsiya. Ushbu tezisda tabiiy gazning uglevodorodlarning muhim tabiiy manbai ekanligi haqida so'z yuritiladi. Tabiiy gazning tarkibi asosan metandan iborat bo'lib, uning tarkibida etan, propan va butan kabi moddalar ham bo'ladi. Tezisda tabiiy gazning asosiy xossalari, yoqilg'i sifatidagi qulayligi va sanoatda keng qo'llanilishi bayon qilingan. Shuningdek, undan ammiak, metanol va boshqa foydali mahsulotlar olish mumkinligi ko'rsatilgan. Tabiiy gazning ekologik jihatdan nisbatan toza yoqilg'i ekani va xalq xo'jaligida muhim ahamiyatga egaligi yoritilgan.

Kalit so'zlar. Tabiiy gaz, uglevodorodlar, metan, tarkib, yoqilg'i, kimyo sanoati, amaliy ahamiyat, ekologiya.

Tabiiy gaz uglevodorodlarning eng muhim va istiqbolli tabiiy manbalaridan biri hisoblanadi. U asosan metandan tashkil topgan bo'lib, uning tarkibida etan, propan, butan kabi gazsimon uglevodorodlar hamda ayrim aralashmalar ham uchrashi mumkin. Tabiiy gaz yuqori issiqlik berish xususiyati, qulay tashilishi va nisbatan ekologik tozaligi bilan boshqa yoqilg'i turlaridan ajralib turadi. Shu sababli u sanoat korxonalarida, issiqlik energetikasida, transport sohasida va maishiy ehtiyojlarda keng qo'llaniladi. Bundan tashqari, tabiiy gaz kimyo sanoati uchun muhim xomashyo bo'lib, undan ammiak, metanol, vodorod, polimer materiallar va boshqa ko'plab kimyoviy mahsulotlar olinadi. Tabiiy gazdan samarali va oqilona foydalanish iqtisodiy taraqqiyotni ta'minlash, energiya resurslaridan unumli foydalanish hamda atrof-muhitni muhofaza qilishda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bois tabiiy gazning tarkibi, xossalari va amaliy ahamiyatini chuqur o'rganish bugungi kunda dolzarb ilmiy-amaliy masalalardan biri sanaladi.

Tabiiy gaz uglevodorodlarning eng muhim tabiiy manbalaridan biri bo'lib, u asosan metandan iborat. Uning tarkibida, shuningdek, etan, propan, butan kabi quyi molekulali uglevodorodlar hamda ayrim hollarda karbonat angidrid, azot, vodorod sulfid kabi qo'shimcha gazlar uchraydi. Tabiiy gaz yer qa'rida mustaqil konlar holida yoki neft bilan birga uchraydi. Neft bilan birga chiqadigan gazlar yo'ldosh gazlar deb ataladi va ular ham sanoat uchun muhim xomashyo hisoblanadi.

Tabiiy gazning muhim xususiyatlaridan biri uning yuqori issiqlik ajratish qobiliyatidir. Shu sababli u sanoatda, issiqlik elektr stansiyalarida, transportda va maishiy turmushda keng qo'llaniladi. Tabiiy gaz yonganda boshqa qattiq yoki suyuq yoqilg'ilarga nisbatan kamroq zararli moddalar hosil qiladi. Bu esa uning ekologik jihatdan nisbatan toza yoqilg'i turi ekanini ko'rsatadi. Ayniqsa, atmosfera havosining kamroq ifloslanishi tabiiy gazning afzalliklaridan biri hisoblanadi.



Tabiiy gaz nafaqat yoqilg'i, balki kimyo sanoati uchun ham qimmatli xomashyo hisoblanadi. Undan vodorod, ammiak, metanol, asetilen, plastmassa va boshqa ko'plab organik moddalar olinadi. Ammiak ishlab chiqarishda tabiiy gazdan olinadigan vodorod asosiy manba vazifasini bajaradi. Metanol esa kimyo sanoatida turli sintetik mahsulotlar tayyorlashda keng qo'llaniladi. Shuning uchun tabiiy gaz kimyo sanoatining rivojlanishida muhim o'rin tutadi.

Hozirgi davrda tabiiy gazdan oqilona foydalanish, uni qayta ishlash texnologiyalarini takomillashtirish va atrof-muhitga salbiy ta'sirini kamaytirish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Tabiiy gaz zaxiralaridan samarali foydalanish mamlakat iqtisodiy taraqqiyotiga, energetik xavfsizlikni ta'minlashga va sanoat tarmoqlarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Shu bois tabiiy gazning tarkibi, xossalari va amaliy ahamiyatini chuqur o'rganish ilmiy hamda amaliy jihatdan katta ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Clayden J., Greeves N., Warren S. *Organic Chemistry*. — 2nd ed. — Oxford: Oxford University Press, 2012. — 1260 p.
2. Flowers P., Theopold K., Langley R., Robinson W.R. *Chemistry 2e*. — Houston, Texas: OpenStax, 2019.
3. Ismatov I.Sh., Azamatova D.S. *Kimyo: 10-sinf uchun darslik*. — Toshkent: Respublika ta'lim markazi, 2022. — 192 b.



**FIBROBLAST HUJAYRALARIDA ANORGANIK
POLIFOSFATLARNING SIGNAL TRANSDUKSIYA JARAYONLARIGA
TA'SIRINI O'RGANISH**

*Abdusattorova N.U¹,
Ro'ziboyev X.S²*

*Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti,
Biofizika va biokimyo kafedrasi magistr talabasi, 2-kurs ¹
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti,
Biofizika kafedrasi mudiri ²
nargizaabdusattorova1607n@gmail.com*

Annotatsiya. Anorganik polifosfatlar (polyP) tirik hujayralarda keng tarqalgan, ortofosfat qoldiqlarining yuqori energiyali bog'lari orqali birikishidan hosil bo'lgan chiziqli polimerlar hisoblanadi. Ular ko'plab hujayraviy jarayonlar, jumladan metabolizm, hujayra proliferatsiyasi, stressga javob reaksiyalari va signal uzatilish mexanizmlarida muhim rol o'ynaydi. So'nggi yillarda polyP ning hujayra ichidagi signal transduksiya tizimlariga ta'siri bo'yicha tadqiqotlar ortib bormoqda. Ushbu ishda fibroblast hujayralarida anorganik polifosfatlarning signal transduksiya jarayonlariga ta'siri fluoresans mikroskopiya usuli yordamida o'rganildi. Olingan natijalar polyP ning hujayra ichidagi signal tizimlarini modulyatsiya qilishi mumkinligini ko'rsatdi.

Kalit so'zlar: fibroblast hujayralari, anorganik polifosfat, signal transduksiya, fluoresans mikroskopiya, hujayra signalizatsiyasi.

Hujayra signalizatsiyasi biologik tizimlarning muhim funksional mexanizmlaridan biri bo'lib, u hujayralarning tashqi va ichki muhitdagi o'zgarishlarga mos ravishda javob reaksiyalarini shakllantirishini ta'minlaydi. Signal transduksiya jarayonlari murakkab molekulyar tizimlar orqali amalga oshadi va ular turli retseptorlar, ikkilamchi xabarchilar, fermentlar hamda ion kanallari faoliyati bilan bog'liq.

Anorganik polifosfatlar (polyP) biologik tizimlarda keng tarqalgan yuqori molekulyar birikmalar bo'lib, ular turli uzunlikdagi ortofosfat zanjirlaridan tashkil topgan. Ushbu birikmalar evolyutsion jihatdan qadimiy molekulalar qatoriga kiradi va prokariot hamda eukariot organizmlarda uchraydi. Ilmiy tadqiqotlar polyP ning ko'plab fiziologik jarayonlarda, jumladan energiya almashinuvi, hujayra sikli nazorati, ion gomeostazi va signal uzatilish mexanizmlarida ishtirok etishini ko'rsatmoqda.

Fibroblast hujayralari biriktiruvchi to'qimaning asosiy strukturaviy elementlaridan biri bo'lib, ular kollagen va boshqa ekstrasellyulyar matritsa komponentlarini sintez qiladi. Bundan tashqari, fibroblastlar to'qima regeneratsiyasi, yara bitishi va hujayralararo signal almashinuvida muhim rol o'ynaydi. Shu sababli fibroblast hujayralarida molekulyar signalizatsiya jarayonlarini o'rganish hujayra biologiyasi va biotibbiyot nuqtai nazaridan katta ilmiy ahamiyatga ega.



Tadqiqot maqsadi: Mazkur tadqiqotning asosiy maqsadi fibroblast hujayralarida anorganik polifosfatlarning signal transduksiya mexanizmlariga ta'sirini aniqlash hamda ushbu jarayonlarni fluoresans mikroskopiya usuli yordamida vizual va kvantitativ jihatdan tahlil qilishdan iborat.

Materiallar va metodlar: Tadqiqot ob'yekti sifatida fibroblast hujayra liniyalari qo'llanildi. Hujayralar standart laboratoriya sharoitida maxsus ozuqa muhitida kultivatsiya qilindi. Eksperimental tadqiqotlar davomida hujayralarga anorganik polifosfat eritmaları turli konsentratsiyalarda qo'llanildi. Hujayra ichidagi signal jarayonlarini kuzatish uchun fluoresans indikatorlar va maxsus bo'yoqlar qo'llanildi. Fluoresans mikroskopiya usuli yordamida hujayra ichidagi molekulyar va ionli signal jarayonlari real vaqt rejimida kuzatildi. Ushbu metod hujayra ichidagi dinamik o'zgarishlarni aniqlash hamda signal uzatilish mexanizmlarini vizual tarzda baholash imkonini beradi. Olingan mikroskopik tasvirlar maxsus dasturiy ta'minot yordamida tahlil qilindi va fluoresans signal intensivligi hamda hujayra ichidagi taqsimlanish dinamikasi baholandi. Bu esa polyP ning hujayra signal tizimlariga ta'sirini aniqlash imkonini berdi.

Olingan natijalar: Tadqiqot natijalari fibroblast hujayralarida anorganik polifosfatlarning signal transduksiya jarayonlariga sezilarli ta'sir ko'rsatishini ko'rsatdi. Fluoresans mikroskopiya natijalari polyP qo'llanilgan hujayralarda fluoresans signal intensivligining ortishini ko'rsatdi.

Shuningdek, hujayra ichidagi ion oqimlari va signal molekularining faolligi o'zgarishi kuzatildi. Bu holat polyP ning hujayra ichidagi signal kaskadlarini faollashtirishi mumkinligini ko'rsatadi. Olingan tasvirlar tahlili polyP ta'sirida hujayra signalizatsiya jarayonlarida muayyan dinamik o'zgarishlar yuz berishini tasdiqladi. Mazkur natijalar polyP ning fibroblast hujayralarida signal modulyatori sifatida faoliyat ko'rsatishi mumkinligini ko'rsatadi.

Xulosa: O'tkazilgan tadqiqotlar fibroblast hujayralarida anorganik polifosfatlar signal transduksiya jarayonlarini modulyatsiya qilishini ko'rsatdi. Fluoresans mikroskopiya usuli hujayra ichidagi signal jarayonlarini o'rganishda yuqori aniqlik va sezgirlikka ega samarali metod sifatida namoyon bo'ldi. Tadqiqot natijalari hujayra signalizatsiyasi mexanizmlarini chuqurroq tushunishga xizmat qiladi hamda anorganik polifosfatlarning biologik va biotibbiy ahamiyatini aniqlashda muhim ilmiy asos yaratadi. Kelgusida ushbu yo'nalishda olib boriladigan tadqiqotlar polyP ning hujayra funksiyalarini boshqarishdagi molekulyar mexanizmlarini yanada chuqurroq yoritishga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Kornberg A., Rao N.N., Ault-Riché D. Inorganic polyphosphate: a molecule of many functions. *Annual Review of Biochemistry*. 1999;68:89–125.
2. Kulaev I.S., Vagabov V.M., Kulakovskaya T.V. *The Biochemistry of Inorganic Polyphosphates*. Chichester: John Wiley & Sons; 2004.
3. Xie L., Jakob U. Inorganic polyphosphate, a multifunctional polyanionic protein scaffold. *Journal of Biological Chemistry*. 2019;294(7):2180–2190.



4. Brown M.R.W., Kornberg A. Inorganic polyphosphate in the origin and survival of species. *Proceedings of the National Academy of Sciences*. 2004;101(46):16085–16087.
5. Müller F., Mutch N.J., Schenk W.A. Polyphosphate as a signaling molecule in mammalian cells. *Cellular Signalling*. 2018;46:1–9.
6. Berridge M.J., Bootman M.D., Roderick H.L. Calcium signalling: dynamics, homeostasis and remodelling. *Nature Reviews Molecular Cell Biology*. 2003;4:517–529.
7. Alberts B. et al. *Molecular Biology of the Cell*. 6th ed. New York: Garland Science; 2015.
8. Lodish H. et al. *Molecular Cell Biology*. 8th ed. New York: W.H. Freeman; 2016.
9. Pawley J.B.. *Handbook of Biological Confocal Microscopy*. 3rd ed. New York: Springer; 2006.
10. Nelson D.L., Cox M.M. *Lehninger Principles of Biochemistry*. 7th ed. New York: W.H. Freeman; 2017.



MUNDARIJA / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

**ХУҚУҚ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР**

**Эшмирзаев Зоҳиджон Муҳаммадиевич, Холманов Бобур Рустамович,
Усманов Алишер Акрамович, Турақулов Акрам Негматуллаевич**
СУД ТИЗИМИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
ЗАРУРИЯТИ ВА МАҚСАДИ.....6

Hafizov Diyorbek
ATROF MUHITNING IFLOSLANISHINI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH.....10

Ochilov Jasur Raxmatovich
RAQAMLI DALILLAR: AHAMIYATI VA HUQUQIY TATBIQI.....13

Mamajonova Madinabonu Xamidjon qizi
SUN'YIY INTELLEKTNING DAVLAT BOSHQARUVIDAGI HUQUQIY
MAQOMI.....15

Vaxodirova Gulnoza Oybek qizi
WHISTLEBLOWER INSTITUTINI JORIY ETISH VA HIMOYA QILISHNING
HUQUQIY MEKANIZMLARI.....18

Аролов Чорибек Маъмурович
ОИЛАДА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – ЖАМИЯТ
БАРҚАРОРЛИГИ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ....24

Ибрагимов Жасур Шодмонович, Юсупов Зафар Абдукаюмович
ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ДАЛИЛЛАР ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ТУРЛАРИ
ВА АҲАМИЯТИ.....26

**ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШАЛАР ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР**

Yarmatov Oybek Shaymanovich
XIX ASRNING IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARIDA TURKISTONDA
INGLIZ VA FRANTSUZLARNING IJTIMOYIY-IQTISODIY FAOLIYATI.....34

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

Qosimjonova Muxlisa Abdujabbor qizi
AMIR TEMUR DAVLATCHILIK KONSEPTSIYASINING MANBALARI VA
NAZARIY ASOSLARI.....40



**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР**

Ganiyeva Asila, Djalilov Ma'rufjon THE ROLE OF ASSISTIVE TECHNOLOGY IN SUPPORTING INCLUSIVE LEARNING ENVIRONMENTS.....	45
Xasanova Ruxshona, Shaxnoza Alikulova THE ROLE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN LANGUAGE TEACHING.....	48
Tuychiyeva Habiba Toshmirza qizi HOW TO IMPROVE SPEAKING SKILLS THROUGH ONLINE APPS.....	53
Bahodirova Dilnura Baxtiyor qizi THE ROLE OF INTERACTIVE ACTIVITIES IN MODERN TEACHING.....	56
Tog'abekova Adiba Nurlan qizi ROLE OF NATIVE LANGUAGE IN LEARNING ENGLISH.....	60
Kayumova Nilufar Kuchkorovna, Azimova Visola CHET TILINI O'RGANISH JARAYONIDA YUZAGA KELADIGAN QIYINCHILIKLAR.....	63
Urazova Madina Safarboyevna COMPARATIVE TYPOLOGICAL STUDY OF TERMINOLOGY IN THE FIELD OF APPLIED ARTS (BASED ON ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES).....	66
Tog'ayeva Mahfuza Abdunazarovna KASBIY LEKSIK KOMPETENSIYANI TAKOMILLASHTIRISHDA ZAMONAVIY METODIK SHAKLLAR.....	68
Исламова Нозима Анвар кизи ВЫБОР ЯЗЫКА НОТАЦИИ В ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОМ ПЕРЕВОДЕ И СОХРАНЕНИЕ ДИПЛОМАТИЧЕСКОГО ХЕДЖИНГА (АНГЛИЙСКИЙ– УЗБЕКСКИЙ ДИСКУРС).....	71
Abdujabborova Aziza Baxtiyor qizi POETIK TASVIRDA RAMZIYLIK (Omon Matjon lirikasi talqinida).....	75
Muhammadqulova Mohibonu Komiljon qizi RAQAMLI TA'LIM PLATFORMALARI ASOSIDA INGLIZ VA NEMIS TILLARINI INTEGRATSIYALASHGAN HOLDA O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH.....	79
Raximova Kamilla Erkinovna GAMIFIKATSIYA ASOSIDA NOFILOLOGIK TALABALARNING LEKSIK- KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH PEDAGOGIK ZARURATI.....	82



**ИҚТИСОД ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР**

АҲТИМБЕТОВА ВИБИЗУРА ҚОҶШИВЕКОВНА КООПЕРАТСИЯ ОРҚАЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ YO‘LLARI.....	85
Ahmedova Fayyoza Rashidovna TURIZM SOHASINING RIVOJLANISH TENDENSIYALARI: 2016–2023 YILLAR TAHLILI.....	90
Nazirova Sayyora Baxtiyorovna SURXONDARYO VILOYATIDA QISHLOQ XO‘JALIGI SOHASIGA XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB ETISHDA XALQARO SAVDO-IQTISODIY HAMKORLIKNING O‘RNI (AFG‘ONISTON MISOLIDA).....	96
Zakirov Mir Timur Zokir O‘g‘li YOSHLAR TADBIRKORLIGINI QO‘LLAB-QUVVATLASH MEXANIZMLARI.....	100
SADULLAYEV AHMADJON IKROM O‘G‘LI MINTAQAVIY ENERGETIKA TIZIMLARINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	105
Madraimova Marxamat Raximberganovna TADBIRKORLIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH VA TARTIBGA SOLISHDA ILG‘OR XORIY MAMLAKATLARI TAJRIBALARI VA ULARDAN MILLIY IQTISODIYOTIMIZDA SAMARALI FOYDALANISH IMKONIYATLARI.....	112
Соипова Наргисхон Сафарбоевна ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	117
Duschanov Alisher Sherzod o‘g‘li MINTAQА ІМІЈNI OSHIRISH STRATEGIYASI.....	120
Давлатов Улуғбек Баходирович ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ БОШҚАРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	123

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР**

Rayimova Gulhayo Orzumurodovna МАКТАБГАСНА ТА‘ЛИМ TASHKILOTIDA INKLYUZIV TA‘LIMNI TASHKIL ETISH.....	127
Salomova Muattar, O.A Maxmudova МАКТАБГАСНА ТА‘LIMDA DEFEKTALOGIYANING O‘RNI.....	130



Shirinbekova Gulgunoy Shirinbekovna
BOSHLANG‘ICH TA‘LIMIDA PEDAGOGIK INNOVATSIYALAR
VA ULARNING SAMARADORLIGI.....133

Uralova Dilfuza Saydaliyevna
THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF TEACHING
FOREIGN LANGUAGES TO PRESCHOOL CHILDREN.....135

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Abduraximov Abror Tilov o‘g‘li, Haydarov Baxtiyor Tojjiyevich
YOSH FUTBOLCHILARDA TEZKOR-KUCH SIFATLARINI NOSTANDART
MASHQLAR YORDAMIDA RIVOJLANTIRISH SAMARADORLIGI.....137

**ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР
ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР**

Xafizov Dilbek Abdug‘ani o‘g‘li
YO‘LLARDA TIRBANDLIKNI BARTARAF ETISH MUAMMOSI.....140

**БИОМЕДИЦИНА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР**

Nurullayeva Mavluda Davronbek qizi, Allaberganov D.Sh.
EKSTRIMAL KICHIK TANA VAZNIDA TUG‘ILGAN SHAQALOQLARDA
TIMUS PATOMORFOLOGIYASI.....143

**Мамедова Гузаль Бакирован, Файзиева Нозима Авазбек кизи, Мадиярова
Фарина Умидовна**
СРАВНИТЕЛЬНАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ МЕТОДОВ ЛУЧЕВОЙ
ДИАГНОСТИКИ В ОНКОЛОГИИ ПРИ РАЗЛИЧНЫХ КЛИНИЧЕСКИХ
ЗАДАЧАХ.....146

**Мамедова Гузаль Бакирован, Гладков Иван Владимирович, Мадиярова
Фарина Умидовна**
ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ВНЕДРЕНИЯ ИНТЕГРИРОВАННОЙ
СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ КАЧЕСТВА МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ В
ЧАСТНОЙ МНОГОПРОФИЛЬНОЙ КЛИНИКЕ.....148

Бекеев Ж.К., Хушвакова Н.Ж.
АЛЛЕРГИК РИНИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРНИ ДАВОЛАШ
ТАМОЙИЛЛАРИ.....151

Д.Ш. Аллаберганов, Ш.Ш. Садуллаева
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА МЕТАБОЛИК СИНДРОМГА ЧАЛИНГАН
ЭРТА РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАР ТУХУМДОН ХАВФСИЗ
ЎСМАЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ.....154



Bekeev J.K., Khushvakova N.J.

A MODERN APPROACH TO THE ETIOPATHOGENESIS OF ALLERGIC RHINITIS.....157

D.SH. ALLABERGANOV, SH.SH. SADULLAEVA

PATHOMORPHOLOGY OF BENIGN OVARIAN NEOPLASMS IN YOUNG WOMEN OF EARLY REPRODUCTIVE AGE WITH METABOLIC SYNDROME.....160

Abdilxayeva Zuxrahon Adxamjonovna

IGA-НЕФРОПАТИЯ АВЖ ОЛИШИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ.....163

Аллаберганов Дилшод Шавкатович, Исроилов Асилбек Мухиддин ўғли

РЕСПИРАТОР ДИСТРЕСС СИНДРОМИДА НОБУД БЎЛГАН МУДДАТДАН ОЛДИН ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР ГИПОФИЗИ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ.....166

Ашурова Нигора Файзуллаевна

ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКЛАРДА ИЧАКЛАРНИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ.....170

Турсунов Х.З., Абдуллаев Ш.Х.

ҲОМИЛА ИЧИ ИНФЕКЦИЯСИДА ЙЎЛДОШНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ.....175

Аллаберганов Дилшод Шавкатович, Юлдашев Иброхим Босим ўғли

ТУҒРУҚДАН КЕЙИНГИ БАЧАДОНДАН АНОМАЛ ҚОН КЕТИШИДА БУЙРАК УСТИ БЕЗИНИ МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ.....179

Аллаберганов Дилшод Шавкатович, Исроилов Асилбек Мухиддин ўғли

МУДДАТДАН ОЛДИН ЧАЛА ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА РИВОЖЛАНГАН ПНЕВМОПАТИЯЛАРДА ГИПОФИЗИ ГИСТОКИМЁВИЙ ЖИХАТЛАРИ.....183

Ашурова Нигора Файзуллаевна

ТАЖРИБАВИЙ ИШЕМИК ИНСУЛЬТДАН КЕЙИНГИ 7-14 СУТКАДА ИНГИЧКА ВА ЙЎҒОН ИЧАКЛАРДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР.....186

Турсунов Х.З., Абдуллаев Ш.Х.

ҲОМИЛА ИЧИ ИНФЕКЦИЯСИДА ЎПКА ТЎҚИМАСИ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ.....191

Abdilxayeva Zuxrahon Adxamjonovna

IGA-НЕФРОПАТИЯ АВЖ ОЛИШИНИ ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ.....195

Sayfullayeva Farangiz

ИККИНЧИ ТИРДАГИ ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ВЕМОРЛАРНИ РЕАБИЛИТАТСИЯСИ.....199

Мадазимова Барнохон Дилшодбек кизи

ДЕФИЦИТ ВИТАМИНА D У ЗДОРОВЫХ ДЕТЕЙ И У ДЕТЕЙ С НЕФРОТИЧЕСКИМ СИНДРОМОМ В ВОЗРАСТЕ 5–10 ЛЕТ.....202



Abdilxayeva Zuxrahon Adxamjonovna IGA-НЕФРОПАТИЯ АВЖ ОЛИШИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ.....	204
Аллаберганов Дилшод Шавкатович, Юлдашев Иброхим Босим ўғли ТУҒРУҚДАН КЕЙИНГИ БАҚАДОНДАН АНОМАЛ ҚОН КЕТИШИНИ ТУРЛИ МУДДАТЛАРИДА БУЙРАК УСТИ БЕЗИНИ ПАТОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	208
Мадрахимов Азизжон Лазизжон ўғли ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМДА БУЙРАК УСТИ БЕЗИ ГИСТОКИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ.....	204
Мадрахимов Азизжон Лазизжон ўғли ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМДА БУЙРАК УСТИ БЕЗИ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ.....	211
Кабулова А.У., Ахмедова Д.И. КЛИНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ВРОЖДЁННЫХ ПОРОКОВ СЕРДЦА У ДЕТЕЙ.....	218

ФАРМАЦЕВТИКА ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Xabibullayeva Sh.M., Farmanova N.T. ODDIY MAYMUNJON (RUBUS IDAEUS L.) BARGINI TARKIBIDAGI SONLI KO'RSATKICHLAR MIQDORINI ANIQLASH.....	220
---	-----

КИМЁ ФАНЛАРИ ЮТУҚЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Hajiyeva Gulora Erkaboyevna “DISPERS SISTEMA” MAVZUSINI O‘QITISHDA INTERFAOL METODLARNING DIDAKTIK SAMARADORLIGI.....	222
Raximova Qurbongul Atamuratovna TOSHKO‘MIRNING TARKIBI, XOSSALARI VA AMALIY AHAMIYATI.....	224
Sultanova Shahlo Qahramon qizi TABIIY GAZNING UGLEVODORODLARNING TABIIY MANBAI SIFATIDAGI O‘RNI, TARKIBI VA AMALIY AHAMIYATI.....	226

БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Abdusattorova N.U, Ro‘ziboyev X.S FIBROBLAST HUYAYRALARIDA ANORGANIK POLIFOSFATLARNING SIGNAL TRANSDUKSIYA JARAYONLARIGA TA‘SIRINI O‘RGANISH.....	228
--	-----



**TADQIQOT.UZ ТОМОНИДАН
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН**

**”ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР”
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 87-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**

(2-қисм)

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Эълон қилиш муддати: 30.04.2026